



O'ZBEKISTON  
SAVDO-SANOAT  
PALATASI

gtz



# БИЗНЕС ЮРИТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: 101 САВОЛГА 101 ЖАВОБ

А М А Л И Й Қ Ү Л Л А Н М А





O'ZBEKISTON  
SAVDΟ-SANOAT  
PALATASI

gtz



Uzbekistan

АМАЛИЙ ҚҰЛЛАНМА

# БИЗНЕС ЮРИТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: 101 САВОЛГА 101 ЖАВОБ

O'ZBEKISTON  
BIZNES  
FORUMI

**Бизнес юритишнинг долзарб масалалари: 101 саволга 101 жавоб. Амалий қўлланма.** — Ташкент: SMI-ASIA, 2010.

**Тадқиқот раҳбари:**

А.Э. Шайхов, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси

**Ишчи гуруҳ:**

Базаров Акмал, Болтаев Ихтиёр, Обидов Асқар, Жалилов Жамшид, Ғаниев Баҳодир, Мирзааҳмедов Одилжон, Обломуродов Нарзулло, Шукуров Ҳусан, Фозилов Отабек

Мазкур қўлланма тадбиркорлик фаолияти юритишнинг долзарб масалалари юзасидан Ўзбекистон тадбиркорларига маслаҳат кўмаги кўрсатиш, уларнинг бизнес соҳасидаги билимларини яна-да кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилди. Қўлланманинг бошқа нашрлардан фарқи шундаки, унда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган реал ҳолатлар ва вазиятларга савол-жавоб шаклида изоҳлар берилган.

Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан республиканинг турли вилоятларида ўтказилган бизнес форум ва давра сухбатлари доирасида муҳокама этилган масалалар ўз аксини топган. Шунингдек, унда ҳўжалик юритишга оид муносабатларнинг турли қирралари, хусусан, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, лицензиялаш, руҳсатномаларни бериш жараёни, корпоратив бошқарув, соликқа тортиш, экспорт-импорт операциялари ва бошқа масалалар билан боғлиқ 100 дан ортиқ саволларга жавоблар жамланган. Қўлланма маъмурий-хуқуқий ва фуқаролик-ҳўжалик муносабатларини тартибга со-луви қонунчилик ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур қўлланма Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастириининг «Ўзбекистон Бизнес Форуми» лойиҳаси ва Германия Техник Ҳамкорлик жамиятининг «Ўзбекистон худудларида иктисолидётни ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси кўмагида тайёрланди ва нашр этилди. Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг таркибий бўлинмалари орқали белуп тарқатилади. Қўлланманинг электрон нусхасини Савдо-саноат палатасининг [www.chamber.uz](http://www.chamber.uz) ва «Ўзбекистон Бизнес Форуми» лойиҳасининг [www.bfu.uz](http://www.bfu.uz) веб-сайтларида топишингиз мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси**

**БМТ Тараққиёт Дастури**

**«Ўзбекистон Бизнес Форуми» лойиҳаси**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бухоро кўчаси 6.

Телефон/Факс: +998 (71) 233-77-49

Web: [www.bfu.uz](http://www.bfu.uz)

ISBN 978-9943-17-019-3

Мазкур нашр муаллифлари томонидан билдирилган фикрлар БМТ, жумладан, БМТД ва БМТ аъзо давлатларнинг расмий нуқтайи назарларига мос келмаслиги мумкин.

Ушбу нашр БМТД билан Ўзбекистон Ҳукумати қўшима лойиҳаси томонидан тайёрланган.

<b>Қисқартмалар рўйхати</b>	4
<b>1-боб.</b>	
Рухсат бериш тартиблари	5
<b>2-боб.</b>	
Валюта муносабатларини тартиба солиш, банк хизматлари, кредитлаш ва мулкни баҳолаш	11
<b>3-боб.</b>	
Ҳисоб-китоб ва солиққа тортиш	37
<b>4-боб.</b>	
Боҳжона назорати	48
<b>5-боб.</b>	
Корпоратив бошқарув	66
<b>6-боб.</b>	
Маҳсулот олди-сотдиси, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш	74
<b>7-боб.</b>	
Мехнат муносабатлари	81
<b>8-боб.</b>	
Низоларни ҳал этиш	88
<b>9-боб.</b>	
Банкротлик ва корхонани тугатиш	99
<b>Иловалар</b>	99
<b>Маълумот учун алоқалар</b>	109

Давлат божхона қўмитаси	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
Давлат мулки қўмитаси	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитаси
Даваржитеқ қурилиш қўмитаси	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
Давлат табиат қўмитаси	Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
ГИЛИСВ	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
ЖСОИХ	Энг кам ойлик иш ҳақи
ККС	Қўшилган қиймат солиги
МЧЖ	Масъулияти чекланган жамияти
ОАЖ	Очиқ турдаги акциядорлик жамияти
ҶАЖ	Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти
ҚҚ	Қўшма корхона
АҚШ	Америка Қўшма Штатлари
СМТ	Сифат менежменти тизими
БМГД	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури
ТИФ ГН	Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси
УЗР ССП	Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси
ЧХЬ	Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси
МЛХ	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
ҲКП	Ҳисоб-клиринг палатаси

# РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБЛАРИ

1 Ўзбекистон Республикаси фуқароси Азиз Воҳидов беш қаватли уйнинг биринчи қаватида яшайди. Уйни икки хонали. Бу ерда озиқ-овқат дўкони очиш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун туар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш зарурми? Қайси идоралар бу иш билан шугулланади? Уйни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат берадиган ҳужжатлар қандай расмийлаштирилади?

Албатта зарур. Туар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш тадбиркорлик субъектининг ёки унинг таъсисчиси аризасига биноан амалга оширилади.<sup>1</sup>

Амалдаги қонунчиликка биноан, ариза берувчи шахс корхонани (яъни МЧЖ ёки хусусий корхона) давлат рўйхатидан ўтказиш учун Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига мурожаат этиши зарур. Бунда, мазкур шахс бир вақтнинг узидаги туар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш талаб этилади.

Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш ва тегишли рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш муддати ариза берилган санадан бошлаб таҳмин шартлар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг мураккаблиги ва ҳажмини ҳисобга олиб 7 иш кунидан бир ойгача бўлиши мумкин.

Ваколатли органларга ҳужжатларни расмийлаштириш учун бериладиган тўлови фақатгина Инспекция орқали амалга оширилади.

**Туар жойни (ёки унинг маълум қисмини) нотурар жой тоифасига ўтказиш учун** ариза берувчи Инспекцияя га ёзма равища (ариза билан) мурожаат қилади (1-сонли ва 2-сонли иловаларга қаранг). Аризага қуйидагилар (корхонани рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатларга қўшимча равища) илова қилинаеди:

- Ариза берувчининг мавжуд жойга мулкий ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси (масалан, олди-сотди шартномаси, давлат оруғи) (3-сонли ва 4-сонли иловаларга қаранг);
- «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати томонидан ташкил ёрланган бино тархи (5-сонли иловага қаранг);
- бинога биргаликда эгалик қилувчилар ва оила вояга етган аъзоларининг туар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга нотариал тасдиқланган ёзма қилинишиги розилиги;

1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 35/соннига яхши тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйишни раҳабарлаштирувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тўғрисида»ги Низоми.

агар турар жой күп хонадонли ширкат худудида жойлашган бўлса, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилиги;

агар турар жой архитектуравий, тарихий ва маданий ёдгорлик бўлган уйларда жойлашган бўлса — ёдгорликларни муҳофаза қилиш органларининг розилиги.

Инспекция бир кун муддатда хужжатларни «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли худудий хизмати билан келишиб олади ва уларни кўриб чиқиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига беради, ҳокимлик икки кун муддатда Инспекцияга туман (шаҳар) ҳокимининг тегишли қарорини беради (6-сонли иловага қаранг). Инспекция томонидан ҳам итилган ҳокимнинг қарори асосида «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли худудий хизмати томонидан 1 кун мобайнида белгиланган тартибда рўйхатдан казиш амалга оширилади ва тегишли гувоҳнома берилади.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати томонидан рўйхатдан ўтказганилк учун юридик шахслардан ЭКОИҲнинг 50 фоизи, жисмоний хслардан эса — 10 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

Ариза берувчи томонидан бино параметрларини ўзгартириш хоҳиши билдирил-тақдирда Инспекция туман (шаҳар) ҳокимининг турар жойни нотурар жой тоифа-а ўтказиш тўғрисидаги қарори олинган кунда мазкур Низомда белгиланган тартиба туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) муҳандислик-имуникация тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш юзасидан тегишиб-ўртманома беради. Кейинги тартиб-қоидалардан ўтиш мазкур Низомда белгиган тартибда амалга оширилади.

Урар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган архитектура-режалаштириш топширигининг қиймати ЭКОИҲнинг 2 бараваридан ортиқ маслиги керак.

Арча жараёнлар ниҳоясига етгач, рўйхатга олувчи орган аризачига рухсат берилиши хужжатларни расмийлаштирилганини тасдиқловчи гувоҳнома беради (7-сон-ловага қаранг).

**Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахс тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмоқчи. Бунинг учун у ўз турар жойини нотурар жой тоифасига ўтказиши ёки бўлмаса янги бино қуришни қалламоқда. Таниш-билишлари унга бинонинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб тиш ҳамда лойиҳалаштириш ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш катта маблаг кетишини айтишди. Ҳақиқатан ҳам бу шундайми?**

ро ўзининг олдига қўйган мақсадига эришиши учун бинонинг кадастр атларини расмийлаштириш, архитектура-режалаштириш топшириқлари (APT) ёки сарфлаши талаб этилмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва клантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1112-сонли қарорига мувофиқ, ўзига 1 июндан эътиборан кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш хизматлари ўлов (тариф) қўйидагича камайтирилди:

ар жой ва биногони техник хатловдаги ўтказиш, паспортлантиришни баъзотдан 50% ўзга (тўлов миқдори бажарип панинга ташкил оларни таъминлаштиришни баъзотдан 50%

- нотурар бино ва иншоотлар кадастри учун бинони (иншоотни) ўлчаш, текшириш, баҳолаш ва паспорт бериш ишлари 50 фойзга (*тўлов ҳақи бажариладиган иш ва майдон ҳажмига боғлиқ*);
  - комплекс топографик-геодезия ишларини амалга ошириш 40 фойзга (*тўлов миқдори бажариладиган иш ва майдон ҳажмига боғлиқ*);
  - кадастр хизмати томонидан кўрсатиладиган бошқа хизматлар 40 фойзга (*тўлов ҳақи бажариладиган иш ва майдон ҳажмига боғлиқ*);
- Бундан ташқари 2009 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик обьектининг меъморий-режалаштириш вазифалари ва лойиҳалаштириш ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш хизматлари учун тўловлар кўйидагича камайтирилди:
- тадбиркорлик субъектлари обьектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун архитектура-режалаштириш топшириқларини (APT I ва APT II) ишлаб чиқиш ЭКОИҲнинг 40 баробаридан 10 баробаригача, шу жумладан, қишлоқ жойдаги тадбиркорлик субъектлари учун ЭКОИҲнинг 40 баробаридан 5 баробаригача;
  - тураг жойни нотураржой тоифасига ўтказиш (реконструкция қилинадиган ва реконструкция қилинмайдиган бино учун APT I ва APT II ишлаб чиқиш) ЭКОИҲнинг 18,5 баробаридан 2 баробаригача;
  - лойиха-смета ҳужжатлари экспертизаси ЭКОИҲнинг 5 баробаридан 3 баробаригача;
  - қурилиш давомида якуний назорат-ижро суратларини олиш ишларини амалга ошириш ЭКОИҲнинг 5 баробаридан 3 баробаригача.

### **3 Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратишга лицензия олиш учун хорижий корхона «N» МЧЖ дан қандай ҳужжатлар талаб этилади?**

Лицензия олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасига кўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак:

- лицензия бериш тўғрисидаги ариза. Аризада қўйидагиларни кўрсатиш керак: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (пошли манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, лицензияланётган фаолиятнинг юридик шахс томонидан амалга оширилиши мўлжалланаётган тури;
- лицензия талабгорининг аризасини лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилиши учун тегишли йиғимни тўлаганилигини тасдиқловчи ҳужжат;
- архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш билан шуғулланадиган ходимларнинг рўйхати, унда уларнинг эгаллаб турган лавозимлари, мутахассислиги бўйича маълумоти, мутахассислиги бўйича иш стажи, ушбу ходимлар иштирок этган або сий обьектлар рўйхати;
- архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш учун мавжуд шарф-шартийта техника воситалари ҳақида маълумот;
- давлат рўйхатидан ўтказилганини тўғрисидаги гувоҳноманини ташдиқланган нусхаси;

Кадастр хизматлари учун тарифларнинг аниқ миқдорини билиш учун Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича Давлат қўмитаси веб-сайтнинг ([www.gkz.uz](http://www.gkz.uz)) «Меъёрий-хужжатлар» бўлинмасига ташриф буюринг.

- ташикпоптунин тәсиси шартномаси ва устави;
- ташикпоптунин рахбары ҳамда соҳа бүйича маълумотга эга бўлган асосий ходимлар (лонгитапинин бош муҳандислари ва архитекторлари, бош ва етакчи мутахассислари) дипломлари;
- талабгорига мулк ҳуқуқи ёки бошқа қонуний асосда фаолиятнинг лицензияланадиган тури учун зарур бўлган бинолар, хоналар, асбоб-ускуналар ва жиҳозларнинг төзишилигини тасдиқловчи хужжатлар;
- турар жойда (квартирада) фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишди маҳаллий ҳокимият органларининг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарорларининг нусхалари.

Аризани кўриб чиқиш учун ЭКОИҲнинг 2 баробарига тенг миқдорда йиғим ундилади. Йиғим давархитекткурилиш қўмитасининг ҳисоб рақамига ўтказилади. Консијергий лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш рисидаги қарори лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб 15 кун-гошмайдиган муддатда қабул қилинади.<sup>1</sup>

**«N» корхонаси ишлаб чиқариш обьектини қуриш учун ер сўраб ҳокимиятга мурожаат этди. Гарчанд, ер ажратиш тўғрисидаги қарор чиқарилмаган бўлса-да, «N» корхонаси ҳокимият тавсиясига кўра қурилаш обьектининг экологик экспертизадан ўтказишни бошлади. Агар ер ажратиш тўғрисидаги ариза бўйича ижобий натижка бўлмаса, у ҳолда қонуникка мувофиқ режалаштирилган обьектни экологик экспертизадан изиш учун «N» корхонаси тўлаган пулни ким ва қандай қоплаб беради?**

Чиликка мувофиқ ишлаб чиқаришнинг аниқ тури экологик экспертизадан ўтиши ўда тутилган. Саволда назарда тутилган ер майдони ишлаб чиқаришнинг аниқ учун ажратилаётгани боис аризани кўриб чиқиш учун табиатни муҳофаза қилиши, ут ўчириш, санитар-эпидемиологик назорат хизматлари ва шу каби бошқа иоджининг хулосалари зарур бўлади. Агар битта ер майдони учун бир неча ариза тушучса, ер майдонини ажратиш тўғрисидаги қарор танлов (конкурс) асосида қабул иди. Танловда хавфсиз ишлаб чиқариш турларига кўпроқ эътибор қаратилади. Ўқистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида» ги Қонунига кўра, и обьектининг экологик талабларга жавоб бериши ҳақида давлат экологик экспертиза хуносаси берилган кундан бошлаб уч йил муддатга амал қиласди. Шу боисдан, тан экологик экспертиза хуносасидан уч йил давомида муайян турдаги ишлаб чиқиш учун фойдаланиш мумкин бўлади. Белгиланган тартибига кўра экологик экспертиза тўланган ҳақ қайтарилмайди.

**Куссий тадбиркор «N» қадоқланган бентонит ишлаб чиқаради. Адбиркорда ишлаб чиқараётган бентонит учун гигиеник сертификат ҳамда мувофиқлик сертификати бор. Тадбиркор қадоқланган**

**маҳсулот учун сертификат сўраб «Ўзстандарт» агентлигига мурожаат қилди. Агентлик ходимлари эса унга бентонитни бевосита ўзини қайтадан сертификатлаш зарурлигини айтишиди (сертификатлаш бентонитнинг техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қўшимча техник синовлар ўтказишини талаб қиласди). Агентлик ходимларининг талаби тўгрими?**

Мувофиқлик сертификатига эга қадоқланган маҳсулот ишлаб чиқаришда мазкур қадоқланган маҳсулотга нисбатан талабларни белгиловчи техник қоидаларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Мазкур техник қоидалар асосида маҳсулотни ўраш учун сертификат олиш керак бўлади холос. Асосий маҳсулот (мазкур ҳолатда бентонит) учун қайта сертификат олиш талаб этилмайди. Мувофиқлик сертификати «Ўзстандарт» агентлиги ёки сертификат бериш аккредитациясидан ўтган орган томонидан берилади (8-сонли иловадаги намунага каранг). Мажбурий сертификатлаш лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган.<sup>1</sup>

## **6 «N» МЧЖ обьектни жуда тез муддатда қуриш учун бюртма олган. Объект қурилишини лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан айни бир вақтда амалга ошириш тартиби қандай?**

Объектни қурилишини лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан айни бир вақтда амалга ошириш алоҳида вазиятларда — мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш, табиий ва экологик оғатлар оқибатларини бартараф этиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш ёки бошқа кечикириб бўлмайдиган давлат эҳтиёжларини ҳал этиш билан боғлиқ ҳолатларда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра амалга оширилади. Мазкур таклифни асослаш инвесторга юклатилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирилиги ва Давархитектқурилиш қўмитаси билан келишилган ҳолда қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

- Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси;
- Объект қурилишининг мақсадга мувофиқ экани ҳақида шаҳарсозлик кенгаши қарори;
- Объект қурилишининг белгиланган тартиба тасдиқланган техник-иқтисодий асослари (техник-иқтисодий ҳисоб-китоб);
- Қонунчиликка мувофиқ қурилишга техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоб-китоб) ишлаб чиқилиши мажбурий бўлмаган обьектлар бўйича қурилиш қиймати ҳисобланган лойиҳалашдан олдини и ҳужжат.

Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамасининг қарори** де-ганде Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва фармойишлар тушунилади, ҳеч қандай ҳолатда бошқа ҳужжат, масалан Бош вазир ўринбосарининг имзоли кўрсатмаси (*фишкаси*) ёки ваколатли органинни расмий хати, бундай қарор ўрнини босмайди.

Манба: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлари Маҳкамаси тўғрисидаги Конуни 20 майдани

Объект курилишининг техник-иктисодий асослаши (техник-иктисодий ҳисоб-китоб) макулдуд бўлмагандан қуидагилар тақдим этилади:

- Куритиш учун ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарор;
- Объектни муҳандислик коммуникацияларига улаши учун техник шартлар;
- Объект курилиши учун архитектура-режалаштириш топшириги;
- Муҳандислик-қидирув ишлари натижалари ёки улар тугалланганлиги ҳақидаги маълумотлар.<sup>1</sup>

**«N» чет эл компанияси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашиши кўзда тутилган объектнинг архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқмоқчи. Лекин бу ишни мазкур компания хоижий давлат ҳудудида амалга ошироқчи. Шундай ҳолатда «N» компанияси архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лицензия олиши керак бўладими?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига<sup>2</sup> мувофиқ «фаолиятнинг лицензиалаштирилган тури»-деганда Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилиши учун лицензия ши таълаб этиладиган фаолият тури тушунилади. Саволда қайд этилган ҳолатда ғаолият хорижий давлат ҳудудида амалга оширилаети. Шундан келиб чиқсан یدа айтиш мумкинки, саволда назарда тутилган чет эл компанияси архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лицензия олиши керак эмас.

Нунинг билан биргаликда, масаланинг амалий томонини оладиган бўлсак, чет эл компанияси томонидан юридик шахс ташкил этмасдан ҳамда лицензия олмасдан туархитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқилиши уларни Ўзбекистон ҷумҳурияти ҳудудида тадбиқ этишини қийинлаштиради. Сабаби, архитектура-шарсозлик ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига, тегишшундай стандартларига, шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган яна ишлаб чиқилсагина, улар Ўзбекистон Республикасида тан олинади. Қолаверса, шарсозлик ҳужжатлари экспертизиздан ўtkazilganda, уларни ишлаб чиқсан компания Ўзбекистон Республикасида лицензияси бор-йўқлиги албатта текширилади (кумаклар Ўзбекистон ҳудудида ишлатиладиган бўлса).

Мутахассисларининг таклифига кўра, чет эл компанияси Ўзбекистон Республиди ҳеч бўлмагандан ўз ваколатхонасини очса ва ваколатхонага архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни биладиган тегишли мутахассислар бинарга мазкур вазифани амалга ошириш учун зарур бино ва асбоб-ускуна билан ишласа мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Архитектурилиш мутахассислари томонидан тавсия этилган яна бир масала-чиими, архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш вазифасини чет компанияси Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ва мазкур соҳада лицензияга эга мажаллий корхонаси билан ҳамкорликда амалга ошириши мумкин. Кўплаб чет бинанинни айни шу усуслдан фойдаланишади. Бунда мажаллий корхонанинг иши

1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августда қабул қилинган 305-сон ишбўйи таъсисланган «Объектлар курилишини лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш бинаны таъсислашни ошириш тартиби тўғрисидаги Низом».

2 Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги Конвенцияни»

ишлаб чиқилган архитектура-шахарсозлик ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига, тегишли давлат стандартларига ҳамда шаҳарсозлик меъёrlари ва қоидаларига қанчалик мос келиш ёки келмаслигини текшириб беришдан иборат.

**8** МЧЖ шаклидаги «N» чет эл корхонаси бизнес комплекс ва турар жой қуриш бўйича комплекс иш бошлишни режалаштирган. Бу иш учун сарфланадиган маблагнииг маълум қисмини корхона ўз ҳисобидан, қолган қисмини учинчи шахслар ҳисобидан қопламоқчи. Мазкур фаолият билан шугулланиш учун корхонага қандай лицензиялар керак бўлади?

Архитектурă, шаҳарсозлик ва қурилиш ишлари лицензияланадиган фаолият турига кирмайди. Лекин архитектура-шаҳарсозлик ва қурилиш-монтаж соҳаларига тааллуқли фаолиятнинг айрим турлари учун лицензия олиш талаб этилади. Бундай фаолият турларига хусусан қўидагилар киради:<sup>1</sup>

- архитектура-шаҳарсозлик хўжатларини яратиш;
  - қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш;
  - баландликларда саноат альпинизми усуулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш;
  - қўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш;
  - мудофаа обьектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш;
  - хавфи юкори бўлган обьектларни ёки потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш.

**9 Устав фонди 10 млн. сўм бўлган МЧЖнинг таъсисчилари таркибида ўзгаришлар юз берди. Шу сабабли янги таъсисчиларни рўйхатдан ўтказиш зарур. Таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қандай амалга оширилади?**

«Н» МЧЖ таъсисчилари умумий йиғилишининг Таъсис шартномаси ҳамда Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан сўнг 7 иш куни мобайнида ҳужжатлар тўплами уларни рўйхатдан ўтказган туман ёки шахар ҳокимияти қошидаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига юборилиши лозим. Куйидаги ҳужжатлар почтадан ёки бевосита Инспекцияга келиб топширилиши талаб этилади:<sup>2</sup>

- рўйхатдан ўтказиш учун ариза;
  - «N» МЧЖ таъсисчилари Умумий йигилишининг Таъсис шартномаси ва Устуни га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида бир овоздан қабул қилинган қарори нусхаси (1 нусхада);

1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410 сенат тартиби  
дан тасвикланган «Курилниш соҳасидаги фюзилингли инспекциялар турисидаги» 141 оном.

2. Убекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 маийин РКЗ/СОИИ таъсирчилашардиги сабакларни буёнга келиштирилганда оларни таъсирчилаштиришади.

«N» МЧЖ рахбарининг имзоси ва корқоны мұхри билан тасдиқланған Таъсис шартномасы ва Уставига киритилгандай артыш ва құшимчалар матни (одатда мұхруғын ташқары «Таъсисчилар Умумий йиғилишининг — йилдаги —-сонли қарори билан тасдиқланған» деб ёзіб қўйилади) (2 нусхада ва варақлари тикингандай бўлинни лозим) (9-сонли иловадаги наимунага қаранг);

давлат божининг ЭКОИХнинг 1 баробари миқдорида тўланганлиги ҳақидаги банк тўлови ҳужжати (квитанция эмас, балки тўлов топшириқномаси нусхаси)<sup>1</sup>.

Таъсис ҳужжатларига ўзгартериш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш йўдати 2 иш кунидан иборат (амалда рўйхатдан ўтказувчи идора талабларидан кеёнчиликдан ҳолда бу муддат бирор қўзилиши мумкин).

«N» МЧЖ таъсисчилари умумий йифилишининг Таъсис шартномаси ва Уставига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори қабул қилинишидан аввал амалдаги таъсисчилар «N» МЧЖдаги улушни янги таъсисчи Xга сотиш тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

## **Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 январдаги 407-сонли «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга сошчора тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ўзгартериш ва қўшимчалар ритилиши муносабати билан юридик шахсларга чакана савдо билан тулланиш учун рухсатнома олиш талаби бекор қилинди.<sup>2</sup> Бу хусусий биркорларга ҳам тааллуқлами?**

, таапиуқли эмас. Юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбирлар чакана савдо билан фақат турғун чакана савдо шахобчаси ёки кийим бозор нациаги жойдаги туман (шахар) ҳокимларидан чакана савдони амалга ошириш ўқига рухсат гувоҳномаси олган тақдирда шуғулланишлари мумкин.

## **Улгуржи савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаган «N» МЧЖ халқ истеъмоли молларини олди-сотди қилиш битимларини ўз номидан тузиш, тўловни эса комитет бидан амалга ошириш бўйича воситачилик шартномасини имзо ни мўлжалламоқда. Мазкур шартномани улгуржи савдо шартноига тенглаштирса бўладими ва бундай битим тузиш учун «N» МЧЖ ржи савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга иши керакми?**

Ф шартномани улгуржи савдо шартномасига тенглаштириб бўлмайди. Воситачи шартномаси<sup>3</sup> ва Улгуржи савдо шартномаси турли хил битимлардир. Мазкур шарт-

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Президентинин 2006 йил 15 майдаги ПҚ-1112-сонли «Дадиркорлик фаолини ала кўйилади қўйиладиган тарзийларни тасдиқлаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги қарори.

<sup>2</sup> Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси шартий айrim қарорларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 17-сонли қарори».

<sup>3</sup> Узбекистон Республикаси шартий айrim қарори.

номалар белгиланган мақсад ва вазифалари, даромад олиш усуллари ва томонларнинг мажбуриятлари каби қатор масалаларда бир биридан фарқ қиласди. Маҳсулотни олди-сотидисида (шу жумладан, улгуржи асосда) харидор-корхона маҳсулотни ўз мулкига айлантиради (яъни балансига қабул қиласди) ва корхона бу маҳсулотни қайта сотиш ҳукуқига эга бўлади. Воситачи-корхонаси эса маҳсулотни балансдан ташқари счетга қабул қиласди, негаки воситачида маҳсулотга нисбатан мулк ҳукуки мавжуд бўлмайди. Воситачи-корхона Воситачилик шартномасида кўрсатилган миқдордаги ҳақ эвазига фақатгина воситачилик хизматларини кўрсатиш ҳукуқига эга. Солик солинганда Воситачи-корхонанинг мазкур фаолиятига савдо фаолияти сифатида қаралмайди ва шунинг учун ҳам бундай операциялар учун лицензия талаб қилинмайди.

**Воситачилик шартномаси** бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. Воситачилик шартномаси ёзма равишда тузилиши шарт.

Воситачи томонидан учинчи шахс билан тузилган битим буйича, гарчи битимда комитентнинг номи тилга олинган ёки у битимни бажариш буйича учинчи шахс билан бевосита муносабатларга киришган бўлса ҳам, воситачи ҳукувларга эга бўлади ва зиммасига мажбурият олади.

Воситачилик шартномаси муайян муддатга ёки амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда, қайси худудда бажарилиши кўрсатилган ёки кўрсатилмаган ҳолда, комитент воситачига топширган комитентнинг манфаатларини кўзлаб ва унинг ҳисобидан битим тузиш ҳукуқини учинчи шахсларга бермаслик ҳақида мажбурият олган ҳолда ёки бундай мажбуриятни олмаган ҳолда, воситачилик нарсаси бўлган товарларнинг ассортименти хусусида шартлар қўйилган ёки қўйилмаган ҳолда тузилиши мумкин.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 832-моддаси.

## 12

**Ўзбекистонлик таъсисчи Мальталик хорижий ҳамкори (N) билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида чет инвестициялари иштирокидаги корхона очишни режалаштироқда. Мазкур корхонани рўйхатдан ўтказиш учун бошқа ҳужжатлар билан бир қаторда хорижий таъсисчи ҳақида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан кўчирма ҳам талаб этилади. Аммо, Мальта қонунчилигига кўра, мазкур мамлакатда бундай ҳужжатнинг ўзи йўқ. Бу каби ҳолатларда масала қандай ҳал этилади?**

Ҳақиқатан ҳам айрим хорижий давлатларда савдо реестридан кўчирма деган ҳуқуқи мавжуд эмас ёки у бошқача номланади (масалан корпоратив реестр, реестридан кўчирма, кўчирма ва ҳ. к.). Бундай ҳолатлarda ҳужжатнинг қандай номланиши эмас, ёлики унини мазмунни аҳамиятга эга. Ҳужжатда қўйидаги маълумотлар акс этган бўлишини керак: хорижий юридик шахснинг расмий номланиши, манзили, устаси физидини миқдори, ташкилий-ҳукукий шакли, рўйхатдан ўтказилган вақти, фасони, вуглини муддати, корхона номидан имзо чекиши ҳукуқига эга бўлган шахс өғриди или оғриди ёлики. Шундан келиб чиқсан ҳолда, гарчанд Мальтада савдо реестридан кўчирма бўшига

ини давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома ва расмий давлат ординаридан берилган тасис ҳужжатларига асосланса бўлади. Шунинг билан бирла, тегиши ҳужжатларни топширишдан аввал рўйхатга олувчи давлат органи билан маслаҳатлашин мақсадига мувофиқдир.

## 13

### **Андижон вилоятида истиқомат қилувчи фуқаро чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги тузиш истагида. Унинг 40 бош қорамоли бор. Шунча қорамоли билан у фермер хўжалиги ташкил этиши мумкинми? Умуман, фермер хўжалиги ташкил этиш учун энг имида неча бош қорамолга эга бўлиш керак? Фермер хўжалиги учун кратиладиган ер майдони энг камида қанча бўлади?**

Узбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Конунининг 5-моддасига яна, чорвачилик маҳсулоти этиширишга ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил шундай учун энг камида 30 бош қорамолга эга бўлиш керак. Фермер хўжалигига ижарап кратиладиган ер участкаларининг энг кам үлчами ҳар бир қорамол учун Андижон, Ҷанған, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги сугориладиган афуди қамида 0,3 гектарни (демак, 40 бош қорамолга  $40 \times 0,3 = 12$  гектар сугориладиган бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги сугориладиган ерлардаги 0,45 гектарни, сугорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектар ташкил этиади (демак, 40 бош қорамолга  $40 \times 2 = 80$  гектар лалмикор ер).

Симлик маҳсулотлари этиширишга ихтисослашган фермер хўжаликлари учун ижарага кратиладиган минимал ер участкалари майдони пахтачилик ва ғаллачилик учун энг камида 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзовотчилик ва бошқа ўсимлик маҳсулотлари иштириш учун энг камида 1 гектар белгиланган. Ер участкаси берилаётганда фермер хўжалиги берилган ердан олинадиган ҳосилдорлик даражасини ернинг кадастрикнида курсатилганидан пасайтириб юбормаслик мажбуриятини олади (уч йил учун шашта йиллик курсаткич ҳисобланади). Бу мажбурият ер участкасини ижарага бериш иштимомасида қайд этилади.

**«N» хусусий корхонаси бирор бир бинони ижарага олишни ва у ерда Интернет-клуб (асосий фаолият сифатида) очиши мўлжалламоқда. Бундан ташқари у компьютер ўйинлари ва дасварини ижарага бериш, нусха кўчириш ва фото-суръатга олиш хизарини курсатиш билан ҳам шугулланмоқчи. Мазкур фаолият турбилиан шугулланиш учун лицензия керакми?**

Юбор ўйинлари ва дастурларини ижарага (прокатга) бериш, шунингдек, уръват хизматларини курсатиш билан боғлиқ фаолият учун лицензия талаб лайди.

Ю, Интернет клуб очиш учун албатта лицензия керак. Ўзбекистон Республикаси телевизияга мувофиқ, жамоат фойдаланиш жойнаги Маркази

клуб) орқали ахборот тарқатиш хизматлари учун лицензия бериш соддалаштирилган тартибда амалга оширилади.<sup>1</sup>

Лицезия олиш учун Ўзбекистон алоқава ахборотлаштириш агентлигининг (лицензия берувчи орган) лицензия бўлимига қўйидаги хуҷжатларни тақдим этиш керак:

- Белгиланган шаклдаги ариза;
- «N» хусусий корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- Аризани қўриб чиқиш учун ЭКОИХ 5 баробари миқдорда тўлов учун тўлов топшириқномаси нусхаси;
- Бино зарур ҳавфсизлик талабларига жавоб бериши ҳақида санитар ва ўт ўчириш хизматлари томонидан берилган хулоса (*10-сонли ва 11-сонли иловалардаги намуналарга қаранг*);
- Бинони қўриқлаш ҳақида қўриқлаш хизмати ёки фирмасининг хати. Бунинг ўрнига «N» хусусий корхонаси ўзи биносини ўзи қўриқлаши ҳақида хат бериши ҳам мумкин;
- Агар бошқа одамга тегишли техник асбоб-ускуна ишлатиладиган бўлса, мазкур техник асбоб-ускуна ижарага олингандилиги ҳақидаги шартнома ёки унинг нусхаси. Мазкур ариза 30 кундан кўп бўлмаган муддат ичida қўриб чиқилади. Лицензия эса 5 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Лицензия учун ЭКОИХнинг 10 баробари миқдорида давлат божи ундирилади.

## 15

**Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган «N» МЧЖ ҳамда Россия фуқароси устав жамгармаси 120 минг АҚШ долларига тенг бўлган «L» МЧЖ Қўшма корхонасини очмоқчи. Устав жамгармасида кўзда тутилган маблагнинг 90 минг АҚШ долларини «N» МЧЖ, қолган 30 минг АҚШ долларини эса россиялик шерик кўтаради. Режалаштирилаётган ҚК болалар кийимини ишлаб чиқариш билан шугулланади.**

**Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларидан келиб чиқсан ҳолда, «L» МЧЖ ҚК солиқ ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтиши мумкини?**

Йўқ, мазкур корхона Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўта олмайди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, чет эл инвестицияси иштироқида ги корхоналар учун белгиланган солиқ ва бошқа имтиёзларга эга бўлиш мақсадиди. Адлия вазирлида давлат рўйхатидан ўтиш учун корхона қўйидаги талаблари ажанс бериши керак:

1 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 июнда 1393-сон берилган рўзиган «Жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имконини беъзиш сабаби тўғрисидаги Низом.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлиғи Маҳкамасининг 2000 йил 22 нообрудаги 118-сенинг

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи **жисмоний шахслар (якка тартибда-ги тадбиркорлар)нинг** телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятнинг лицензияланадиган турлари билан шуғулланиш таъкиқланади.

- Народига саноаткорхонанинг устув жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг салуғордига симбумасини көрәк;
  - Егер олардан бирни хорижий юридик шахс булиши шарт;
  - Реквизитадан бергенни сармоя улуши корхона таъсис жамғармасининг 30 фойзи-дагы симбумасини көрәк.<sup>1</sup>
- Демак Узбекистон Республикаси томонидан таъсисчилари юридик ёки жисмони ишларни булиши мүмкин.

**Улгуржки асосда цемент сотиш билан шугулланадиган «N» МЧЖ-нинг таъсисчиларидан бири (Д. Қурбонов) таъсисчилар таркибидан чиқиши ва унинг 50 фойзлик улушкини бошқа таъсисчиларга (Л. Мамедов ва Ф. Қаюмовга, ҳар бирига 25 фойз) берилиши муносабати билан «N» МЧЖ таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ақшимчалар киритиш учун ваколатли рўйхатдан ўтказувчи органга үжжатлар топширилган эди. Аммо рўйхатдан ўтказувчи орган топширилган ҳужжатлар таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва ақшимчалар киритиш учун етарли эмас деб топди. Қўшимча равища Д. Қурбоновнинг таъсисчилар сафидан чиқиш ҳақидағи нотариал тасдиқланган аризаси, имда унинг улушки Л. Мамедов ва Ф. Қаюмовларга ўтганини тасдиқловчи үжжатлар (масалан, улушдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш Шартномаси ёки улушни олди-сотди қилиш Шартномаси) тақдим этилиши кеклиги айтилди. Рўйхатга олувчи органнинг талаби тўғрими?**

Ихатдан ўтказувчи орган «N» МЧЖнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва ақшимчалар киритишдан қуйидаги ҳолларда бош тортиши мумкин:

Агар «N» МЧЖ тегишли бўлмаган рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат этган бўлса; Ҳужжатлар тулиқ ҳолда тақдим этилмаган бўлса (Улушдан бошқа шахс фойдасига воз кечишни шартномаси ёки улушни олди-сотди қилиш шартномаси мазкур рўйхатга кирмайди); ақдим этилган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига кеноб бермаса.<sup>2</sup>

Авонуда көлтирилган ҳолатда эса рўйхатдан ўтказувчи органнинг талаби асоссизdir.

Унсанда ўтказувчи орган томонидан таъсисчининг таъсисчилар сафидан чиқиши һудаги нотариал тасдиқланган аризасини, улушдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномасини ёки улушни олди-сотди қилиш шартномасини талаб қилишининг асоси слабаби, улушнинг бошқа бирорга ўтишининг қонунийлигини текширишдир. Бунда, анибетда, кўп ҳолатларда бир гурух таъсисчилар ўзларига мақбул бўлмаган шерикрини таъсисчилар рўйхатидан алдов орқали, уларнинг ўзларига ҳам билдирамасдан, қаркиб юбориш ҳоллари кузатилмоқда. Мазкур бахслар охир-оқибат узоқ муддатли (муҳокамалари)га сабаб булади.

1 Узбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги ГФ-1652-сонли «Хорижий сарзиннега оидиган корхоналарга бериладиган қўшимча рагбатлантириш омилилари ва имтишалари».

2 Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майда ГК-357-сонли қарори билан таъсисчилар таъвиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиши ва ҳисобга қўйиншини забарудор сифати гардишадиган ташом.

**17**

**«N» МЧЖ туризм саёҳатларини ташкил этиш билан шугулланади. Ташкилотнинг мазкур фаолият билан шугулланиши учун лицензияси бор. Қоидага мувофиқ, лицензияда лицензия эгасининг почта манзили кўрсатилади. Маълум вақтдан сўнг «N» МЧЖ лицензияда кўрсатилган почта манзилини ўзгартирди. Шундан кейин ҳам «N» МЧЖ туризм саёҳатларини ташкил этиш билан шугулланишини давом эттириши мумкинми ёки у янги лицензия олиши керакми?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, туристик фаолият юритишига лицензияси бўлган корхонанинг почта манзили ўзгарганда, мазкур корхона ўз лицензиясини қайтадан расмийлаштириши талаб этилади. Лицензияни қайта расмийлаштириш даврида «N» МЧЖ эски лицензия асосида туристик фаолият билан шугулланишини давом эттириши мумкин.

Белгиланган тартибга кўра, «N» МЧЖ дастлаб, ўз почта манзилини ўзгартиргани учун қайта давлат рўйхатидан ўтиши керак (Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида ёки адлия орғанларида). Қайта рўйхатдан ўтиш амалга оширилган кундан бошлаб бир ҳафта муддат ичida «N» МЧЖ туризм фаолият учун қайта лицензия олиш учун ваколатли орғанга («Ўзбектуризм» Миллий компанияси) ариза бериши лозим. Аризага қўйидаги хужжатлар илова этилиши керак:

- юридик шахснинг (янги почта манзилидаги) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- лицензия талаборигитомонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи хужжат (ЭКОИХ 2,5 баробарига тенг миқдорда, яъни лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади);
- аризачи томонидан бинодан фойдаланиш хуқуқини тасдиқловчи хужжатлар, шунингдек бинони моддий-техник жиҳатдан жиҳозлашнинг лицензияланадиган фаолият тури талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи «Ўзбектуризм» Миллий компанияси вакиллари томонидан тузилган текшириш далолатномаси (агар корхона почта манзилининг ўзгариши билан унинг туризм фаолияти юритадиган иш жойи ўзгарса).

Қайта расмийлаштириш бу ҳақда ариза ва аризага зарур илова-хужжатлар берилган кундан бошлаб 5 кун давомида амалга оширилади.

«Ўзбектуризм» Миллий компанияси туризм соҳаси учун Ўзбекистонда ваколатли давлат органи ҳисобланади ва ўзининг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобдордир. Компания Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасида ягона давлат сиёсатини юритишини таъминлайдиган мувофиқлаштирувчи органдир.

Манба: <http://www.uzbektourism.uz>

**18**

**Тадбиркор цех очиб, у ерда ишлаб чиқариш билан шугулламиш мөқчи. Шунинг учун у туман электр тармоғи бўлимига мурожаат қилиб, цехга электр линияси ўтказишини сўради. Туманинг электр тармоғи бўлимидагилар эса мавжуд электр қуввати цехни доимий электр энергияси билан таъминлаш учун етмаслиги сабабли тадбиркорга ўз ҳисобидан қўшимча трансформатор ўрнатиши керакни**

## **Маҳалла трансформатор ўрнатиш билан боғлиқ ҳаражатларни ким қоплаши лозим?**

Хо, туман электр тармоғи бўлимининг қўйган талаби тўғри ва қонунга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, истеъмолчиларнинг юкламаларини улаш билан боғлиқ янги электр қурилмаларини ва электр тармоғи хужалигининг обьектларини лойиҳалаш ва қуриш, ишлаб турганларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш истеъмолчиларнинг маблаглари ҳисобига амалга оширилади.<sup>1</sup> Истеъмончи, унда техник имконият мавжуд бўлса, туман электр тармоғи бўлими талабига кўра ўз электр тармоқларига бошқа истеъмолчиларнинг уланишига имконият берishi шартдир.<sup>2</sup>

19

**Консерва банкаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган «N» хусусий корхонаси жойлашган қишлоқ ҳудудида электр таъминотида тез-тез узилишлар бўлиб туради. Шундай узилишлар юз бериши оқибатида корхонадаги асбоб-ускуналарнинг бир қисми ишдан чиқди. Техник асбоб-ускуналарга етказилган зарарни ва ҳаражатларни ким қоплайди?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, туман электр тармоғи бўлимларининг электр тармоғи ўжалиги обьектларининг режали таъмирини туфайли электр энергияси билан аъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар ўғрисида узуб қўйишгача камидан 3 сутка ичин огоҳлантириш лозим. Бунда электр таъминоти нума сабабдан узилаётгани таъмолчиларга тушунтирилиши кеп. Мазкур талаблар бузилган ҳолда, туннеллектр тармоғи бўлими қонунда белланган тартибида жавобгарликка тортиши мумкин.

Электр тармоғи ўжалиги обьектлари таъминотида аварияларнинг олдини олиш ва барчаф этиш ёки одамларнинг хавфсизлиши таъминлаш ишлари билан боғлиқ кептириб бўлмайдиган чора-тадбирларни куриш зарур бўлганда, истеъмолчи билан иши масдан ва уни огоҳлантирамасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда, кептран энергиясини узатишида танаффус ёки чеклашларга йўл қўйилиши мумкин. Объектнинг электр таъминоти лойиҳасида кўзда тутилган, ўзаро заҳираланувчи ибаларни автоматик ишга тушириш ёки асосий манбани қайта автоматик тиклаш

**Электр энергиясини чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари** ягона электр энергетикаси тизимида электр энергияси ва қувват танқислиги ҳолларида электр станциялари ва электр тармоқлари ускуналарнинг йўл қўйиб бўлмайдиган шароитларда ишлашининг олдини олиш, ягона электр энергетикаси тизимининг барқарор параллел ишлашини таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш ҳамда истеъмолчиларнинг тартибсиз узуб қўйилишини бартараф этиш учун тузилади.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари»нинг 151-банди.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари»нинг 25-банди.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари»нинг 26-банди.

Балыгыда электр энергиясинин узб қүйинини (саабларидан қаттый назар) электр тұмнотыда таңағұс деб ҳисобланымауди.

Бундан таңқары, Ўзбекистон Республикасы қонуңчилигига күра, белгиланған жадвал асосыда электр энергиясінін чеклаш ёки узб қүйиш мүмкін. Бундай жадваллар жорий түлінинг 1 октябрідан кейінгі жылдан 1 октябрірга қадар бұлған муддат учун тузилады. Жадвалларни гузиши истеъмолчининг технологик ва авария бронини аниқлаш да-полытномаси асосыда тузилади ва мазкур жадвалга киристилган барча истеъмолчилар үчүн уларни бажарып мажбурийдір. Тұман электр тармоқлари корхонаси истеъмолчиларға кейинги суткаларда электр энергиясінін чеклаш жадвалларининг амалға кири-тиши тұғрисида жорий сутканинг соат 14дан кечіктірмай, чеклашнинг миқдорини, баштапкынан да тамом бўлиш вақтими кўрсатған ҳолда маълум қиласади. Электр энергиясінін чеклаш жадвалларини зудлик билан жорий этиш зарур бўлганда, бу ҳақдаги билдиришнома, сутканинг вақтидан қатты назар, чеклашнинг амал қилиши бошла-нишидан 1 соат олдин истеъмолчиларга етказилади. Узб қўйиш жадваллари истеъ-молчилар томонидан, худудий электр тармоқлари корхонасидан узб қўйиш жадвал-лари жорий этилиши тұғрисидаги билдиришнома олингандан кейин, дарҳол жорий түплади. Юридик шахслар — чеклаш ва узб қўйиш жадвалига киристилган ташкилот-лар ва муассасалар, шу жумладан, узлуксиз технологик ишлаб чиқарышга эга бўлған ташкилотлар (чеклаш ва узб қўйишга тегишли бўлмаган обьектлардан ташқары) чек-лаш ва узб қўйиш жадвалларининг худудий электр тармоқлари корхоналари томо-нидан кўрсатилган муддатда сўзсиз бажарилишини ташкил этишлари шарт, акс ҳолда улар узб қўйиш ва чеклаш жадваллари бажарилмаганлиги юзасидан энергия мар-казларидан мажбурий узб қўйиш оқибатлари учун қонун хужжатларида белгилан-ған тартибда жавоб берадилар.

Тұман электр тармоқлари корхонаси электр энергияси ва қувватини чеклаш жад-валларини амалға киритиш тұғрисидаги фармойиш истеъмолчилар томонидан бажа-рилмаганда, огохлантиришдан кейин, истеъмолчиларда электр энергияси ва қувват истеъмолининг белгиланған даражада камайишини таъминловчи миқдорда электр энергияси етказиб берилишини мажбурий равиша чеклайди.

Мазкур ишлаб чиқарышда технологик жараёнлар бузилишининг оқибатлари учун жағобгарлық истеъмолчилар корхоналарининг раҳбарлари зиммасига юкландади.

Хар битта алоҳида ҳолат юзасидан электр энергиясидан фойдаланыш масалалари билан шуғулланувчи эксперт ёки юрист билан маслаҳатлашиш мақсадда мувофиқдир. Шунингдек истеъмолчилар ўз манфаатларини ҳимоя қилишлари, уларға етказилған зарап ва ҳаражатларни қоплаш учун суд органларига мурожа-ат қилиш ҳуқуқига эга.

**20 «N» МЧЖ хорижий компаниянинг шұйба корхонаси ҳисобланади**  
**ва бош компания савдо белгиси остида Ўзбекистон ҳудудидп**  
**хизмат кўрсатади. Бош компания ўз сифатни бошқариш тизи-**  
**мини сертификатлаштириш учун сертификатлаш билан шуғулланувчи**  
**«S» халқаро компанияси хизматидан фойдаланди. Шұйба корхона**  
**ҳисобланған «N» МЧЖ ҳам ўз сифатни бошқариш тизимини сертифи-**

1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасының 2009 жыл 22 айғындағы 111-шешінде таңдаудың «Электр энергиясидан фойдаланыш қоидалары».

«МЧЖ ўз сифатни бошқариш тизимини сертификатлашириш учун танланган халқаро омниятини» Ўзбекистон Республикасининг Миллий сертификатлаш тизимида аккредитацияндан ўтган ва сертификация бўйича ваколатли орған ҳисобланган «Ўзстандарт» ёнтини и билан тегишли битимга эга бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлашириш тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига биноан, «Ўзстандарт» агентлиги зиммасига сертификатлашириш билан угулланувчи органларни аккредитация қилиш ва улар билан тегишли битим имзолаш тизиси юклатилган. Агар «N» МЧЖ томонидан танланган компанияя Ўзбекистонда аккредитацияндан ўтмаган ва «Ўзстандарт» агентлиги билан сертификатлашириш иши 1-ти олиш борасида битим имзоламаган бўлса, у ҳолда мазкур компанияя томонидан бериладиган сертификат ҳақиқий ҳисобланмайди ва Давлат реестрига киритилмайди. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлашириш тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, Давлат реестрида рўйхатга олинган мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари ҳамда сертификатлашибниш органларини ва тажриба лабораторияларини (марказларини) аккредитацияни тўғрисидаги гувоҳномалари ҳақиқий ҳисобланмайди. Юқоридагилардан кебичиккун ҳолда айтиш мумкинки, «N» МЧЖнинг ҳатти-ҳаракати Ўзбекистон Республикасини ишламалдаги қонунчилигига мувофиқ эмасдир.<sup>1</sup>

**Сифатни бошқариш тизими нима?** Маҳсулот яроқлилик муддатининг барча босқичларида сифатни бошқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий тузилиш, методика, жараёнлар ва манбалар мажмуси сифатни бошқариш тизимини ташкил этади.

**Сифатни бошқариш тизими** қўйидаги имкониятларни яратади:

- Истеммолчини сифатсиз маҳсулот ва хизматдан ҳимоялайди;
- Ишчилар, мулқдорлар, ҳамкорлар, мижозлар ва жамият учун компанияяни очик (транспарент) бўлишини таъминлайди;
- Компания ишини жараёни асосда ташкил этади ва муҳим жараёнларни муҳим кўрсаткичлар орқали бошқаради;
- Ўзғли фикрлар асосида эмас, балки аниқ фактлар асосида стратегик ва тактик қарорлар қабул қилиш имкониятини беради;
**Профессионал консультантлар** (консалтинг фирмалари). Керакли техник асбоб ускунаны топтыш да сизге консалтинг фирмалари ёрдам берінші мүмкін. Улар күрсатған хизмат учун, албатта, ҳақ түлаш керак бўлади. Ишни консалтинг фирмалари орқали ҳал этиш аслида жуда күлай йўлдир. Энг муҳими, консалтинг фирмалари керакли техник асбоб-ускунапарни танлаш ва тўлов шартларын берасуидан қиёсий таҳлилни юқори дараҷада амалга оширади.

**Савдо-саноат палатаси.** ССП филиаллари керакли техник асбоб ускунапарни қидириш ва сотиб олиш борасыда тадбиркорларга консалтинг хизматини көрсетади. ССПнинг айрим худудий филиаллари техник асбоб-ускунапарни пашкап әтиш мүмкін: мамлакатлар (Хитой, Россия) билан ҳамкорлик қиласы да мазкур дипломатик түгридан-түғри (воситачисиз) чиқиш имкониятiga эга.

Техник асбоб ускунани таңлаш ва соғиб олиш жараённда бир нарасаны эътиборга олиш керак: айрим технологик асбоб ускуналар, бутловчи маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмлари Ўзбекистонга олиб кирилгандага, улар учун божхона тұловлары тұлаптайды (17-сонлы иловадагы рўйхатга қаранг).<sup>1</sup>

## Ўзбекистон Республика

### Савдо-саноат платформа

Тошкент 100017, йуҳору күчаси, 6 уй,

Телефон: +998 (71) 232 09 01

Факс: +998 (71) 232 09 03

E-mail: info@chamber.uz

Web: www.chamber.uz

42

**Тошкент шаҳридаги «N» хусусий корхонаси хорижий ҳамкор билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўшма бизнесни йўлга қўймоқчи. «N» хусусий корхонаси ўзининг таъсис жамғармасидаги улуши сифатида кўчмас мулкини киритмоқчи. Хорижий ҳамкор эса мазкур мулкни мустақил баҳолашни талаб қилияпти. Шундай ҳолларда маҳаллий баҳоловчи фирмалар томонидан ўрнатиладиган баҳо ҳақиқий ҳисобланадими?**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, баҳолаш фаолияти билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан мазкур фаолият учун бериладиган лицензияга эга юридик шахсларгина шуғулланиши мумкин.<sup>2</sup> Фақат Давлат мулк қўмитасининг тегишли лицензиясига эга бўлган юридик шахслар томонидан берилган баҳолаш ҳақидаги хуносаси қонуний кучга эга бўлади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, мазкур юридик шахслар томонидан белгиланган баҳо мажбурий эмас, балки тавсиявий хусусиятга эга.<sup>3</sup>

Баҳолаш фаолияти соҳаси бўйича қуйидаги аҳборотлар Давлат мулки қўмитасининг расмий веб-сайтидаги ушбу электрон манзилда жойлаштирилган <http://www.gki.uz/content/section/30/69/lang.ru/>:

- Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга ташкилотлар;
- Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши;
- Квалификация сертификатига эга баҳоловчилар рўйхати;
- Баҳоловчиларни квалификация имтиҳони учун тест саволлари;
- Баҳоловчилар ишининг сифатини назорат қилиш бўйича ички қоидалар талаблари;
- Квалификацияли баҳоловчи сертификатини олишни истовчиларга қўйиладиган талаблар;
- Баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия олишни истовчиларга нисбатан талаблар;
- Экспертлар реестри;
- Баҳоловчиларни тайёрлаш бўйича намунавий дастур;
- Интеллектуал мулк обьектларини аниқлаш ва баҳолаш тартиби ҳақида.

1 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 1 марта 1669-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тұловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги идорлараро қарор.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ-843-сонли Қарори билан іасдиқланган «Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар тўғрисида»ги Низом.

3 Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддаси.

# ҲИСОБ-КИТОБ ВА СОЛИҚДА ТОРТИШ

43

**Соддалаштирилган тартибда солиқ тўлаш тизими асосида фанлият юритадиган «N» хусусий корхонаси кейинги 1-2 квартал давомида даромад кўрмади. Шу сабабли корхона директори**

**Б. Бобоевга (корхонанинг таъсисчиси ҳам мазкур шахс) иш ҳақи ёвилмади. Шунга қарамасдан хусусий корхона Давлат солиқ инспекциясига даврий ҳисобот бериши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ҳисоблаши, шунингдек, ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг сугурта бадаллари ва бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши керакми?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, солиқ тўловчи унинг молиявий аҳволи қандай бўлишидан қатъий назар солиқ ҳисботини белгиланган муддатда топшириши керак. Соддалаштирилган тартибда солиқ тўлаш тизими асосида ишлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар солиқ ҳисботларини ҳар ойнинг 25 кунига қадар (ўтган ой учун), йиллик ҳисботни (ўтган йил учун) 15 февралга қадар топшириши керак.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига кўра, иш берувчи, ўз молиявий аҳволининг қандайлигидан қатъий назар, ҳар ярим сйда камида бир марта ишчига бажарилган иш учун белгилangan тартибда ҳақ тўлашга мажбур.<sup>2</sup> Ишчининг бир ой давомида унга берилган нормадаги ишни тўлиқ бажаргани учун белгиланган ойлик маоши ЭКОИХ министрларини кам бўлиши мумкин эмас.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, корхона ўз молияшини азотдан қандайлигидан қатъий назар ишчиларга ойлик тўлаши ва уларнинг оннинг тартибидан гишли солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни чегириб қолишни кораё

Товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган юридик шахслар 2006 йил нинг 1 февралядан бошлаб беш йил муддатга, меҳнат шартномасига мувоғид, саначиларга тўланадиган маблабларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлган фондидан **ягона ижтимоий тўлонни тўлашдан озод қилинади.**

Манба: Ўзбекистон Республикаси Адмирал зирлиги томонидан 2007 йил 27 сентябрда 1333-3-сон билан рўйхатга олинган «Ягона ижтимоий тўлов ҳамда давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий баёнларни азотдан ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тағдимлаш түғрисида»ги Низомга ўтиратиришни кўшимчалар киритиш ҳақидиги тариф

1 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 45-моддаси.

2 Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 154- ва 161-моддалари.

**44 улуттук жарнама** улуттук уржи савдо билан шугулла-  
нувчи «N» МЧЖ хусусий корхонаси ялпи дромад учун солиқ  
тұлайди. Жорий йилдан башлаб эса «N» МЧЖ башқа бир кор-  
хонага («D» МЧЖ) тегишли омборда маҳсулотларни сақлаш хизматини  
күрсатишины башлади. Мазкур фаолият учун «N» МЧЖ қандай солиқлар  
тұлаши керак?

Савдо ёки умумий овқатланиш корхоналари соддалаштирилған тартибда солиқ тұлаш  
тизимиға үтиши мүмкін.<sup>1</sup>

Асосий фаолияти (ұтган йилги фаолият яғуни бүйіча) савдо ёки умумий овқатланиш  
соҳаси бүлған юридик шахслар ҳисобот үили бошидан ягона солиқ тұловини амал-  
ға оширмоги керак. Турли солиқ солиши объектлари ва/ёки ягона солиқ тұлови став-  
калары белгиланған бир неча фаолият турлары билан шуғулланадиган ягона солиқ  
тұловини тұловчилар шу фаолият турлары бүйіча алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши-  
лары ҳамда солиқ тұловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланған ставкалар  
бүйіча ягона солиқ тұловини тұлашлари керак.<sup>2</sup> Бунда Солиқ Кодекси 355-моддаси-  
нинг иккінчі қисми 2-бандыда күрсатылған даромадларга асосий (соҳа) фаолият тури  
учун белгиланған ягона солиқ тұлови ставкалари бүйіча солиқ солинади.

**45 «N» фермер хұжалиғи үз низоми бүйіча асосий фаолияти сифа-  
тида «узумчилик» билан шуғулланиши керак. Аммо, иккі йил-  
дан бері мазкур хұжалик ишлаб чиқараёттан маҳсулотнинг  
атиги 30 фоизи узумдан иборат, қолған қисми эса қишлоқ хұжалиғи  
маҳсулоти эмас. Давлат солиқ инспекцияси мазкур фермер хұжалиғига  
ягона ер солиги эмас, балки умум ұрнатылған солиқларни тұлашни та-  
лаб қиляпты. Шу тұғримі?**

Ха, тұғри. Ўзбекистон Республикаси қонунчилігінде белгиланған мөъерларға  
құра, бир вақтнинг үзіда қүйидеги шарттарға жавоб берадыған юридик шахслар  
солиқ солиши мақсадыда қишлоқ хұжалиғи товарлары ишлаб чиқарувчилар жум-  
ласига киради:

- ер участкаларидан фойдаланған қолда қишлоқ хұжалиғи маҳсулотини етиштириш  
ва үзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлеш ёхуд ер участкаларидан фой-  
даланған қолда фақат қишлоқ хұжалиғи маҳсулотини етиштириш асосий фаолият  
тури бүлған юридик шахслар;
- қишлоқ хұжалигини юритиш учун маҳаллий давлат қоқимияти органлари томо-  
нидан үзларига белгиланған тартибда берилған ер участкаларига әга бүлған юри-  
дик шахслар;
- қишлоқ хұжалиғи маҳсулотини етиштириш ва үзи етиштирган мазкур маҳсулотни  
қайта ишлеш, сотиш ёки қайта ишлеш учун олинған қишлоқ хұжалиғи маҳсулотини  
үз ичига олувчи қишлоқ хұжалиғи маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлеш умумий  
жамыда камида 50 фоизни ташкил әтадыған юридик шахслар.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 350-моддаси.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 353-моддаси.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 362-моддаси.

«N» МЧЖ нинг таъсисчилариридан бири таъсисчилар сафидан чиқишига қарор қилди. Шу сабабдан «N» МЧЖ тегишли ҳужжатларни расмийлаштириши ва қайта рўйхатдан ўтиши керак. МЧЖ даромад солиги ҳисобланганда таъсисчилар сафидан чиқлаётгани шахснинг улуши корхонининг солиқ солинадиган базаси миқдорига киритиладими?

Иук, киригилмайди. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига кўра, солиқ солинадиган база соликқа тортиладиган умумий даромаддан келиб чиқсан ҳолда бемишина нали. Солиқ солинадиган база жами даромад билан чегириб ташланадиган харакатниар ўртасидаги фарқ сифатида, солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб бергинала ди. Таъсисчилар таркибидан чиқилаётганда ёки таъсисчи улушкининг миқдори қамалтирилганда, шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унини таъсисчинари уртасида тақсимланаётганда устав фондига ҳисса доирасида олинган маблаглар солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди.<sup>1</sup>

«N» МЧЖ Давлат солиқ инспекциясига ўзининг солиқ бўйича ҳисоботларини топширгандан кейин мазкур корхона бош ҳисобчиси ҳисботда айрим хатолар мавжудлиги ва бу хатолар солиқ солинадиган база кўрсаткичларини ўзгартириб юборганини аниқлади. Бош ҳисобчи дарҳол қайта ҳисоб-китоб тайёрлади ва солиқ инспекциясига борди. Лекин солиқ инспектори корхонанинг қайта ҳисоб-китобини қабул қилмади. Шунингдек, инспектор тез орада «N» МЧЖ солиқ инспекцияси томонидан режали текширувдан ўtkазилиши ва бу текширувда йўл қўйилган хатолар керакли жарималарни тўлаш орқали тўгрilанишини маълум қилди. Солиқ инспекторининг ҳатти-ҳаракати тўғрими?

Солиқ тўловчи солиқ солиш обьектини ҳисобга олишда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашда ўзлари йўл қўйилган хатоларни мустасни равишда тузатиш ҳуқуқига эга.<sup>2</sup> Саволда назарда тутилган ҳолатда солиқ инспектори солиқ тўловчининг мазкур ҳуқуқини бузатгани кўриниб турибди.

Солиқ тўловчи солиқ текшируви ўtkazilgungiqa қадар хатони ўзи тузатган тақдирда жавобгарликдан озод этилади, пеня тўлаш бундан мустасно (масалан, ҳисбот ўз вақтидан кечиккани учун).<sup>3</sup>

#### **Солиқ текшируви солиқ органи томонидан солиқ тўловчига қўйилди и ҳужжатлар берилиши билан бошланади:**

- ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни амалга оширишни мувофиқлаштириш режасидан кўчирма;
- назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус таъсисчиларниң режадан ташқари солиқ текшируви ёки муқобил текширув ўтказини туттиб тушади;

1 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 128- ва 129-моддалари.

2 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 31-моддаси 7-хатбоиси 1 қисми

3 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 109-моддаси.

- даютат солиқ хизмати органынин төңшүйли солиқ текшируни тәннитпапан аныны и түркисидән буйргуинин нусхаси;
- солиқ текшируви үткәвашдастури.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 92-моддаси.

48

**«N» МЧЖ ҚК технологик асбоб-ускуна сотиб олиш бўйича импорт шартномаси тузди. Шартнома шартларига биноан, импорт қилувчи асбоб-ускуна учун 80 минг АҚШ доллари, ўрнатиш ва йигиш, шунингдек, ходимларни асбоб-ускунадан фойдаланишга ўқитиш учун 20 минг АҚШ доллари тўлайди. Шартнома тузилган муддатдан бир ой ўтгач технологик асбоб-ускуна импорт қилувчи омборхонасига келтирилди ва 80 минг АҚШ доллари қийматида ҳисоб-фактураси расмийлаштирилди. Асбоб-ускуна омборхонага келтирилган кундан икки ҳафта кейин (15 кун) уни йигиш ва ходимларни ўқитиш учун хорижий муҳандислар (инженерлар) гуруҳи етиб келди. Барча ишлар бажарилганидан сўнг 20 минг АҚШ доллари миқдорида ҳисоб-фактура ҳам расмийлаштирилди.**

**Солиқ текшируви давомида инспектор бу масалада қўйидагича хulosаси қилди: хорижий мутахассисларга пул (20 минг АҚШ доллари) тўлаётганда «N» МЧЖ норезидентлар даромадидан 20 фоиз миқдордаги солиқни (4 минг АҚШ доллари) ушлаб қолиши керак эди. Энди эса «N» МЧЖ ҚК солиқ учун тўланиши керак бўлган 4 минг АҚШ долларини ўз ҳисобидан қоплаши зарур. Ушбу хulosаса қанчалик ҳаққоний?**

Инспектор хulosаси тўғри. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига кўра, Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадларига тўлов манбаида солиқ солинади.<sup>1</sup>

Ўзбекистон ҳудудида амалга оширган иши ва кўрсатилган хизмати учун олган Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадларига, мазкур даромадларни олиш билан боғлиқ харажатлар чегириб ташланмаган ҳолда, 20 фоиз ставка бўйича солиқ солинади.<sup>2</sup>

Норезидентларнинг даромадидан тегишли солиқни ушлаб қолиш унга пул тўлаётган резидент (мазкур ҳолда «N» МЧЖ ҚК) масъулиятига киради. Юридик шахсадан олинадиган даромад солигининг миқдори норезidenta даромади тўланган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан ўрнатилган курс бўйича ҳисоблаб чиқилади. Юқоридагилардан келиб чиқадиган хulosаси шуки, «N» МЧЖ ҚК кўрсатилган хизмат учун (монтаж ва ходимларни ўқитиш) норезидентларга ҳақ тўлаганда улардан 20 фоизлик солиқ суммасини (4 минг доллар) ушлаб қолиши керак эди.

**«Тўлов манбаси»** деганда солиқ тўловчига тўловларни амалга оширувчи юридик шахс тушунилади.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 22-моддаси

1 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 155-моддаси.

2 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 160-моддаси.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг тұлов манбаиды солиқ сошыладын оғыда  
дәрімадылардың қуийдіншілар кирады:

1. дәйиндемдер нағызылар;
2. әудиј ширажи шартномаси асосида биргаликде иғасиятта интироқ этилдігін оли  
нағыдан дәромадылар;
3. Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашып қуийдати мол-мұлкни реализацияны  
қилишдан олинадиган дәромадлар:
- өмірдик шахсларнин - Ўзбекистон Республикаси резидентларинин устав қаннада  
нидай ақилюлари, улушлари (тайлари);
- құчмас мұлк.

Тұлов манбаиды солиққа тортиладын мол-мұлкни реализация қилинідан олинады  
тан дәромадлар мазкур мол-мұлкни реализация қилиш суммасыннан хужжаттар бінан  
тасдиқланған уни олиш қыматидан ошган қисми сифатида аникланади;

4. Ўзбекистон Республикаси норезидентига тегишли товарларни Ўзбекистон Республикасы норезидентининг үзи ёхуд Ўзбекистон Республикаси резидентті томонидан то  
ситачилик, топшириқ шартномаси асосида Ўзбекистон Республикаси худудида реал  
лизация қилишдан олинадиган дәромадлар. Бунда товарларни реализацияны қилинідан  
олинадиган мазкур дәромадлар Ўзбекистон Республикаси норезидентига тұлғанадиган  
сумманинг олиш кирилган товарнинг шартнома (фактура) қыматидан ошған қисми си  
фатида аникланади;

5. роялти;
6. Ўзбекистон Республикаси худудида фойдаланыладын мол-мұлкни ижағынан оғынан  
киламчи ижарага топширишдан олинадиган дәромадлар;
7. таваккалчиликларни суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва кайта суғурта  
қилиш шартномалари бүйічә тұланағыдан суғурта мұкофотлари;
8. ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнитли тизимлар орқали белгилар,  
сигналлар, матнлар, тасвирлар, товушларни узатғанлик, қабул қылғанлық ва қылғыншы  
лаганлик учун Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Респуб  
ликаси норезидентларига ҳақ тұланишини назарда тутивчи халқаро алоқа учун телеком  
муникациялар хизматларига тұлов;

9. денгиз, дарё ва ҳаво кемаларидан, темир йүл ёки автомобиль транспорти воситалы  
ридан халқаро ташишларда фойдаланышдан олинадиган дәромадлар. Ушбу дәромад  
ларга транспорт воситаларидан тұғридан-тұғри фойдаланышдан, уларни ижағынан  
биришдан ёки ҳар қандай бошқа шаклларда фойдаланышдан, шу жумладан, контейнер  
лардан, контейнерларни ташиш учун трейлерлар ва құшимча ускуналардан фойдалыны  
ниш, уларни сақлаш ёки ижарага беришдан олинадиган дәромадлар (фрахтдан олинады  
ған дәромадлар) киради. Айрим ҳоллarda фрахт (шартнома шартларидан келиб чын бол  
юкни ортиш, қайта юлаш, тушириш ва жойлаштырыш учун тұловларни ҳам үзгінші  
олади. Бунда, агар жүннатиши манзили ёки тайин этилған манзил Ўзбекистон Республика  
каси худудидан ташқарыда жойлашған болса, ташиш халқаро ташиш деб ҳисобланады

10. халқаро ташишларда ва Ўзбекистон Республикаси худудидагы ташиншыларда  
транспорт-экспедиторлық хизматларини күрсатынан олинадиган дәромадылар тұн  
да юк жүннатувчидан (юкни қабул қылғыл болувидан) олинған сумма билін және ташу  
чиға тұланиши керак бўлган, юк ташувчининг тегишли бирламчи хужжаттар оғынан  
тасдиқланған сумма ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланған ҳақ суммасы солиқ сошы  
диган дәромад ҳисобланади. Юк ташувчининг тегишли бирламчи хужжаттар оғынан  
такдирда, Ўзбекистон Республикасининг норезидентига норезиденттіннен фра  
хтдан олинадиган дәромадларига солиқ солиши учун белгиланған ставкалар бўйича тұлғанады  
умий суммага солиқ солинади;

11. Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан шартнома мажбуриятлари бузилганлиги учун жарималар ҳамда пеня;
12. Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган бошқа даромадлар.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 155-моддаси.

Норезидентга ҳақ тўлаётган корхона (мазкур ҳолатда «N» МЧЖ КК) тўланаётган суммадан тегишли солиқни ушлаб қолмаса, бу ҳолда у ўзининг ҳисобидан давлат бюджетига мазкур солиқ суммасини ўтказишга ва белгиланган тартибда пеня тўлашга мажбур.

## 49

### **Ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи «N» ҚҚ ўз маҳсулотининг бир қисмини хорижга экспорт қиласди. Мазкур қўшма корхона транспорт-экспедиторлик компанияси «D» ЁАЖ билан шартнома имзолади. «D» ЁАЖ Ўзбекистон Республикаси резиденти саналмайди ва ўзининг доимий муассасасига ҳам эга эмас. «D» ЁАЖ кўрсатилган хизматларнинг мъълум қисми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилганини инобатга олган ҳолда, унинг хизматларига нисбатан қўшилган қиймат солиги ёзиш керакми?**

Ҳа, айни ҳолатда қўшилган қиймат солиги ёзилади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, Ўзбекистон ҳудудидан экспортга жўнатилаётган маҳсулотларни ташиб, юклаш, тушириш, қайта юклаш ва экспедиция қилишга доир хизмат ва ишлар қўшилган қиймат солигидан озод қилинмаган.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 20-моддасига кўра, норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси дегандা норезидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган, шу жумладан, фаолиятни ваколатли шахс орқали амалга ошираётган ҳар қандай жой эътироф этилади.

«Доимий муассаса» тушунчаси куйидагиларни ўз ичига олади:

1. товарларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, бутлаш, қадоқлаш, ўраш-жойлаш, реализация қилиш билан боғлиқ фаолият амалга ошириладиган ҳар қандай жойни;
2. ҳар қандай бошқарув жойи, ваколатхона, филиал, бўлим, бюро, идора, офис, хона, агентлик, фабрика, устахона, цех, лаборатория, дўкон, омборни;
3. табиий ресурсларни қазиб олиш билан боғлиқ фаолият амалга ошириладиган ҳар қандай жойни: шахта, кон, нефть ва (ёки) газ кудугини, карьерни;
4. қувур, газ қувури, табиий ресурсларни қидириш ва (ёки) ишлатиш, асбоб-ускуналарни ўрнатиш, монтаж қилиш, йигиш, созлаш, ишга тушириш ва (ёки) уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият (шу жумладан, назорат ёки кузатув фаолияти) амалга ошириладиган ҳар қандай жойни;
5. ўйин автоматлари (шу жумладан, приставкалар), компьютер тармоқлари ва алоқа каналлари, аттракционлар, транспорт ёки бошқа инфратузилмадан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият амалга ошириладиган ҳар қандай жойни;
6. қурилиш майдонини (курилиш, монтаж қилиш ёки йигиш обьектини), шунингдек, ушбу обьектларда ишларнинг бажарилишини кузатиб бориш билан боғлиқ хизматлашни. Ҳар бир қурилиш майдони ишлар бошланган кундан эътиборан алоҳида доимий

муассасали ташкил этиуни сифатида қаралади. Агар ордамни пудратчилар Ўзбекистон Республикасининг бошқа норезидентишига олиниң уларини фаолияти ҳам шу қуриниш майдонидиша ишлар бошланган кундан этинборан ордамни пудратчиларининг алоҳиди дўймий муассасаси сифтида қаралади;

7. Ўзбекистон Республикаси ишнинг норезиденти билан шартнома муносабатлари исо сида Ўзбекистон Республикаси ишнинг минфасилатини ифода этиувчи, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси худудида Ўзбекистон Республикасининг ушбу норезиденти номидан фаолият курсатувчи, Ўзбекистон Республикасининг шу норезиденти номидан контрактлар тузиш ваколатига эга бўлган ва ундан мунтазам фойдаланувчи шахс оркни фаолиятни амалга оширишни;

8. Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган ва Ўзбекистон Республикасининг по резидентига тегишли бўлган, у томонидан ижарага олинаётган ёки бошқача тарзуда фон даланилаётган омборлардан (шу жумладан божхона омборларида) товарларни сотишни;

9. Бошқа ишларни амалга оширишни, ўзга хизматлар кўрсатишни, бошқа фаолиятни олиб боришни.

**50**

**«N» МЧЖ нинг асосий иш фаолияти қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлашдир. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 349-моддасига биноан «N» МЧЖ ягона ер солиги тўлайди, йўл, мактаб ва пенсия жамғармаларига ажратмаларни ўтказади. Корхона эгалари корхонанинг ишлатилмайдиган бино ва асбоб-ускуналарини сотишиди. Аудиторлар текшируви чогида шу нарса маълум бўлдики, корхона бош ҳисобчиси сотилган бино ва асбоб-ускуналардан келган даромадни корхонанинг ишлаб чиқаришдан келган умумий даромадига қўшиб юборган ва юқорида қайд этилган жамғармаларга мажбурий чегиримларни тўлаган. Бош ҳисобчининг ҳатти-ҳаракати тўгрими?**

Йўқ, нотўғри. Соғ тушум, яъни товарларни (ишлар ва хизматлар) сотишдан тушадиган даромад, қўшилган қиймат ва акциз солиги чегириб ташлангандан сўнг, бўйдикетдан ташқари пенсия, йўл ва мактаб жамғармаларига мажбурий ажратмаларни солиқ солиш обьекти ва солиқ солинадиган базаси ҳисобланади.<sup>1</sup>

Асосий воситаларни (бинони, техник асбоб-ускунани) сотишдан тушадиган даромад корхонанинг «бошқа даромадлари» сирасига киритилади. Ягона ер солигига тўловчилар учун бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендулар ва фойи шар биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар бундан мустасно.<sup>2</sup> Бунда, бошқада даромадлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашдиган тушадиган даромад сифатида қаралади.

**51**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли «Тўгридан-тўгри хусусий чет өл инностицияларни жалб этишини рағбатлантириш борасидиги қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги Фармонига мувофиқ, тўгридан-тўгри**

1 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 313-ва 317-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси 1999 йил 11 майда 1446-сон билан рўйхатга олинган «Мактаб жамғармалари таъминлаш вазирилиги томонидаги 300% йил 31 инчареда 1446-сон билан рўйхатга олинган «Мактаб жамғармалари таъминлаш вазирилиги мажбурий ажратмаларни асбоб-ускунларини ва тўлангтартиби тутакларни таъминлаш» маддасига таъминланади.

2 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси 363-моддасиги 10-ҳад бони.

**хусусий хорижий инвестициялар иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сармоянинг ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда 3, 5 ёки 7 йилга даромад солигидан озод қилинади. Мазкур муддат корхона рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ҳисобланадами ёки унинг ишга тушган вақтидан бошлаб?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, мазкур саволда айтиб ўтилган имтиёз тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси иштирокида ишлаб келаётган ва юнгидан ташкил этилаётган корхоналарга бирдек тааллуқлидир. Бу имтиёзлардан фойдаланиш учун мазкур корхоналар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:<sup>1</sup>

a) 2005 йил 1 июлга қадар ташкил этилган корхоналар учун:

- корхоналарнинг 2005 йил 1 июлгача ҳисобланган, солиқлар, йиғимлар ва Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятлари сакланади;
- корхоналар 2005 йил 1 июлдан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажмига боғлиқ ҳолда белгиланган давргача солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилинади. Бунда имтиёздан фойдаланиш муддатини ҳисоблаш корхона давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошланади.

b) 2005 йил 1 июлдан барпо этилаётган корхоналар учун:

- имтиёзлар тақдим этиш учун белгиланган мезонларга мувофиқ келадиган корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан озод этилади, қўйидаги хатбошида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно:
- агар корхона барпо этилган (давлат рўйхатидан ўтказилгани)дан кейин келадиган даврларда имтиёзлар тақдим этиш учун белгиланган мезонларга мувофиқ деб тан олинган тақдирда у корхонанинг имтиёзлар тақдим этиш учун белгиланган мезонларга мувофиқлигини тасдиқлайдиган вазиятлар вужудга келган ва давлат солиқ хизмати органларининг тасдиқномаси олинган пайтдан бошлаб солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан озод этилади. Бунда имтиёздан фойдаланиш муддатини ҳисоблаш корхона давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошланади; имтиёзга доир ҳукуқ фақат қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда устав капиталлари (фонdlари)ни расмийлаштирган корхоналарга тақдим этилади. Бунда корхона солиқлардан, шу жумладан қонун ҳужжатларида назарда тутил-

2002 йилнинг 1 июлида рўйхатдан ўтган, имтиёз олиш учун белгиланган меъёрларга жавоб берувчи ва 10 млн. АҚШ долларидан ошиқ тўғридан-тўғри хусусий хорижий сармоя иштирокида фаолият юритувчи корхона 7 йил муддатга имтиёздан фойдаланиши мумкин. Мазкур 7 йиллик муддат корхона рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ҳисобланади. Эътибор қилинг: корхона 2002 йил 1 июлда рўйхатдан ўтган, имтиёзлар эса 2005 йилнинг 1 июлидан кучга киради. Демак, корхона 2005 йил 1 июлдан 2009 йилнинг 1 июлигacha (қолган 4 йил учун) имтиёзлардан фойдаланиш ҳукуқига эга бўлади.

Агар корхона 1998 йил 1 июлгача ташкил этилган бўлса, у ҳолда «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун солиқ имтиёзларини кўллаш тартиби тўғрисида»ги ғизом 1-бандининг «а» кичик бандида белгиланган имтиёзлар мазкур корхонага татбиқ тилмайди, чунки рўйхатдан ўтказиш пайтидан бошлаб 7 йилдан кўп вақт ўтган.

• Ўзбекистон Республикаси Президентинин 2007 йил 11 апрелдаги № 3594 сенли түгридан тұғри хусусий чет эл инвестициялардың жаңы этишин раттаплантириш боралығы күни мінша чораладырылар түгри иштеп және Фармонидан күчирма:

1. **2005 йылнинг 1 июлидан** берілаб түгридан тұғри хусусий чет эл инвестицияларни жаңы оладырылған иктисадиет тармоқтарының жаңы этишин раттаплантириш боралығы күни мінша чораладырылар түгри иштеп және Фармонидан күчирма:

Төртпенесе, түгридан тұғри хусусий хорижий инвестициялар қажмет құйидагына қарап анықталғанда мазкур солиқ имтиёзділердің берилада:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларига — 3 йил муддатта;
- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларига — 5 йил муддатта;
- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ булғанда — 7 йил муддатта.

### **Солиқ имтиёзділердің шарттары асосида құлланилиши белгилаб құйилсін:**

- мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бұлған мінтақалар — Қарақалпоқстан Республикасы, Жиззах, Қашқадаре, Сирдаре, Сурхондаре, Хоразм вилоятларида, шундай да Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларыннан қишлоқ ахоли пунктларыда жойластырыш;
- хорижий инвесторлар томонидан түгридан тұғри хусусий чет эл инвестицияларни Узбекистон Республикасининг кафолати берилмеган ҳолда амалға ошириш;
- корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоиз ни ташкил этиши лозим;
- ушбу корхоналар давлат рұйхатидан үтказилғандан кейин түгридан тұғри хусусий чет эл инвестицияларни киритиш;
- чет эл инвестицияларни әркін алмаштырилады болатын валюта ёки янги замонавий технологияның усқуна тарзда құйиш;
- мазкур имтиёздарни құлланиш муддаты давомида имтиёздардан олинған даромадтың корхонаның янаған ривожлантариш мақсадыда қайта инвестициялашып жүрнәлтириш.

### **Иктисадиёт тармоқтары:**

1. Радиоэлектрон саноати буюмлары ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникасы бутлови чи буюмларини ишлаб чиқариш.
2. Енгил саноат:

  - тайёр ип газлама ва жүн газламалар ишлаб чиқариш;
  - тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпок маҳсулотлари ва түқимачилик галантеренсі ишлаб чиқариш;
  - терини қайта ишлаш;
  - пойафзal, тайёр күн-галантерея буюмлары ишлаб чиқариш.

3. Ипакчилик саноати:

  - шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.

4. Курилиш материаллары саноати:

  - курилиш материалларыннан янги түрларини ишлаб чиқариш.

5. Парранда гүшти ва тухумни саноат миқесіде етишириш.
6. Озиқ-овқат саноати:

  - маҳаллий хом-ашедан саноат миқесіде қайта ишланған тайёр озиқ-овқат Марияның ишлаб чиқариш (алкоголли, алкогольсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотынан) дан мустасно).

7. Гүшт-сүт саноати:

  - гүшт ва сут маҳсулоттарыннан тайёр түрлери, пинлок ва сарыет ишшаб чиңдерін;

8. Кимё-фармацевтика саноати:

  - дори-дәрмен носиттерін ишлаб чиқариш;
  - синтетик кирюшин носиттері, машиний кимё товарларын ишлаб чиңдеріш.

- Ган, унине мобайнида корхона ўз устав капитали (фонди)ни шакллантириши керак бўлган и муддат а озод этилади;
- ўз устав капиталлари (фондлари)ни қонун хужжатларида белгиланган муддатларда шакллантирган хорижий сармояли корхоналардан солиқлар ундириш тартиби тўрисида пизомга мувофиқ имтиёзлар тақдим этилган солиқларни тўлиқ миқдорда ва фаолиятнинг бутун даври учун имтиёзларни қўлламасдан тўлаш бўйича мажбуриятлар юзага келади.

52

**«N» МЧЖ (асосий фаолият тури — чакана савдо) ягона солиқ тўлови тартиби асосида ишлайди (солиқ ставкаси товар айр бошлишнинг 4 фоизи миқдорида). Мазкур корхона болалар учун кўнгилочар байрамлар, тантаналар ва тугилган кунларни нишонлаш маросимлари каби хизматларни кўрсатишга қарор қилди. «N» МЧЖ мазкур хизматлар бўйича қандай ставкада солиқ тўлаши керак?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра,<sup>1</sup> «N» МЧЖ савдо ва хизматлар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобот юритиши, кўрсатилган хизматлардан тушган даромад бўйича 7 фоизлик ставка бўйича ягона солиқ тўловини тўлаши керак бўлади.<sup>2</sup>

53

**«N» МЧЖ ўз тасарруфифа ишлаб чиқариш асбоб-ускунасига эга. Лекин бу ускунани вақти-вақти билан ремонт қилиб туриш керак. «N» МЧЖ ўз даромади ҳисобидан ускунани капитал ремонт қилиш, шунингдек, умидсиз қарзларни ёпиш учун резерв ташкил этишга ҳақлами? Буни қандай расмийлаштириш керак?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг нормал ишлшини таъминлаш учун корхона ҳисобидан кетадиган харажатлар (техник назорат, жорий ва капитал ремонт учун) тегишли ишлаб чиқариш харажатлари элементлари (моддий харажатлар, меҳнат учун ҳақ ва ҳ. к.) бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг таннархига киритилади.<sup>3</sup>

Зарурат түғилганда айрим соҳалардаги хўжалик юритувчи субъектлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан капитал ремонт ишларини амалга ошириш мақсадида резерв маблағларини яратиши мумкин. Мазкур резервга ажратмалар «Ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар» сифатида қайд этилади. Ажратмалар ҳажми кўзда тутилаётган харажатлар ва асосий ишлаб чиқариш воситаларини капитал ремонт қилиш қандай даврийлик асосида амалга оширилиши-

**«Тескари бухгалтерия ўтказмалири» (старнировать) — бухгалтерлик китобига илгари киритилган қайдни тўғрилаш учун тақороран қайд этиш.**

1 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 353-моддаси.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йили асосий макроэконоミк оидий курсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўрисида» и МК 124-сонли Каорига 9-1 сонли иловалар.

3 Ўзбекистон Республикаси Газирийида Михкамасини 1999 йил 5 февралдан 5-йчо солиқ таърифи билан тақдикланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари тарзини замони мө

дип келиб чиқкан ҳолда белгиланади. Ҳар бир ҳисобот йили якунида чегирмалар нормаси қайта кўриб чиқилади. Лозим топилса, янги молия йилида чегирмалар миқдори кўпайтирилади ёки камайтирилади. Агар капитал ремонт учун белгиланган резервдаги маблағ ҳақиқий харажатлардан ошиб кетса, у ҳолда ортиқча сумма тескари бухгалтерия ўтказмалари методи билан тузатилиши керак; агар ҳақиқий харажатлар резервдаги маблағдан ошиб кетадиган бўлса, ортиқча харажат сумми и «Ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар» сифатида қайд этилади.

54

**Кўпчилик корхоналар ўз иш фаолиятида турли маҳсус компютер дастурлари таъминотидан (масалан, 1С: Бухгалтерия, «Норма», «Право» ахборот-ҳуқуқий тизимлари ва ҳ. к.) фойдаланадилар. Бу дастурларнинг нархи анчагина қиммат. Улардан фойдаланиш муддати ҳар хил: бир неча ойдан бир неча йилгача, ёки чекланмаган муддатга. Мазкур дастурларни сотиб олиш учун кетадиган харажатларни номоддий активлар сирасига ўтказиш керакми ёки улар корхонанинг харажатларига кирадими?**

Ишда фойдаланиш учун сотиб олинган компютер дастурларини номоддий актив тоифасига киритиш нотўри. Уларни харажатларнинг тегишли қисмига киритиш керак (масалан, 9410 «Сотиш харажатлари» ёки 9420 «Маъмурий харажатлар»). Бухгалтерлик ҳисоб-китоби бўйича миллий стандартлар меъёрларига кўра, бирор бир нарсани (мазкур ҳолда компютер дастурини) номоддий актив сифатида бухгалтерлик ҳисобига киритиш учун корхона мутлак ҳуқуқга эга бўлиши керак.<sup>1</sup> Мазкур стандартга кўра, алоҳида ҳуқуқни худди мулк ҳуқуқи каби учунчи шахсга ҳуқуқ эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан қонунда белгиланган тартибида берилиши мумкин.

Бундан ташқари, фақатгина идентификация қилинадиган мулк обьекти номоддий активига киритилиши мумкин. Бошқача айтганда, номоддий актив сирасига кириниладиган мулкни корхонадан ажратиш, сотиш, бошқаларга ижарага бериш, бошқалинивзорлар, шартномалар ёки мажбуриятлар билан алмаштириш мумкин. Майлумки, бу дастурлари корхонага фақат унинг ўзи ишлатиши учунгина берилади (ситилади) бу дастурларни корхонадан ажратиш, бошқаларга бериш ёки сотиш мумкин эмас.

Ҳисоб-китоб чоғида мазкур дастурларни қайси усул орқали ҳисобудинчи даромади корхонанинг ўзи мустақил равиша ҳал қиласиди: дастур сотиб олининиши беняни сенади тиб олинган дастурдан фойдаланиш муддати тугагунга қадар бўлган маддатиди. Бу усуллардан қай бири гаплангани корхонанинг ҳисоботни юритиш сиёсатиде ёки этилиши керак.

**«Мутлак ҳуқуқ»** — бу учинчи шахста фақат ҳуқуқ эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан қонунчиликда бөли иланган тартибида бериладиган мулкий ҳуқуқдир.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 22-моддаси.

# БОЖХОНА НАЗОРАТИ

55

## Божхона органининг талабига кўра «N» МЧЖ ҚҚ ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун импорт қилган товарлар учун божхона бозини тўлади. Божхона органининг талаби тўғрими?

Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунчиликка кўра, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган молмулукдан бож тўлови олинмайди.<sup>1</sup> Мазкур товар ёки мулк ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун экани тегишили сертификат асосида тасдиқланиши керак.<sup>2</sup>

Чет эл инвесторлари томонидан импорт қилинаётган товар ёки мулклар уларнинг ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун эканини тасдиқловчи сертификат Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги «Ўзбекэкспертиза» ОАЖ томонидан берилади.

Ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган маҳсулотлар деганда, қуйидаги асосий талабларга риоя қилган ҳолда, корхоналар томонидан бевосита технологик жараёнда фойдаланиладиган чет эл инвестициясига эга бўлган корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган молмулки тушунилади:

- амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳолатларда мос турдаги фаолиятни амалга оширишга маҳсус рухсатноманинг мавжуд бўлиши;
  - маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган экологик меъёрларга мос келиши;
  - ўз асосий ва айланма (шу жумладан ижарадаги) фондларидан моддий ва/ёки моллиявий ресурслар кўринишида фойдаланиш;
  - ушбу корхонада доимо банд бўлган ходимлар томонидан маҳсулот сифатининг яхшилаши ёки ишлаб чиқаришнинг асосий технологик жараёнларини амалга оширилиши;
  - ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини амалга ошириш ёки корхона (шу жумладан ижарадаги) ишлаб чиқариш майдонида маҳсулот сифатини яхшилаш.
- Демак, юқорида келтирилганларни эътиборга олган ҳолда айтиш мумкинми, «N» ҚҚ ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун олиб кирган маҳсулот ёки товар учун божхона бози тўламаслиги керак эди. Негаки, божхона декларациясида товар ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирилаётгани қайд этилган. Агар мазкур факт «Ўзбекэкспертиза» ОАЖ томонидан берилган сертификат билан тасдиқланган бўлса, у ҳолда божхона органларининг талаби ноқонунийdir.

1 Ўзбекистон Республикаси «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси, 6-хат боши.

2 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 8 апрелда 423-сон билан рўйхатга олинган «Хорижий инвестицияли корхоналар ўз эҳтиёжлари учун импорт қиладиган маҳсулотлашни боен тилиш Коидалари»нинг 2-банди.

Ўзбекистон Республикаси божхона тұловчыларының күра, божхона тұловлары учун ортиқта тұланған екі үндіріншін сұмма, шунингдек, божхона режимінде мұнағиқ, қайтарилиши көрәк бўлған сұмма, қонунда белгилінген тартибда тұловчылар қайтарилиши екі тұловчыларының көлгүсі тұловларының оғиштегі ишлатилиши керак.<sup>1</sup>

«Ўзбек экспертиза» ОАЖ ТИАИС Внинг таркибий булинмаси саналади. «Ўзбек экспертиза» ОАЖ таркибига қуидагилар киради: Іошкент шахридаги бөш корхона ва унине Тошкент шахридаги «Аэропорт», «Сергели», «Назарбек», «Ақтөпесті» филиаллари, Іошкент вилюятидаги «Олмалиқ», «Чирчик», «Бекобод» филиаллари, шунингдек, республика канинг барча 12 худудидаги шұйба корхоналари киради.

ТИАИС Внинг топширигига биноан монополият юритар экан, жамият қуидада гиларни амалга оширади:

- Үзбекистон Республикасыдан олиб чиқилаётган ва олиб кирилаётган товарларынин келиб чиқишини экспертиза қилиш ва товарнинг келиб чиқыш сертификатынин гасдиқлаш;
- Экспортга жұнатилаётган үзи ишлаб чиқарған маҳсулот сертификатини, шунингдек, чет эл инвестицияси иштироқида фаолият күрсатувчи корхоналар үз әхтиёжлары учун импорт қилаётган маҳсулоттар сертификатини тасдиқлаш;
- Республикада ишлаб чиқарылмайдын ва четдан келтириладын асбоб-ускуналар, әхтиёт қыслар, материаллар ва компонентларни маҳаллій ишлаб чиқарып дағы тәжілдік жараёнда ишлатыладын товарлар тоифасига үтказиш;
- Ишлатылған асбоб-ускуналар буйича хулоса бериш.

Манба: <http://www.expertiza.uz/ru/>

## 56 «N» МЧЖ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кенгайтиримоқчи ва үз маҳсулотини сотиши учун янги бозор қидиряпты. Шу мақсадда корхона үз маҳсулотини хорижга сотиши учун чет эллік харидор билан шартнома түзді. Мазкур шартноманы ваколат ли органларда рўйхатдан үтказиш керакми? Рўйхатдан үтказиш учун қандай ҳужжатларни топшириш керак? Рўйхатдан үтказиш учун қанча вақт талаб этилади?

Экспорт шартномаси тузган бизнес субъектлари божхона қонун-қоидалари буйича қонунчилік талаблари, экспорт шартномаларини расмийлаштириш буйича тартиб ва башқа ҳужжатлардан яхши хабардор бўлиши керак (18-сонли иловадаги намунага қаранг).

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига кўра, айрим экспорт шартномалари мажбурий равиша ТИАИСда рўйхатдан үтказилиши, барча экспорт шартномалари банкларди ва божхона орталығында рида ҳисобга қўйилиши ва шартнома амалга ошгандан сўнг ҳисобдан учирғаннан көнчиги очилган бўлса, экспорт шартномаси (товарлар, ишлар ва хизматлар) 113 маддаси, биринчи қисми

Республика товар хом-ашё биржалап рида хорижий валютада түзилган **ЭКСПОРТ ШАРТНОМАЛАРИ** республикада товар-хом ашё биржаларидан түзилады үтказилгандан ва божхона органларидан ҳисобга олингандан сўнг тақоғида ли банкларда ҳисобга қўйилиши керади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси божхона Кодексининг 113 маддаси, биринчи қисми

да рўйхатдан ўтказилиши лозим. Шартнома бўйича белгиланган барча маблағ банкка келиб тушиши керак.

Барча экспорт ва бартер шартномалари банкларда рўйхатдан ўтказилади. Қуйидаги шартномалар бундан мустасно:

- Республика товар хом-ашё биржаларида миллий валютага асосланган ҳолда тузвилган шартномалар;
- Хорижда Ўзбекистон инвестицияси иштирокида фаолият қўрсатадиган корхоналарнинг устав жамғармасини шакллантириш ёки тўлдириш мақсадида товар олиб чиқиш, шунингдек, беминнат асосда товар етказиб бериш билан боғлиқ шартномалар. Экспорт шартномалари 2 иш куни давомида банкларда ҳисобга қўйилиши керак. Агар тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган меъёрларга жавоб берса, шартнома ва шартнома нусхасининг ҳар бир варагига банк имзоси ва муҳри қўйилади ҳамда шартнома учун идентификацион тартиб рақами берилади.

Шартнома банкда ҳисобга қўйилгандан кейин шартноманинг асл нусхаси экспортчи корхонага қайтарилади. Мазкур асл нусхани экспортчи-корхона божхона органдарида қайддан ўтказади.

Барча экспорт шартномалари (товарлар, ишлар ва хизматлар) божхона органларида ҳисобга қўйилиши керак. Ҳисобга қўйиш муддатлари қуйидагича:

- Оддий экспорт шартномалари учун 3 иш куни давомида;
- Мева-сабзавот маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини четга чиқариш билан боғлиқ шартномалари 2 иш куни давомида.

Экспорт шартномалари уларнинг туридан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида ва унинг худудий органларида ҳисобга қўйилади.

### **Экспорт юклари учун божхона расмийлаштируванини амалга оширишда қуйидаги тартибида риоя қилиш тавсия этилади:**

1. Шартнома тузишдан олдин, экспорт қилиниши мўлжалланаётган товарга нисбатан чекловлар бор-ўйлигини аниқлаш лозим.

Амалдаги қонунчилликка кўра товар қуйидаги тоифаларга тааллуқлими ёки тааллуқли эмаслигини аниқлаш жуда муҳим:

- четга олиб чиқилиши мумкин бўлмаган товар;
- экспорт қилиниши учун Ҳукуматнинг рухсати ва ТИАИСВнинг лицензияси талаб қилинадиган маҳсус товар;
- четга олиб чиқилиши учун ваколатли вазирликлар ва идораларнинг рухсатномасини олиш керак бўлган товарлар тоифасига кирувчи товар;
- экспорт шартномаларини тўлаш валютаси ва тури бўйича расмий фармойишлар чиқарилган товарлар рўйхатига кирувчи товар.

2. Талаб этилганда экспорт шартномасини Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВда рўйхатдан ўтказиш лозим (ҳарбий мақсадлар учун мўлжалланган товарлар, қимматбаҳо металлар ва тошлар, дур-маржон, қаҳрабо маржон, улардан тайёрланган буюмлар, уран ва бошқа радиоактив мoddалар, ранги металлар, қора металлар прокати, нефт хомашёси, табиий газ, пахта толаси ва линти). Биржа саёдларидан тузишган ва биржада рўйхатдан ўтиши керак бўлган экспорт шартномалари, шунингдек, ўз маҳсулотини экспорт қилиш бўйича шартномалар ТИАИСВда рўйхатдан ўтказилмайди.

3. Экспорт шартномасини ваколатли банкда ҳисобга қўйиш керак.

4. Экспорт шартномасини божхона органдида ҳисобга қўйиш.

- Шартнома тури ва товар номенклатурасидан келиб чиқсан ҳолда;

■ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида ёки;

- Худудий божхона органида.
5. Экспорт қилинадиган товар учун керакли сертификатларни олиш (келиб чиқиши, мувофиқлик, гигиеник хулоса ва ҳ. к.).
  6. Юк божхона декларациясини түлдөриши ва уни божхона органида расмийлаштириши учун декларантга (божхона брокерига) мурожаат қилиши керак.
- Бунда қуйидагиларни бажарыш зарур:
- Декларант билан шартнома тузиш ва унга божхона юк декларациясини түлдиргани учун хизмат ҳақини тұлаш;
  - Божхона расмийлаштируви учун тұловни тұлаш (шартномада құрсатылған сұмма нинг 0,2%-ға қадар миқдорда);
  - Қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак:
    - ТИАИСВда (зарур ҳолларда), ваколатли банк ва божхона органида рүйхатдан үтказилған құрсатылған шартномаларнинг асли ва нұсхаларини;
    - Товарни экспорт қилиш учун лицензии ва рухсатнома (зарур ҳолларда);
    - Мувофиқлик ва келиб чиқиши сертификатлари (зарур ҳолларда гигиеник, фитосанитария ва ветеринария хулосалари);
    - Транспорт ва юк ҳужжатлари;
    - Экспорт қилинаётган товар учун тұлов түғрисида маълумотнома.
7. Товарнинг божхона назоратидан үтишини, тамгаланишини ва божхона постыдан үтишини (божхона декларациясига юк чегарадан үтгани ҳақида белги қўйилади) назорат қилиши керак.
  8. Контрактни божхона органидан ҳисобдан үчирши.

Одатда кичик хусусий бизнес субъектлари томонидан имзоланадиган экспорт шартномалари давлат божхона қўмитасининг худудий бошқармаларида ҳисобга кўйилади. Мазкур шартномаларга қуйидагилар киради:

- ТИАИСВда (агар лозим бўлса) ҳамда тегишли банкда қайддан үтказилған контрактлар;
- Божхона қўмитасининг худудий бошқармалари жойлашган худудидаги биржя ва ярмаркаларда амалга оширилган биржя ва ярмарка шартномалари;
- Тегишли банкда рүйхатдан үтказилиши керак бўлмаган шартномалар:
  - Устав жамғармасига товар кўринишида ҳисса қўшишни назардла тутувни шартномалар (протоколлар) ёки аҳдлашув протоколлари;
  - Техник ёки гуманитар ёрдам доирасида беминнат тарзда товар етказиб бергани бўйича тузиладиган шартнома ва битимлар.

Экспорт шартномаларни божхона органларида қайддан үтказиш учун І жадвандда қўрсатылган ҳужжатлар тақдим этилади.

Шартноманинг туридан келиб чиққан ҳолда божхона органларига қўшимчаликка да қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши мумкин:

- Биржа (ярмарка) экспорт шартномалари бўйича:
  - Товар биржадан сотиб олинганда, унинг учун тұланған маблаг қонунни асосда топилганини тасдиқловчи божхона юк декларациясининг 5 нұсхаси;
  - Импорт шартномасини тұлаш учун тұловчининг ҳисоб рақамида манзуруннан маблаг ҳақида банк далолатномаси;
- Товарларни консигнация асосида экспорт қилиши ёки устав жамғармасиги шартномалириш ҳақида шартномалар бўйича:
  - корхона «хориждаги корхона» сифатида қайддан үтказилғани түғрисида ИЧМЕ-ниномонидан бериладиган джалолатнома;<sup>1</sup>

1. Узбекистон Республикаси Адмия тағирлиги томонидан 2001 йил 27 февральда төзілген шартнома «Узбекистон Республикасе тағидлик шахтары томонидан жорижидан берилбайран» тартибида.

- Техник ёки гуманитар ердам доирасида бемингнат тарзда тақсис шартномалари (протоколлар) — тақсис шартномалари (низам) бўйича:

  - Аризачи томонидан расмийлаштирилган етказиб беринш паспорти. Бу паспортни маъсул банкдан қайддан ўтказиш шарт эмас;
  - Устав жамғармаси керакли маблағ билан таъминланадиган ҳақида солик органлари томонидан бериладиган далолатнома (бундай далолатнома сўралган ҳолларда).

## **1. Жадвал. Экспорт юкларини расмийлаштиришда божхона органларига тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати**

<b>Ҳужжат номланиши</b>	<b>Ҳужжатни берган орган</b>
1. Экспорт шартномасининг (контракт, битим) асији нусхаси.	Мазкур шартнома Ўзбекистон резиденти (экспортчи) ва норезиденти (импортчи) томонидан тузилади ва имзоланади.
1.а. Шартномани тегишли давлат органларида қайд этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат.	Ваколатли банкнинг идентификацион тартиб раками, (19-сонли шловадаги намунага қаранг) айрим товарлар учун эса шартномасининг ТИАИСВдан рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги сертификат.
2. Юк божхона декларацияси.	Декларант томонидан экспортчи тақдим этган маълумотлар асосида тўлдирилади.
3. Лицензия — лицензиялаш талаб қилинадиган товарлар учун берилади.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида ТИАИСВ томонидан берилган лицензия
4. Ҳисоб-китоблар ҳақида маълумотнома	Ваколатли банк
5. Транспорт ва юкнинг ҳужжатлари	Экспорт қилувчи ва транспорт компаниялари томонидан берилади.
6. Мувофиқлик сертификати	«Узстандарт» агентлиги
7. Айрим ҳоллада ваколатли органларнинг рухматномалари (хуносалари)	Тегишли ваколатли органлар.

## **57 «N» МЧЖ Украинадан пластмасса маҳсулотини импорт қилиш билан шугулланишга қарор қилди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларни туширишда кимлар иштирок этишга ҳақли?**

оварларни туширишда товар ва транспорт воситаларини божхона назоратидан тказиш божхона органларининг масъул ходимлари томонидан амалга оширилади.

Товар ва транспорт воситасига эгалик қилувчи шахслар (юк эгаси, транспорт эйдовчиси, экспедитор) божхона назоратида қатнашишга ҳақли. Агар божхона орни талаб қиласа, улар божхона назоратида қатнашишга ва божхона ходимларига кеёзли ёрдам кўрсатишга мажбур.

Товарни божхона омборига тушириш жараёнида божхона органи ходимларидан шқари «Ўзбекэспертиза» ОАЖ ходими ёки ССП вакили (агар «N» МЧЖ (ССП) таъзоси ўлса) қатнашиши мумкин.

## **58** «N» хусусий корхонаси Ўзбекистон ҳудудидаги фаолиятида фойдаланиш учун хориждан қурилиш техникаси (экскаватор, самосвал, автокран ва ҳ. к.) олиб келишини режалаштирум оқда. Мазкур техникани импорт қилишда қандай тўловлар тўланиши керак ва қандай имтиёзлар белгиланган?

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, Ўзбекистон ҳудудига чотдиң товар олиб кирилганда, қуйидаги божхона тўловлари тўланади: бож, акциз солиги, қўшилган қиймат солиги, божхона ҳужжатларини расмийлаштирганлик учун божхона йигими.<sup>1</sup>

Саволда қайд этилган техникани импорт қилиш учун қуйидаги миқдорда божхони тўловларини тўлаш керак бўлади:

- техника божхона қийматининг 10 фоизи миқдоридаги импорт божи<sup>2</sup>;
- экскаватор, автокран ва самосвал учун Ўзбекистон қонунчилигига акциз солиги кўзда тутилмаган. Аммо айрим тоифа юк автомобиллари учун уларнинг мотор ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда акциз солиги белгиланган (20-сонли иловага қаранг)<sup>3</sup>;
- қўшилган қиймат солиги (20 фоиз);
- божхона ҳужжатларини расмийлаштирганлик техника божхона нархининг 0,2 фоизига тенг тўлов.<sup>4</sup>

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 211-моддасида ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасида қонунчилик асосида тасдиқланадиган Рўйхат бўйича (17-сонли иловага қаранг) республика ҳудудига киритиладиган технологик асбоб-ускуналарни қўшилган қиймат солиги ва божхона божидан озод этиш кўзда тутилган. Агар технологик асбоб-ускуналарни олиб кириш шартномасида уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини келтириш ҳам назарда тутилган бўлса, у ҳолда қайд этилган имтиёзлар бутловчи ва эҳтиёт қисмлар учун ҳам амал қиласди. Экскаватор, самосвал ва автокранлар мазкур рўйхатга киритилган (21-сонли иловага қаранг).

Импорт қилинган технологик асбоб-ускуналар республика ҳудудига олиб кирилган вақтдан бошлаб ўтган уч йил ичидаги экспорт қилинадиган (сотиш ёки беминнат бериш орқали) бўлса, мазкур технологик асбоб-ускуналар учун берилган имтиёз бекор қилинади. Бундай ҳолларда имтиёз амалда бўлган бутун муддат учун қўшилган қиймат солиги ва божхона божи ундириб олинади.

## **59** «N» хорижий компанияси Ўзбекистонда ўз маҳсулотини реклама қилмоқчи. Шу мақсадда компания вакиллари Ўзбекистонга келмоқчи ва ўзлари билан реклама материалларини, хусусан, компания ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳақида видеофильмни олиб келишини мўлжаллаган. Божхонада турли тушунмовчиликлар келиб чиқишининг олдини олиш учун қандай чора-тадбирларни кўриш

1 Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг 103-моддаси.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 августдаги «Ташки иктиносидан тўғрисида»ги ПҚ-1169-сонли қарори

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 августдаги «Ташки иктиносидан тўғрисида»ги ПҚ-1169-сонли қарори

4 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 1999 йил 30 апрелдаги «Юнити тадбирларини таҳдидлаштирум оқда»ни келиб чиқишининг олдини олиш учун қандай чора-тадбирларни кўриш

## **РУР? ЮҚОРИДА АЙТИЛГАН РЕКЛАМА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАНЧА МУДДАТГА ОЛИБ КИРИШ МУМКИН?**

Агар фильмлар ёки бошқа реклама маҳсулоти қайтиб олиб чиқиб кетиш шарты билан киритилаётган бўлса, уларни Ўзбекистон Республикаси божхонаси чегарасидан ўтказаётганда «вақтинча олиб кириш» режимида расмийлаштириш керак. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, товарларни «вақтинча олиб кириш» режимида расмийлаштириш учун товарни декларация қилиш, уларни идентификациялаш имкониятини таъминлаш ва зарур ҳолатларда божхона тўловларини тўлаш керак бўлади.<sup>1</sup>

Олиб кирилган товарни қанча муддатга «вақтинча олиб кириш» режимида туриши божхона органи томонидан белгиланади. Муддат белгиланганда товар қандай ҳолларда ва мақсадда олиб кирилгани эътиборга олинади. Зарурият туғилганда, мазкур муддат узайтирилиши мумкин. Товарлар «вақтинча олиб кириш» режимида туриши учун белгиналаган максимал муддат 2 йилдир. Мазкур муддат ичida товар эгаси товарни республика божхона худудидан олиб чиқиши керак.

Бошқа товарлар билан бир қаторда қуйидаги товарлар божхона божи ва солиқларидан тўла озод этилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси божхона худудига вақтинча олиб кирилиши мумкин:

- Хорижий шахслар томонидан олиб келинадиган реклама материаллари (каталоглар, прейскурантлар ва тижорат проспектлари, моделлар, плакатлар, планшетлар, рисололар) — агар ҳар бир олувчи учун ушбу материаллар 2 нусхадан ортиқ олиб келинmasа ёхуд уларнинг умумий брутто оғирлиги 50 килограммдан ортиқ бўлмаса;
- Реклама фильмлари, шунингдек товарларнинг хоссалари ёки вазифасини очиб берувчи реклама учун мўлжалланган компьютерда ташиладиган аҳборот — агар ушбу фильмлар ва аҳборот ташувчилар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса, хорижий шахс томонидан таклиф этилаётган хорижий товарларга тегиши бўлса, фақат товарларнинг эҳтимол тутилган сотиб олувчиларига кўрсатиш учун мўлжалланган бўлса, бир нусхада олиб келинса ва улардан фойдаланиш даромад олиш мақсадини кўзламаса.<sup>2</sup>

Агар «N» компанияси олиб кирмоқчи бўлаётган товарлар юқоридаги талабларга жавоб берса ҳамда республика ташки иқтисодий фаолиятига ёрдам кўрсатиш учун зарур товарлар категориясига кирса, улар божхона тўловлари ва солиқлардан бутунлай озод қилинади. Агар вақтинчалик олиб кириллаётган товар мазкур категорияга кирмаса, у ҳолда «N» компанияси қуйидаги ставкалар бўйича божхона тўловлари ва солиқларни тўлиқ ҳолда тўлашга мажбур:

- олиб кирилаётган товар божхона нархининг 100 фоизига тенг миқдорда импорт божи;<sup>3</sup>
- қоғоз ёки картондан қилинган канцелярия товарлари, отkritkalap (почта отkritkalari ва безакли отkritkalar) учун фақат акциз солиги олинади; табрикнома, мак-

1 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 14 октябрда 1418-сон билан рўйхатга олинган «вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисида»ги Низом.

2 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 авгуустдаги 399-соши қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси худудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келинишни кўндиштириш»га «Божхона божлари ва солиқларидан тўлиқ оғод тинланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси иншин божхона худудига четдан вақтинчалик олиб келиништиришни товарлар Рўйхатининг З-банди.

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 августдаги ПК 1109-спеши «Зонида тарбия таъминотини таъминлашадиган олиб киришни кўндиштириш» номини олинган низоми.

туб ёки хабар акс эттирилган открытия, барча турдаги босма тақвимлар учун товар божхона нархининг 15 foiz miqdorida;<sup>1</sup>

- кўшилган қиймат солиги (20 foiz);
- божхона хужжатларини расмийлаштирганлик учун техниканинг божхона нархи нинг 0,2 foiziga teng t’ulov.<sup>2</sup>

**60**

## **Ишлаб чиқариш билан шугулланадиган «N» МЧЖ чет эл корхонаси божхона тўловларини кечиктириш учун гаров расмийлаштироқчи. Бу гаров қандай расмийлаштирилади? Гаров предмети сифатида нима хизмат қилиши мумкин?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, гаров эвазига божхона тўловларини кечиктириш учун гаров берувчи ва божхона органи ўртасида гаров тўғрисидан шартнома имзоланади (2 нусхада). Шартнома нотариус томонидан тасдиқланishi ва қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. Хужжатнинг бирг’и нусхаси гаров берувчидга, иккинчи нусхаси эса божхона органида сақланади.<sup>3</sup>

Коидага кўра, гаров предмети гаровга берувчидан туради. Гаровга берувчи гаров предметининг зарур тарзда сақланишини таъминлаши ва божхона органи томонидан талаб қилинганда уни божхона органи ихтиёрига бериши керак.

Божхона органи томонидан гаров тўғрисидаги шартномани худудий божхона ордени бошлиғи ёки унинг ўринбосари ҳамда тўлов бўлимининг бошлиғи (ўзининг мисус журналига қайд этган ҳолда), гаров берувчи томондан эса — ваколатли шахс им золайди. Хужжатда гаровга қўйилган товар ёки транспорт воситасининг гаров учун зарур суммадан ортиқча қисми қўрсатилиши керак. Божхона тўловлари бўлимининг бошлиғи шартномада қўрсатилган ва гаров орқали қопланаётган тўлов суммасини тўғрилигини тасдиқлайди.

Шунингдек, божхона декларациясига божхона тўлови гаров эвазига кечиктиришини ва бу қанча муддатгача амал қилиниши ҳақидаги ахборот ёзиб қўйилади. Гаров берувчи зарур божхона тўловлари ва белгиланган фойизларни тўлагандан кўйин божхона органининг рухсати билан ўзи қўйган гаров предметини қайтариб олиши мумкин.

Божхона тўловлари учун гаров предметлари сираасига товарлар, валюта, ташло ва бойликлари, қимматли қоғозлар, шунингдек, автотранспорт воситалари киради.<sup>4</sup>

**61**

## **«N» МЧЖ ҚК илгари расмийлаштирилган контракт бўйича божхона тўловларини тўлаш жараёнида керагидан ортиқча сумма ни тўлаб юборди. Мазкур ортиқча суммани ҚКнинг көлгуси божхона тўловлари ҳисобига ўтказиш масаласини ким ҳал қиласиди? Мазкур**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 авгуустдаги ПДГ №9 сенси «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 авгуустдаги ПДГ №9 сенси «Ташло ва бойликларни тартибга солини борасидаги қўнимимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ўзининг бирг’и нусхаси» тартибига таъминланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги №99-сий бешароий тартибига таъминланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адмирал Вазирларлигига муддаттини ўзяттиришни кечиктириш бунича тартибига таъминланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адмирал Вазирларлигига муддаттини ўзяттириш бунича тартибига таъминланади.

## **суммани келгуси тўловларни қоплаш учун ўтказмасдан балки қайтариб олиш мумкинми? Бунинг учун нима қилиш керак?**

Божхона тўловлари учун ортиқча равишда тўланган ёки ундирилган сумма, амалдаги божхона режимига мувофиқ, ёки тўловчининг келгуси тўловлари ҳисобига ўтказилади ёки унга қайтарилади. Бу жараён ортиқча сумма тўланган ёки ундирилган кундан бошлаб бир йил давомида амалга оширилади.<sup>1</sup> Божхона тўловлари хеч қандай фойизсиз қайтарилади (ошиқча сумма қанча бўлса шунча маблағ қайтади).<sup>2</sup>

Ортиқча суммани қайтариш ёки кейинги тўловлар ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги қарор худудий божхона органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан, тегишли бўлимларнинг (божхона тўловлари, божхона статистикаси, божхона назорати ва ҳукуқий бўлим) зарур хуносалари асосида қабул қилинади.

Бу хуносаларни тайёрлаш учун божхона органига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак:

- «N» ҚКнинг аризаси. Бу аризада ортиқча сумма нима сабабдан тўлангани ёки ундирилгани, шунингдек, корхонанинг банк реквизитлари (пул қайтарилиши керак бўлган ҳисоб рақами) кўрсатилиши керак;
- юқ божхона декларацияси (мазкур декларацияда божхона тўловлари акс эттирилган бўлади);
- белгиланган божхона тўлови тўланганини тасдиқловчи ва масъул банкнинг тасдиғи қайд этилган ҳужжат;
- товар чегара худудидан ўтгани тўғрисида чегарадаги божхона хизматининг белгиси акс этган товар ҳужжатлари (зарурият туғилганда).

Ортиқча тўланган суммани қайтариш ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказиш қўйидаги шартларда амалга оширилади:

- тўланган ёки ундирилган сумма ҳақиқатан ҳам божхона органи ҳисоб рақамига келиб тушган бўлса;
- божхона тўловларини кечикириш ёки бўлиб ташлаш туфайли тўловчининг божхона органидан қарзи (божхона тўловлари, жарималар, пенялар) бўлмаса.

Ортиқча тўланган суммани қайтариш ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказиш бу ҳақида ариза тушган кундан бошлаб (ариза билан бирга керакли қўшимча маълумотлар тақдим этилган ҳолда) бир ой муддат ичida амалга оширилади.

Божхона органи ортиқча сумманинг маълум қисмини қайтариш ёки умуман қайтармасликка қарор қиласа, «N» МЧЖ ҚҚ мазкур божхона органи жойлашган худуддаги ҳўжалик судига мурожаат қилиши ва ўз ҳукуқини ҳимоя қилиши мумкин. ССП аъзолари бўлган корхоналар ССП орқали судга ариза билан мурожаат этса, улар бунинг учун қонунда белгиланган давлат божини тўламайди.<sup>3</sup>

**62 «N» МЧЖ корхона эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан товар олиб келади. Агар мазкур товар ортилган юқ 24 соат давомида тегишли божхона режими остида рас-**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Божхона Колдексининг 113-моддаси.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Адмия вазирлиги томонидан 2000 йил 14 июлда 947 сон билан рўйхатга олинган «Ортиқча равишда тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисидаги Иулийнома.

## **мийлаштирилмаса, юқ учун қисқа декларация түзилиши керакми? Қисқа декларация сифатида қандай ҳужжатлардан фойдаланиш мумкин?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, товар ва транспорт воситалари белгиланган божхона режими остида расмийлаштирилгунга қадар улар учун қисқа дёкларация тўлдириш мумкин. Божхона органи руҳсатига биноан, қисқа декларация сифатида халқаро юқ ташиш жараёнидаги ишлатиладиган транспорт, тижорат ёки бошқа ҳужжатлар (шу жумладан, хорижий тилларда тузилған) ишлатилиши мумкин.<sup>1</sup>

Қисқа декларациядан божхона расмийлаштирувани соддалаштириш мақсаиди қўлланилади. Мазкур декларация товар ва транспорт воситалари билан биртагида ташувчи томонидан ёки божхона органи руҳсати билан товар ва транспорт воситаси и божхона ҳудудига кириб келгандан сўнг 24 соат ичидаги топширилади. Қисқа декларация ташувчи ёки унинг вакили томонидан топширилади. Агар вакил бўлмаса, транспорт бошқарувчиси (ҳайдовчи) унинг ўрнига қисқа декларацияни топшириш ҳуқуқини эга. Агар кўрсатилган муддатда товар ва транспорт воситаси белгиланган божхона режими остида расмийлаштирилса, у ҳолда қисқа декларация топширилмайди.

Қисқа декларацияда қуйидаги маълумотлар акс этирилиши керак:

- товар чиқиб кетаётган ва етиб бориши керак бўлган манзил (давлат);
- юқ жўнатувчининг ёки товарни қабул қилиб олувчининг номи ва манзили;
- юқ ташиш ҳақидаги маълумотлар, лозим бўлса юкнинг номи ва манзили;
- транспорт воситаси ҳақида маълумот (дengиз ёки дарё транспорти номи, жиё транспортининг рейс ва борт номери, темир йўл вагони тартиб рақами, ашомо бил транспорт воситасининг қайд рақами ва х.к.);
- транспорт ҳужжатлари номери;
- товарнинг тури, номи, сони ва брутто оғирлиги;
- идентификация воситалари ҳақида маълумот.<sup>2</sup>

### **Олий Ҳўжалик Суди Кассация инстанциясининг 2006 йил 16 августдаги 10-0618/3115-сонли қароридан:**

Импорт қилинган товарларни божхонада расмийлаштириш учун тадбиржор Узбекистон Республикасидан чиқиш ва республика ҳудудига кириш чорига белгиланган тартибда расмийлаштирилган Т-6 формасидаги божхона декларациясини тақдим этиши керади.

«Р.Д.» хусусий корхонаси (даъвогар) давлат божхона қўмитасининг Ташкент шаҳри ят бўйича бошқармаси (жавобгар томон) устидан шикоят билан судга муражъиятни ташкил унинг (хусусий корхонсанинг) Назарбек-2 постига 8011-сонли юқ рақами (номосамони) билан келиб тушган юкка нисбатан эгалик ҳуқуқини эътироф этишини ҳамда 1 тоннада сўм миқдоридаги моддий зарарни, шунингдек, маънавий зарар учун 500 000 сум миқдоридаги пулни жавобгар томондан ундиришни сўради.

Суд қарори билан мазкур даъво рад этилди. Иш аппеляция инстанциясида гурӯппада:

Мазкур қарордан норози бўлган даъвогар суд қарорини бекор қилиш на унинг дарё восини тўлалигича қондириш ҳақида кассацион шикоят билан Олий ҳул алини таъсислашади. Адабий тартибни таъсислашади.

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси божхона қодексининг 87 маддаси.

<sup>2</sup> Узбекистон Республикаси Алийи национали тартибидан 1998 йил 17 мюнисида 14-сабтада таъсислашади.

Суд коллегияси мазкур шикоятни қўйидаги сабабларга кўра асоссиз деб ҳисоблайди:

Қўрилган иш материаллари шундан далолат берадики, кофе ичимлиги етказиб бериш тўғрисидаги 11592 АҚШ долларига тенг шартнома 2005 йил 28 сентябрда UZB 052809 рақами остида «SARDOR-NIK» хусусий фирмаси ва «MANZARO (S) PTE LTD» компанияси ўртасида имзоланган.

Экспорт қилаётган мамлакат томонидан расмийлаштирилган товар ҳужжатларига кўра, мазкур юқ Ўзбекистон Республикасига «Р.Д.» хусусий фирмаси эмас, балки «SARDOR-NIK» хусусий фирмаси манзилига жўнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли қарорига илова қилинган «Юридик шахс мақомига эга бўлмаган ва тижорат фаолияти учун четдан товар олиб келадиган якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъекти ҳисоб варагини бериш тартиби тўғрисидағи Низомнинг 22-бандига кўра, импорт қилинган товарларни божхонада расмийлаштириш учун тадбиркор Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ва республика худудига кириш чоғида белгиланган тартибда расмийлаштирилган Т-6 формасидаги божхона декларациясини тақдим этиши керак.

Агар олиб кирилган товарнинг суммаси нақд пулда олиб чиқилган хорижий валюта суммасидан кўп бўлса, пул маблағларининг қонуний ўйл билан топилганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.

Даъвогар божхона органларига ёки судга юқорида қайд этилган ҳужжатларни тақдим этолмади. Бундай ҳолатларда кассацион шикоят рад этилди ва биринчи инстанция суди қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

## 63

**«N» МЧЖ ўз эҳтиёжи учун Малайзиядан 4500 АҚШ доллари миқдорига тенг товар олиб келмоқда. Мазкур суммадаги товар учун товарнинг ишлаб чиқарилиши тўғрисидаги сертификати талаб этиладими?**

Йўқ, талаб қилинмайди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, фактура қиймати 5000 АҚШ долларигача бўлган товарлар учун товарнинг ишлаб чиқарилиши тўғрисидаги сертификат талаб этилмайди. Бу ҳолатда товар ишлаб чиқилган мамлакат бошқа ҳужжатларда – инвойсда, ҳисоб-фактурада ёки товарга иловава этилган бошқа ҳужжатларда кўрсатилган бўлади. Масалан, товарнинг техник паспорти ҳам унинг келиб чиқиш сертификати сифатида хизмат қилиши мумкин. Одатда, техник паспортнинг «ишлаб чиқарувчи завод» деган қисмида товарнинг номи кўрсатилган ва бу товар ишлаб чиқилган давлатнинг ваколатли органи мухри билан тасдиқланган бўлади.<sup>1</sup>

## 64

**«N» ОАЖ катта партиядаги товарни импорт қилишни режалаштироқдо. Катта партиядаги товарлар импорт қилинаётганда жўнаташдан олдин назоратдан ўтказиш (ЖОНҮ) мажбурийми? Бу қандай амалга оширилади?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилитига кўра, маъбуорий ЖОНУ умумий қиймати 10 минг АҚШ долларидан ошадиган товарларга нисбатан амалга ошириллади. Ўнудай товарлар рўйхатига ўши ва гўши маҳсулотлари, сут ва ёт маҳсулотлари (шу жумладан, ёғ олинидиган урут ва мевалар), спиртли ва спиртсиз ичимликлар, та маки маҳсулотлари киригилган. Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига кирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун олиб келинаётган асбоб ускуналар ҳам жўнатишдан олдин назоратдан ўтказилиши шарт.

ЖОНУ «Ўзстандарт» агентлиги қошида аккредитациядан ўтган консалтинг фирмаси томонидан амалга оширилади (22-сонли иловага қаранг).

Шартномаларни экспертизадан ўтказиш ва ЖОНУни амалга ошириш учун импорт қилиувчилар ўзлари хоҳлаган консалтинг фирмасига мурожаат қилиши мумкин. Айрим шартномалар қонунчиликда белгиланган талабларга кўра ТИАССда экспертизадан ўтказилади. Бундай шартномалар сирасига кўйидагилар киради:

- давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган импорт шартномалари;
- Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки унинг кафолати остида олининган кредитлар (заёмлар) ҳисобидан молиялаштириладиган импорт шартномалари;
- устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган ва уз валията манбаҳири билан таъминланмаган хўжалик субъектлари томонидаги тузиладиган импорт шартномалари.<sup>1</sup>

### **Тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилитидо белгилангандир. Товарларни жўнатишдан олдин назоратдан ўтка мишидан гана қўйидагилар тушунилади:**

- жўнатиладиган товарларнинг миқдорини, сифатини ва келиб чиқишни таъдидлан учун жисмоний назоратдан ўтказиш;
- товарлар нархининг, ташиш ҳақининг, сурурта ва бошқа йигимлариниң товар гено чиқкан мамлакатдаги ҳамда халқаро бозордаги нархларни қарор топсан даромадига мувофиқлигини аниқлаш учун қиёсий таҳлил қилиш;
- мазкур юқ гурӯҳининг шартномалар талабларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг божхона йўриқномаларига мувофиқлигини текшириш;
- Ташки иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатураси асосида бож/соникундириш учун маълумотларни текшириш.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 декабрдаги 34-сонли қарорига «Импорт контрактларини мустақил экспертиза қилиш ва Ўзбекистон Республикаси импорт қилинадиган товарларни жўнатишдан олдин назоратдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 1-сонли иловада.

ЖОНУ талаб қилинадиган товарлар бўйича импорт шартномаси консалтинг фирмаси томонидан тегишли ижобий экспертиза акти берилганидаги ёки шартномаси ТИАССда экспертизадан ўтгани тўғрисидаги хулосадан кейин кучга киради.

Ижобий хулоса ва қонунчилик меъёрлари талаб ётган ҳорларда олни иддиган ТИАССда тегишли хулоаси таъминотчи (экспортчи) учун юқни жўнатиш түрдесине таъсизлиги томон учун оса амалдаги қонунчилик асосида товар учун ҳар тупшинга дебоб ўтказиши мумкин.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрдаги №ф. 33/1-сенинг изборида олни иддиган ТИАССда тегишли хулоаси таъминотчи (экспортчи) учун юқни жўнатиш түрдесине таъсизлиги томон учун оса амалдаги қонунчилик асосида товар учун ҳар тупшинга дебоб ўтказиши мумкин.



## **Импорт шартномаларини экспертизадан ўтказиш ТИАИСВга қуйнданғи ҳұжжатларни тақдим этиш билан амалга оширилади:**

- ариза;
- шартноманинг асл нұсқаси ва унинг күчерма нұсқаси;
- агар шартноманинг суммаси ЭКОИХ миқдорининг 200 бараваридан ортиқ бўлса, қонун ҳұжжатларида белгиланган тартибида бериладиган контракт бўйича унинг қонун ҳұжжатларига мувофиқлиги юзасидан юридик хуроса;
- шартномани тузиш даврида амал қилган тасдиқловчи ҳұжжатлар (сўровномалар, тижорат таклифлари, биржа ва ассоциациялар котировкалари, прайс-варақлар ва ҳоказолар, бунда барча тақдим этилган таклифлар муқобил таклифлар тақдим этган фирма ва компанияларнинг юридик мансизлари ва шартнома реквизитларини ўз ичига олган бўлиши лозим) тақдим этилган ҳолда рақобат вараги ёки шартнома нархини шакллантириш асоси.

Агар шартнома ўтказилган тендер савдолари якунлари бўйича тузилган бўлса, рақобат вараги ёки шартнома нархини шакллантириш асоси ўрнига тендер савдолари баённомаси тақдим этилиши лозим.

Қонун ҳұжжатларига мувофиқ импорт ЖОНУ тартиби билан амалга ошириладиган товарларни етказиб беришга доир шартномалар бўйича «Ўзстандарт» агентлигига аккредитация қилинган консалтинг фирмаси томонидан берилган сифат, миқдор ва нарх даражаси бўйича, тузилган шартнома шартлари бўйича назорат Далолатномаси тақдим этилади. Шу билан бирга импорт шартномалари бўйича ариза берувчи назорат Далолатномаси ўрнига импорт қилувчи ва консалтинг фирмаси ўртасида тузилган ЖОНУни ўтказиш шартномаси ва консалтинг фирмасининг нарх даражаси бўйича хуросасини тақдим этиши мумкин. Бунда ЖОНУнинг тегишли Далолатномасини тақдим этилиши бўйича жавобгарлик ариза берувчига юклатилади.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 3 июля 1588-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига Ўзбекистон Республикаси ҳужжалик субъектлари томонидан тузиладиган экспорт контрактлари (шартнома ва битимларни рўйхатга олиш ва импорт контрактлари (шартнома ва битимларни) экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом, идоралараро қарорга иловла.

**65**

**Асбоб-ускуна нархининг ўта қимматлиги ва бу ускуна ўзини қоплаши учун жуда узоқ вақт кетишини инобатга олган ҳолда, «N» ОАЖ 100 минг Евро турадиган маҳсус техникани вақтинчалик муддатга (бир неча ойга) олиб келмоқчи. Амалдаги қонунчиликка кўра бу мумкинми?**

Албатта, мумкин. Божхона Кодексига кўра, вақтинчалик олиб кириш (олиб чиқиш) режимида товардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки ундан ташқарида божхона тўловлари ва солиқлардан тўлалигича ёки қисман озод этилган ҳолда фойдаланиш мумкин. Мазкур режимда товарга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари кўлланилмайди.

Божхона Кодексининг 22-моддасига кўра, товарни вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимига қўйиш божхона органининг рухсати билан амалга оширилади. бунда олиб кирувчи томон олиб кирилган товарни қайта олиб чиқиб кетин, божхона тўловларини тўлаш ва товарни идентификация қилиш мажбуриятини олади. Вақтинча олиб киришни борабер олиб киришни

Калайдай ҳолатда (ахволда) олиб кирилган бўлса, шундай ҳолатда (товарнинг табиий рашида эскириши, бир жойдан иккинчи жойга ташиш, сақлаш ва фойдаланиш жарасидаги табиий таъсирлар бундан мустасно) олиб чиқилиши керак.

Амалдаги қонунчиликка кўра, товарни вақтинчалик олиб кириш учун рухсат худууди божхона органи томонидан товарга масъул шахсга берилади. Бунинг учун товарни масъул шахс белгиланган тартибда ариза бериши керак. Ариза 15 иш кунида кўрити чиқилади. Ариза юзасидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда товарни вақтинчалик киритишга рухсат берилади. Товар қанча муддатга «вақтинчалик олиб кириш (олиб чиқиш)» режимига қўйилгани юк божхона декларациясига ёзиб қўйилади.<sup>1</sup>

Умуман олганда, товарни «вақтинчалик олиб кирилган» режимимда расмийлаштириш мураккаб эмас. Бунинг учун қўйиладиган талабларни яна бир карра тақрорланмиз: товарни декларация қилиш, товарни идентификация қилиш имкониятими таъминлаш, масъул органларнинг рухсатномасини тақдим этиш (агар товар масъул оғандар назоратидан ўтиши керак бўлса).<sup>2</sup>

## **66 «N» ОАЖ лак-бўёқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва ўз маҳсулотини қўшни давлатларга экспорт қилмоқчи. Қай ҳолларда экспортга чиқарилаётган товар мазкур корхонанинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулоти ҳисобланади? Товарнинг бундай мақомини тасдиқлайдиган ҳужжат нима?**

Корхонанинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулоти деганда қуйидаги асосий талаблар бўйича тўлалигича мазкур корхонанда ишлаб чиқилган ёки қайта ишланган маҳсулотга айтилади:<sup>3</sup>

- амалдаги қонунчилик билан белгилangan ҳолларда у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланиш учун маҳсус рухсатномага эга бўлиши;
- моддий ёки молиявий ресурс сифатида ўзининг (шунингдек, ижарага олган) исосий ва айланма жамғармаларидан фойдаланиши;
- маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги асосий технологик жараёнлар корхонанинг доимий асосда ёлланган ишчилари томонидан амалга оширилиши;
- ишлаб чиқариш учун керак бўлган бирламчли хом-ашёга нисбатан тайёр маҳсулот ТИФ ТНсининг дастлабки тўртта код белгиси бўйича ўзгариши;
- экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулот таннархининг камидга 30 фотоларни корхонада қўшилган бўлиши.

Товарнинг мақомини белгилайдиган ҳужжат — бу «Ўзбекэкспертиза» ОАЖ саломидан бериладиган ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот сертификатидир.

### **«Ўзбекэкспертиза» ОАЖ**

Тошкент 100007, Паркент кўч., 51

Тел/факс 238-53-57

E-mail: Z.Hkamidova@expertiza.uz

Web: www.expertiza.uz

Бош директор:

Ражабов Ботир Мухсинович

1 Узбекистон Республикаси Админалайзирлиги томонидан 2004 йил 14 октябрьда 1-НН олинига «вақтинчалик олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисидаги Правилом».

2 Узбекистон Республикаси Админалайзирлиги томонидан 2004 йил 14 октябрьда 1-НН олинига «вақтинчалик олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисидаги Правилом».

3 Узбекистон Республикаси Админалайзирлиги 1998 йил 18 апрелда 420-сони бешинч рутасида.

67

**Хорижда бўладиган тадбирда намойиш этиш учун «N» МЧЖ радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар рўйхатига киритилган маҳсулотларни четга олиб чиқиши режалаштирмақда. Бу рўйхатдаги маҳсулотларни четдан олиб кириш ва республика ҳудудида фойдаланиш фақатгина Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг рухсати билан амалга оширилади. Мазкур маҳсулотларни тадбирда намойиш этиш мақсадида четга олиб чиқилган ҳолда, уларни қайтариб олиб кириш учун мазкур агентлигининг рухсати керак бўладими?**

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни, шунингдек, уларнинг комплектига кирувчи ускуна ва техник воситаларни Ўзбекистонга олиб кириш учун божхонада расмийлаштириш фақатгина тегишли рухсатнома орқали амалга оширилади. Мазкур рухсатнома Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қошидаги Электромагнит мувофиқлик маркази томонидан берилади.<sup>1</sup>

Хориждаги ярмарка, кўргазма ёки бошқа тадбирларда намойиш этиш радио электрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни четга вақтинчалик олиб чиқиш божхона органлари рухсати билан амалга оширилади ва олиб чиқувчи томон маҳсулотни қайта олиб кириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бундай ҳолларда мазкур маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига қайтиб олиб кириш учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг рухсатномаси шарт эмас.

#### **Электромагнит уйғунлик маркази алоқалари:**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100115, Қирқ Қиз кўчаси, 10.

Телефонлар:

Кабулхона: +998 (71) 120-41-34, 150-41-34

Телевидение и радиоэшиттиришлар бўлими: +998 (71) 150-41-81, 150-41-82

Радиомониторинг хизмати: +998 (71) 150-41-76, 150-41-77, 150-41-78

Кўчма алоқа бўлими: +998 (71) 150-41-73, 150-41-74, 150-41-93

Радиочастоталар координацияси бўлими: +998 (71) 120-41-36, 150-41-36

Техник бўлум: +998 (71) 120-41-33, 150-41-33

Иқтисодий таҳлил ва маркетинг бўлими: +998 (71) 120-41-37, 150-41-92

Транспорт ва қурилиш бўлими: +998 (71) 150-41-31

Умумий бўлум: +998 (71) 120-30-21

Факс: +998 (71) 150-41-71

E-mail: cemc@cemc.uz

Web: www.cemc.uz

68

**Жисмоний шахс қуруқ мева, ёнгоқ ва сабзавот экспорт қилиш бўйича фирма ташкил этишини мўлжалламоқда. Мазкур фирма (юридик шахс) маҳаллий фермер хўжалигидан ёки ички бозордан ўзига керакли қуруқ меваларни (данаксиз туршак, майиз, қовуниқо),**

1 Ўзбекистон Республикаси Адмирал нацирлиги томонидан 1998 йил 9 нооброда 5/6 сонъинан руххатга олинган «Ўзбекистон Республикаси иш жудозидан радио илектироғи ислоҳоти»

**ёнгоқ маҳсулотларини (бодом, фундук, ер ёнгоқ), зирворларни (зиро, зирк, заъфарон, кинза) сотиб олиб, бу маҳсулотларни Россияга ёки Европага экспорт қилса бўладими? Агар бу мумкин бўлса, у ҳолда қандай божхона божлари ва тўловлари тўланади?**

Ҳа, мумкин. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, қуритилган ва музлатилган меваларни, сабзавотларни, полиз ва узум маҳсулотларини, шунингдек дуккакли маҳсулотларни экспорт қилиш учун мулкчилик шаклидан қатъий назар барча юридик шахсларга рухсат берилган.<sup>1</sup> Бунда улар божхона божи ёки солиқларни тўламайди.<sup>2</sup> Жисмоний шахсларнинг мазкур маҳсулотлар экспорти билан шу улчамнига рухсат берilmайдi.

Куритилган ва музлатилган мевалар, сабзавот, полиз ва узум маҳсулотларини экспорт қилиш эркин конвертациядаги валюта асосидаги контракт бўйича амалга оширилиши керак. Ўз навбатида, контракт эркин валютадан фойдаланиш бўйича имтида ги қонунчилик талабларига тўлалигича жавоб бериши керак.

## **69 Экспорт-импорт операциялари билан шуғулланувчи «N» МЧЖ Германиядан тиббиёт ускунаси олиб келиш ва уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тиббиёт муассасаларига сотишини мўлжалламоқда. Айни ҳолатда қандай божхона тўловлари тўланади?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, мулкчиник шартидан қатъий назар (МЧЖ, Хусусий корхона, ОАЖ ва ҳ.к.) барча тиббиёт муассасалари (стоматология ва косметология муассасалари бундан мустасно) Республикада тағдилидан янги тиббиёт ускунаси рўйхатига киритилган тиббиёт ускунаси импорти учун 2013 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўланадиган тўловдан ташқари) озод қилинган.<sup>3</sup>

Саволда назарда тутилган ҳолда эса тиббиёт ускунаси тиббиёт муассасаси эдаси балки воситачи «N» МЧЖ томонидан олиб кирилмоқда. Шунинг учун магъур импорти қилувчи юқорида қайд этилган имтиёзлардан фойдалана олмайди. Шунинг учун, «N» МЧЖ тиббиёт ускунасини импорт қилганда, Солиқ Кодексининг 103 мөддасига мувофиқ, барча белгиланган божхона тўловларини тўлаши керак.

## **70 «N» хусусий корхонаси қайта ишлашга берилган хом-ашё асоси да товарни қайта ишлаш учун рухсатнома олмоқчи. Айни вақтда бунинг учун зарур ҳужжатлар тўғриланмоқда. Корхона ияни лига божхонада тушуниришдики, ишлаб чиқарилиши кўзде туттила ётган маҳсулот ҳажми аввалдан божхона билан келишиши керак. Шу**

1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2008 йил 8 майдаги 93 сони («2008 йилда сабзавот маҳсулотларни, полиз ва узум захираларидан оқилонга фойдаланиш чора тадбирини олиши керори»).

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрьдаги ПФ-1371 сони («Бош хизматлар» экспортини рагбатлантириш бўйича қўшимчалик чора тадбирини олиши керори»).

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 19 нообрьдаги ПФ-1923 сони («2002 йилда

## тўғрими? Қандай қилиб божхона қайта ишлашга берилган хом-ашёдан тайёрланган маҳсулотнинг келиб чиқишини назорат қилиши мумкин?

Эксперт ташкилотларнинг хulosаси асосида божхона органлари қайта ишланадиган маҳсулот учун мажбурий норма ўрнатиш ҳуқуқига эга, агар бу божхона мақсадлари ёки товарларни қайта ишлашга кўмаклашиш учун зарур бўлса<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг 36-моддасида қайта ишланадиган маҳсулот нормаси сон ёки фоиз улушларида белгиланган, шунингдек, муйян миқдордаги товарни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлиши керак бўлган маҳсулот номенклатуроси белгиланган. Маҳсулот ишлаб чиқариш нормаси худудий божхона органлари билан келишилади ёки улар томонидан белгиланади. Мазкур мақсадла ҳудудий божхона органидан маҳсулотни қайта ишлаш учун тегишли рухсатнома олиш чоғида ҳал қилинади. Норма уни амалга ошириш учун мавжуд реал шартшароитдан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Қайта ишлаш маҳсулотларининг тавсифи, сифати ва миқдори уларни ишлаб чиқариш нормаси асосида белгиланади. Қайта ишлаш маҳсулотларининг тавсифи, сифати ва миқдори худудий божхона органи томонидан қайта ишлаш учун берилган лицензияда акс эттирилган бўлиши керак.

Қайта ишланган маҳсулотда фойдаланиладиган товарлар идентификацияси божхона мақсадлари учун амалга оширилиши мумкин. Бундай идентификация ишлаб чиқариша ишлатиладиган хом-ашё, материал ва бутловчи қисмлар тўғрисида батафсил маълумот бериш ёки қайта ишлаш чоғида божхона назоратини ўтказиш орқали амалга оширилади. Олиб кирилаётган қайта ишлаш маҳсулотларини қиёслаш учун божхона органлари товарларнинг ишлаб чиқарилган жойи ҳақидаги сертификатлардан, шунингдек, мазкур товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан ташқарида қайта ишлашга тааллуқли бошқа ҳужжатлардан фойдаланишлари мумкин.<sup>2</sup>

## **71 «N» МЧЖ улгуржи савдо билан шугулланади ва мазкур фаолият учун зарур барча лицензияларга эга. Ушбу корхона хорижий компаниялардан биохимия лабораториялари учун кимёвий реактивлар ҳамда асбоб-ускуна сотиб олишни ва уларни ички бозорда бошқаларга сотишни мўлжалламоқда. «N» МЧЖнинг бунга ҳақи борми?**

Юридик шахсларнинг улгуржи савдо билан шуғулланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарори билан тасдиқланган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомда аниқ белгилаб берилган. Мазкур Низомга кўра, «N» МЧЖ Ўзбекистон худудида ёки ундан ташқарида рўйхатдан ўтган корхона-

**Қайта ишлашга берилган хом-ашё ва материаллар** — буюртма-чиғи тегишли хом-ашё ва материаллар бўлиб, буюртмачи уларни маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошқа шахсга саноат асосида қайта ишлашга беради ҳамда тузилган шартномага мувофиқ маҳсулот кейинчалик буюртмачига қайтарилади.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Солик Кодексининг 22-моддаси.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг 36-моддаси.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг 35-моддаси

лардан (чакана савдо корхоналари бундан мустасно) товарларни ўзига көрғанин (биз қандай миқдорда) сотиб олиши мумкин. Сотиб олиш тузилган шартнома асосида ти нақд пулсиз ҳисоб-китоб тартибида амалга оширилади.

## 12

**«N» МЧЖ ҚК импорт шартномаси асосида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом-ашёни импорт қилди. Импорт шартномаси нинг иштирокчилари — бир томондан «N» МЧЖ ва иккинчи томондан «N» МЧЖнинг хорижий таъсисчисидир. «N» МЧЖ таъсисчиларининг Умумий йигилишида сотиб олинган хом-ашё учун ҳақни (кредиторлик қарзи) импорт шартномаси иштирокчиси ва шу билан бирга лиқда корхонанинг хорижий таъсисчиси бўлган шахснинг корхона таъсис жамгармасидаги улушини ошириш орқали тўлаш керак, деган қарор қабул қилди. Мазкур қарор қанчалик тўгри? Қандай қилиб ушбу импорт шартномасини ваколатли банкдан ҳисобдан ўчириш мумкин?**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, томонлар ўртасидағи дастилбек (биринчи) мажбурият ўрнига янги (иккинчи) мажбурияти қабул қилиниши мумкин. Бу беринчи мажбуриятнинг (саводдаги мисол бўйича гапирганда: «N» МЧЖнинг кредиторлик қарзи) иккинчи мажбурият (хорижий таъсисчининг корхона устав жамгармасидаги улушини ошириш) билан алмаштириш тўғрисида томонлар ўртасида битим имзоланиши билан амалга оширилади. Шунда биринчи мажбурият ўз кучини йўқотади.

«Новация» деб аталадиган бундай келишув алоҳида шартнома тузиш орқали таъсис майлаштирилади. Мазкур шартнома мустақил юридик ҳужжат мақомига эга бўлади. Шартномада қўйидаги шартлар акс эттирилиши керак:

- ушбу битим кучга кирган вақтдан бошлаб хом-ашё учун ҳақ тўланши мажбуриятни ўз кучини йўқотади;
- мазкур хом-ашё учун тўланиши керак бўлган суммага эквивалент тартида таъсис жамгармасидаги улушини ошириш мажбуриятни кучга киради.

Новация битими имзолангандан кейин «N» МЧЖ ўзининг таъсис ҳужжатларини таъсис ҳужжатларни ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритиши керак. Бу иш Умумий йигилишини қарори орқали амалга оширилади. Таъсис ҳужжатларига киритилган қўшимчани ўзгартиришлар белгиланган тартибида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Имзоланган новация шартномаси томонларининг импорти шартномаси бундай мажбуриятлари бажарилган деб ҳисоблашга асос бўлади. Шунини учун «N» МЧЖга таъсис мажбуриятни қўрсатувчи ваколатли банк новация шартномаси асосида импорти шартномаси ни ҳисобдан ўчириши керак.<sup>2</sup> Ваколатли банк «N» МЧЖнинг таъсис ҳужжатларини таъсис мажбуриятни ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганини таъдиълайди далолатномани талаб қилишга ҳақли.

1 Ўзбекистон Республикаси Фуқароник Кодексининг ЗА/ моддаси.

2 Ўзбекистон Республикаси Административни томонидан 2005 йил 4 октябрда таъдиълайди. Олинган «Импорт шартномаларини ҳисобга кўшиш ба унъир учун тупрони «узаши» сўзидан

## КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

**73**

**Чет эл инвестиция иштирокида тузилган «N» ОАЖНИНГ ТАЪСИС ҳужжатларида акцияларнинг номинал қиймати АҚШ долларида кўрсатилган. Айни вақтда ОАЖ ўз таъсис жамғармаси қонунчиликда ўрнатилган талабларга қанчалик жавоб беришини аниқлаши керак. ОАЖнинг устав жамғармаси қанча бўлиши керак? Акцияларнинг миллий валютадаги номинал қийматичи?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, очиқ ва ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари устав жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича (жамият давлат рўйхатидан ўтказилган кундаги курс) 400 минг АҚШ долларига тенг бўлиши керак.<sup>1</sup>

Таъсис хужжатлари ишлаб чиқилаётганда ва улар давлат рўйхатидан ўтказилаётганда қонунчиликда жамғармаси миқдори эркин конвертациядаги валютада кўрсатилади. Жамият иш бошлагандан кейин эса, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказишда акцияларнинг номинал қиймати миллий валютада кўрсатилиши керак. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунига кўра, қимматли қоғозларнинг қиймати Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифода этилиши лозим.<sup>2</sup> Акцияларнинг номинал қиймати 100 сўмдан кам бўлиши мумкин эмас.<sup>3</sup>

**74**

**«N» ОАЖ акциядорларининг навбатдаги Умумий йигилишида қатор ташкилий масалалар, хусусан жамиятни МЧЖга айлантириш масаласи муҳокама этилиши кўзда тутилган. Қонунчиликка ва «N» ОАЖнинг уставига кўра, жамиятни қайта тузиш (мақомини ўзгартириш) масаласини ҳал қилиш борасида овоз беришда имтиёзли акция эгалари ҳам қатнашиши мумкин. Жамиятни қайта ташкил этиш бўйича имтиёзли акция эгалари ҳам овоз беришга ҳақли бўлса, у ҳолда акциядорлар Умумий йигилишининг кворум (кўпчилик фикри) асосида гуолосасини қандай аниқлаш мумкин?**

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

2 Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддаси.

3 Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 25-моддаси.

Акциядорлик жамиятларига оид қонувишниң ғана, акциядорликки хил булади: оддий акция имтиёзли акция. Оддий акция ташкил агентида оид қонувишниң умумий йиги ишнинде тарапладиган барча масалалар буйича овоз беришда қатташиш ҳукуқига ега. Имтиёзли акция өгалари эса түрдиң түгри уларга тааллуқли бўлган масалалар, хусусан жамиятни қайта ташкил этиш масаласида овоз бериш ҳукуқига ега. Оддатда ҳар битта акция (оддий ёки имтиёзли) унинг эгасига битта овоз ҳукуқин беради (агар акция ташкил овоз бериш ҳукуқига ега бўлса). Агар имтиёзли акция унинг эгасига битта овоз бериш ҳукуқига ега акция ташкил саналганда алоҳида ҳисобланади.

**Оддий акциялар** овоз берувчи булиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорлик унинг умумий йигилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳукуқини беради.

Акция өгаларига дивидендларни, шунингдек, жамият тутатилганда акцияларга кушишни маблағларни биринчи навбатда олиш ҳукуқини берадиган акциялар **имтиёзли акциялардир**. Имтиёзли акциялар уз эгаларига жамият фойда куриш-кўрмаслигидан туради, назар, муайян дивидендлар олиш ҳукуқини беради.

Манба: Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларини ҳукуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларини ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддаси, б-қисмига кўра, жамиятни қайта ташкил этиш масаласи юзасидан қарор қабул қилиниши учун акциядорларнинг  $\frac{3}{4}$  қисми овози керак.

Саволда назарда тутилган ҳолатда, имтиёзли акциялар уларнинг эгаларига генетика овоз ҳукуқини бериши масаланинг ечимига катта таъсир кўрсатади. Куйидаги 2-сонли жадвалда келтирилган мисол буни янам кенгроқ изоҳлайди:

## 2-сонли Жадвал. Акциялар бўйича овозлар тақсимоти механизми (мисол тариқасида)

	Оддий акциялар бўйича овозлар сони ва уларнинг умумий овозга нисбатан фоиздаги нисбати	Имтиёзли акциялар бўйича овозлар сони ва уларнинг умумий овозга нисбатан фоиздаги нисбати	Ҳар битта акция учун унинг эгасига 2 та овоз берувчи имтиёзли акциялар сони (10 та) ва уларнинг умумий овозларни нисбатан фоиздаги нисбати
Оддий масалалар бўйича овоз берилганда	1000	100%	—
Жамиятни қайта ташкил этиш бўйича овоз берилганда	1000	90%	80

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, имтиёзли акциялар бўйича овозларни тирикосиз ҳам оддий акциялар бўйича овозларнинг ўзи акциядорларга умумий овозларни кворуми (3/1 овози) учун етариши бўлиши мумкин. Негаки, амалдин тартифлари оид



ёлларига кўра,<sup>1</sup> имтиёзли акцияларнинг қиймати жамият таъсис жамғармасининг 20 фоизидан ошмаслиги керак (агар имтиёзли акция кўпроқ қучга ва 2 ёки ундан кўп овозга эга бўлмаса).

# 75

**«N» ОАЖ акциядорларининг Умумий йигилишида жамиятнинг мулкчилик шаклини МЧЖга ўзгартиришга қарор қилинди. Қарор қабул қилинаётганда қарши овоз берган акциядорлар ҳам бўлди.** Шу муносабат билан қарши овоз берган акциядорлар ўз акцияларини жамият томонидан сотиб олиниши учун ариза беришлари мумкинлиги ҳақида қарор қабул қилинди. Ариза беришнинг охирги кунида эса корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш юзасидан қарор қабул қилинганда ижобий овоз берган 12 фоиз акцияга эга бўлган акциядор ўз акциясини жамият томонидан қайтиб сотиб олинишини талаб қилди. **Жамият унинг акциясини қайтиб сотиб олишга мажбурми?**

Йўқ, мажбур эмас. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, акция эгаси акциядорлик жамияти қайта ташкил этилиши муносабати ўз акцияларининг жамият томонидан тўлалигича ёки қисман қайтиб сотиб олинишини қуидаги ҳолларда талаб қилиши мумкин:<sup>2</sup>

- Агар акциядор жамиятни қайта ташкил этишга қарши овоз берган бўлса;
- Агар акциядор жамиятни қайта ташкил этиш масаласи юзасидан овоз бериш жараёнида узрли сабабга кўра қатнашмаган бўлса.

# 76

**«N» ЁАЖ акциядорларининг умумий йиллик мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жамиятни МЧЖга айлантириш масаласи кўриб чиқилди. Мажлисда 25 акциядордан 17 нафари қатнашди. Мазкур 17 нафар акциядор жамиятнинг 90 фоиздан ошиқ акциясига эгалик қиласди. 17 акциядорнинг ҳаммаси жамиятни МЧЖга айлантириш учун овоз берди. Жамиятнинг 8 акциядори номаълум сабабларга кўра акциядорларнинг Умумий йигилишида ва овоз беришда қатнашмади. Акциядорлар Умумий йигилишидан кейин эса улар МЧЖнинг таъсисчиси бўлиш истагини билдиришди. Бунга уларнинг ҳаққи борми?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, жамият қайта тузилганинда қайта ташкил этилган жамиятнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтказиш далолатномасига мувофиқ янги вужудга келган юридик шахсга ўтади.<sup>3</sup> Овоз беришда қатнашмаган 8 акциядор «N» ЁАЖ нинг устав жамғармасида ўз улушларига эга эди. Жамият МЧЖга айлангандан кейин уларнинг улушлари янги МЧЖ устав жамғармасига ўтади. Демак, улар ўзи-ўзидан янги МЧЖнинг таъсисчиси саналади.

1 Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тугриксидаги Конунининг 19-моддаси.

2 Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тугриксидаги Конунининг 44-моддаси.

3 Ўзбекистон Республикаси «Ликвидаторлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тугриксидаги Конунининг 100-моддаси и 4-киги ми.

**77**

**«N» ОАЖning Умумий йигилишида жамиятни МЧЖга айлантириш түгристіңде қарор қабул қилинди. Қонунда белгиланған тартибга мувофиқ «N» ОАЖ акциядорларға мурожаат этиб, улар ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтиб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига ега эканини, шунингдек мазкур акцияларнинг нарихи ва сотиб олиш тартиблари ҳақида маълум қилди. Ўз навбатида акциядорлар ҳам акцияларнинг сотиб олиниши бўйича тегишли аризаларини жамиятта топширишди. Аммо, жамият томонидан қайтиб сотиб олиниши талаб қилинган акцияларнинг умумий суммаси жамиятнинг соғ антитири туридан 10 фоизга ошиб кетди. Бундай ҳолда «N» ОАЖ акциядорларнинг акциясини сотиб олишга ҳақлими?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, «N» ОАЖ томонидан акцияларни сотиб олиш Умумий йигилиш ўтказилиши түгристедеги хабарломада кўрсатиб ўтилган нарх асосида амалга оширилади.<sup>1</sup> «N» ОАЖ акцияларни қайтиб сотиб олиш түгристіңде қарор қабул қилган вақтда мазкур акцияларни сотиб олишига йўналтирилаётган маблағ жамиятнинг тоза активи суммасидан 10 фоизга ошиб кел маслиги керак. Агар сотиб олиниши талаб қилинган акциялар сони «N» ОАЖ сотиб олиши мумкин бўлган акциялар сонидан ошиб кетса, акциялар ҳар битта акцийдордан пропорционал миқдорда сотиб олинади.

**78**

**«N» ОАЖning имтиёзли акциялари умумий жойлаштирилган акцияларнинг 5 фоизини ташкил қиласди. Жамиятнинг 2009 моявий йил якуни бўйича даромади фақат оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлашга етади. «N» ОАЖ акциядорларининг умумий йигилишида имтиёзли акция эгаларига дивиденд тўламаслик түгристеде қарор қабул қилинди. Бу қарор билан имтиёзли акция эгаларининг ҳақ ҳуқуқлари бузилаяптими?**

Албатта бузилаяпти. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, дивидендлар биринчи навбатда имтиёзли акциялар, ундан кейин оддий акциялар бўйича тўланади.<sup>2</sup> Имтиёзли акциялар учун белгиланған дивидендуларни тўлаш учун маблағ мавжуд бўлган ҳолатда жамият уларни тўламасликка ҳаққи йўқ. Агар жамият дивидендларни тўламаса имтиёзли акция эгаларига ўз дивидендуларни судоркани талаб қилиши мумкин. Жамият молиявий йилни етарлича бўлмаган даромад скриптор билан якунлаган ҳолларда имтиёзли акциялар учун дивидендуларни тўлан «Н» ОАЖ нинг резерв жамғармаси ҳисобидан ва резерв суммаси доирасидаги тўланиш мумкин.

Ўз навбатида, акциядорларнинг Умумий йигилиши жамият установида дипломатик миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган индексидаги дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.<sup>3</sup>

1 Ўзбекистон Республикаси «Ақцийдорлик жамиятлари ва акциядорларини ҳуқуқларини олиш сабаки түгристеди жонунинг 44-ва 45-маддалари.

2 Ўзбекистон Республикаси «Ақцийдорлик жамиятлари ва акциядорларини ҳуқуқларини олиш сабаки түгристеди жонунинг 44-ва 45-маддалари.

3 Ўзбекистон Республикаси «Ақцийдорлик жамиятлари ва акциядорларини ҳуқуқларини олиш сабаки түгристеди жонунинг 44-ва 45-маддалари.

«N» ЁАЖда 30 нафар акциядор бор. Жамиятнинг овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларининг 76,4 фоизи 11 нафар акциядорга тегишили. «N» ЁАЖ акциядорларининг йиллик Умумий йигилишида акциялар бўйича дивиденд тўламаслик, ўтган молиявий йил якуни бўйича тушган даромадни ишлаб чиқаришни техник модернизациялаш учун йўналтиришга қарор қилинди. Аммо умумий ҳисобда жамият акцияларининг 14,6 фоизига эгалик қилувчи 19 нафар акциядор бу қарорга қарши. Мазкур акциядорлар амалдаги қонунчилик доирасида қандай чоралар қўллаши мумкин?

Оралиқ (чорак, ярим йил) дивидендерни тўлаш, ҳар бир турдаги акция учун дивидендернинг суммаси ва тўлов шаклини белгилаш тўғрисидаги қарорлар «N» ЁАЖнинг Кузатув кенгаши томонидан амалдаги қонунчиликдан келиб чиқсан ҳолда қабул қилинади.<sup>1</sup>

Йиллик дивидендерни тўлаш, ҳар бир турдаги акция учун дивидендернинг суммаси ва тўлов шаклини белгилаш тўғрисидаги қарор «N» ЁАЖ акциядорлари умумий йигилиши томонидан жамиятнинг Кузатув кенгаши тавсияси асосида қабул қилинади. Қарор умумий йигилишда иштирок этаётган овоз берувчи акция эгалари бўлмиш акционерларнинг кўпчилик овози асосида қабул қилинади.<sup>2</sup>

«N» ЁАЖ акциядорлари Умумий йигилиши айрим турдаги акциялар бўйича дивидендерни тўламаслик, шунингдек, дивиденд миқдори уставда белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендер тўлаш ҳақида қарор қабули қилишга ҳақли.

Умумий йигилишда узрли сабабга қўра қатнашмаган ёки мазкур қарорга қарши овоз берган акциядор умумий йигилиш қарори бўйича судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

**Стратегик корхона ҳисобланган «N» ОАЖ акцияларини чет эл инвесторларга сотиш жараёнида мазкур жамиятга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарори асосида «олтин акция» жорий этилди. «Олтин акция» — айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг маҳсус ҳуқуқидир. Айни вақтда мазкур ОАЖ акциядорларнинг йиллик Умумий йигилишини ўtkазишга тайёргарчилик кўрмоқда. «Олтин акция» жорий этилган жамиятларда акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини ўтказишда қандайдир алоҳида жиҳатлар мавжудми?**

«Олтин акция» — айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг маҳсус ҳуқуқи бўлиб, у стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат корхоналари хусусийлаштираётганда ёки акциядорлик жамиятларининг давлат акция пакетлари хусусий мулк этиб реализация қилинаётганда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорига асосан жорий қилинади ва мамлакатнинг иқтисодий манбаатлари ҳимоя

1. Ўзбекистон Республикаси «Акциондорлик жамиятлари ва акциядорлариниң ҳуқуқлариниң ҳимояни қилинти туғрисидаги Конвенцияни» 55 мөндиси.

2. Ўзбекистон Республикаси «Акциондорлик жамиятлари ва акциядорлариниң ҳуқуқлариниң ҳимояни қилинти туғрисидаги Конвенцияни» 66 мөндиси.

Олтининин таъминлайди. «Олтин акция» ғимматта эга эмас, бошқа шахстар берилбайди ҳамда гаровга қўйилмаиди, устав фондида миқдорини бенгилашда ва дивиденди парни ҳисобланашда инубанга олинмаиди. «Олтин акция» устав фондида давлат угуши бўлмаган ёки бу улуши 25 фойздан ошмайдиган акциядорлик жамиятларида жоғин этилиши мумкин.

«Олтин акция» акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши таркибига давлат вакилини тайинлаш орқали амалга оширилади. Давлат вакили акциядорлик жамият и акционерларининг Умумий йигилишида ва Кузатув кенгаши йигилишларида мажбурий тартибда иштирок этади. Давлат вакили мазкур мажлис ва йигилишларда куйидаги масалалар бўйича қарорлар қабул қилиганда вето қўйиш ҳуқуқига эга:

- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини белгилаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш бўлангачи парни тасдиқлаш;
- Кузатув кенгаши аъзоларининг сонини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатини белгиланган муддатдан олдин тугатиш;
- Жамиятнинг устав жамғармасини камайтириш;
- Жамият томонидан жамиятнинг акцияларини сотиб олиш;
- Конунчиликдан назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш;
- Акцияларнинг номинал таннархини ошириш, эълон қилинган акциялар сони ва туридан келиб чиқсан ҳолда янги акциялар жойлаштириш орқали жамият устав жамғармаси ҳажмини кўпайтириш (агар жамиятнинг низоми ёки акциядорлар Умумий йигилиши қарори билан Кузатув кенгашига шундай ҳуқуқ берилган бўлса),
- Жамиятнинг шўъба корхонаси ёки жамиятга бўйсунадиган корхоналарини ташкил этиш;
- Конунчиликда кўзда тутилган ҳолларда, жамият учун мулк олиш ёки унинг мулкини бошқаларга бериш билан боғлиқ йирик келишувларни тузиш;
- Конунчиликда кўзда тутилган ҳолларда, жамият манфаатдор бўлган келишувларни тузиш.

Вето қўйиш юкорида қайд этилган масалалар бўйича қарор қабул қилинган кунда ёзма равища расмийлаштирилади.<sup>1</sup>

**81 «N» ОАЖ 2009 йилнинг 4 май куни акциядорларнинг Умумий йигилишини ўтказди. Мажлис ўтказилиши ҳақидаги ёзма хабар нома акциядорларга 2009 йил 26 апрел куни, йигилишдан б кун илгари жўнатилди. Натижада айрим акциядорлар хабарномани йигилиш ўтиб кетгандан кейин олишди ва шу сабабли йигилишда иштирок этиш мади. Бу ҳолатда «N» ОАЖ томонидан қонун бузилғани? «N» ОЛЖ Умумий йигилишдан неча кун олдин акциядорларга хабар бериши керли ҳади?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, акциядорларга Умумий йигилиш ўтказилиши тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинади «ўмуде ташмайт акциядорлари реестри асосида акциядорларга ва давлат вакилини олди».

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июндан №Ф-389/сонин «Н» стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чукуръиятидан олди» тозора-тадбирлар тўғрисидаги Файромони.

жұнытиллады. Реестр Умумий үйғилиш үтказиш учун расман белгиланған кундан 30 кун олдин тузилади.

Акциядорларнинг Умумий үйғилиши үтказилиши ҳақидаги хабар ОАЖ акциядорларига ва давлат вакилига мажлис үтказилишидан 10 кун олдин ёзма равища жүннатилади.<sup>1</sup> Мазкур талабларга риоя қылмаслик қонунчилікни бузиш саналади ва судга шикоят қилиш учун асос бўлади.

## 82

**«N» ОАЖ акциядорлар реестрида 140 акциядор (жисмоний шахс) рўйхатдан үтказилган. Жамият томонидан үтказилган текширув-таҳомил шуни кўрсатдики, айрим акциядорлар билан доимий алоқа йўқолган: уларнинг манзиллари ўзгариб кетган, акциядорларнинг Умумий үйғилишларида ҳатнашмайди, дивиденд олишмайди (2007 йил 20 та, 2008 йилда эса 27 та акциядор дивиденд олиш учун келмади).**

Амалдаги қонунчилик талабларига биноан «N» ОАЖ мазкур акциядорлар билан алоқани тиклаш учун барча чора-тадбирларни кўрди. Аммо, айрим акциядорлар бошқа жойга кўчиб кетган ва янги манзилини ҳеч ким билмайди, яна бир қисми бошҳа мамлакатларга доимий яшашга кетган, айримлари ҳаётдан кўз юмган ва акцияни ҳеч кимга мерос қолдирмаган, қолдирган бўлса ҳам меросхўрлар акцияга эгалик ҳуқуқидан фойдаланишини бошламаган. Бундай ҳолатларда, жамият билан алоқани батамом узган акциядорларни реестрдан чиқариб ташлаш учун «N» ОАЖ нима қилиши керак бўлади?

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида акциядорларни реестрдан чиқариб ташлаш кўзда тутилмаган. Мавжуд қонунчилик моҳиятидан шундай талқин келиб чиқадики, акциядор жамиятни бошқаришда иштирок этишга ҳақли, аммо мажбур эмас.<sup>2</sup>

Акциядор ёки унинг қонуний эгаси ёки меросхўри томонидан белгиланған муддатларда талаб қилинмаган дивиденд акциядорларнинг Умумий үйғилиши қарори асосида жамият ихтиёрига үтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг 2005 йил 31 марта бўлиб үтган Кўшма Пленумида қабул қилинган 02/124-сонли қарорида<sup>3</sup> шундай дейилган: Судлар Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида қўйида санаб үтилган сабаблар асосида акциядорни мажбурий равиша реестрдан чиқариш мумкин эмаслигига эътибор қаратиш керак:

- Акциядор жамият олдиаги ўз мажбуриятини бузгани учун;
- Акциядорлар үйғилишида қатнашмаслик ёки қатнашишдан бош тортгани учун;
- Жамият билан узоқ вақт мобайнида алоқада бўлмагани учун ва ҳ.к.

Мазкур сабаблар асосида акциядорни реестрдан чиқариш тўғрисида ариза (шикоят) тушганда суд органлари уларни қониқтиришни рад этиши керак.

1 Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонулининг 69-мөуддаси.

2 Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонулининг 27-мөуддаси 1-қисми 6-хат бошиси.

3 Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг 2005 йил 31 марта бўлиб 02/124-сонли қарори 19-бапти.

**83**

**«Н» ЁАЖни қайта тузиш масаласи юзасидан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари бўлиб ўтадиган мажлиси ҳақидаги хабарда мажлис бўлиб ўтадиган вақт нотўғри кўрсатилган. Шу туфайли бир неча акциядорлар мажлисда ҳам ва табиийки жамиятни қайта ташкил этиш юзасидан ўтказилган овоз бериш жараёнида ҳам қатнаша олмади. Мазкур акциядорлар ўз ҳуқуқлари бузилгани ҳақида судга шикоят билан мурожаат қилимоқчи. Акциядорларни мажлис ҳақидп хабардор қилиш талаби бузилганини (уларга нотўғри ахборот етказилгани) асос қилган ҳолда суд мазкур мажлисда қабул қилинган қарорларни бекор қилиши мумкинми?**

Ҳа, мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг 2005 йил 31 марта бўлиб ўтган Қўшма Пленумида қабул қилинган 02/124-сонли қарорига гура, акциядорлар Умумий йиғилишида қабул қилинган қарорларни бекор қилини учун Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларниң ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги Қонунда белгиланган қуйидаги қонунбузарликлар асос бўлиб хизмат қиласди:

- Умумий йиғилиш ўтказиладиган кун, вақт ва жой ҳақида акциядорга нотўғри ахборот бериш ёки умуман бермаслик (Қонуннинг 69-моддаси 4-қисми);
- акциядорга Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар буйинчай корали ахборот (материаллар) билан танишиш имкониятини бермаслик (Қонуннинг 69-моддаси, 4, 5 ва 6-қисмлари);
- акциядорларнинг Умумий йиғилишда иштирок этиш тартибининг бу зилни (Қонуннинг 74-моддаси);
- акциядорга овоз бериш бюллетенини бермаслик (Қонуннинг 77 ва 78-моддаси) ва бошқалар.

Қайд этиш жоизки, акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорларини қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги Қонунининг 66-моддаси ва акциядорларни жойлашти Устав асосида белгиланади. Агар Устав Қонун талабларига мувофиқлантирилмаган бўлса, у ҳолда Уставнинг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги Қонунга зид бўлмаган қисмларигина қўйиннилади.

## МАҲСУЛОТ ОЛДИ-СОТДИСИ, ИСТЕММОЛЧИЛАР ҚУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

**84**

**«N» фермер хўжалигига йилига ўртacha 10–15 тонна минерал ўғит керак. Фермер хўжалиги ўзига керакли ўғитни тўғридан-тўғри**

**Республика товар хом-ашё биржасида сотиб олса бўладими? Агар мумкин бўлса, фермер хўжаликлари биржада қатнашиш ва товар сотиб олиши учун қандай шарт ва талаблар ўрнатилган?**

Белгиланган тартибга кўра, қуидагилар Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси (РТХБ)<sup>1</sup> савдоларида минерал ўғит сотиб олиши мумкин:

- Ширкатлар, фермер ва дехқон хўжаликлари, шунингдек, минерал ўғитлар сотиш (маҳаллий корхоналарга) билан шуғулланадиган маҳсус улгуржи савдо корхоналари. Минерал ўғитлар стратегик турдаги моддий-техник ресурслар рўйхатига киради ва шу боисдан минерал ўғитларни реализация қилиш учун маҳсус тартиб ўрнатилган.<sup>2</sup> Мазкур тартибга кўра минерал ўғитларни сотиш қуидаги мақсадларга амалга оширилиши мумкин:
- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг балансларда назарда тутилган ҳажмларда давлат эҳтиёjlари учун шартнома мажбуриятларини бажариши учун «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари орқали;<sup>3</sup>
- давлат эҳтиёjlари учун шартнома мажбуриятлари билан қамраб олинмаган маҳсулотлар етишириш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари орқали бевосита биржада савдоларида биржа нархлари бўйича ва минерал ўғитларни биржа савдоларида сотиб олувчи ихтисослаштирилган улгуржи корхоналарга ҳақи 100% олдиндан гўланган ҳолда сотилади.

Биржада минерал ўғитларнинг сотувчиси уларни ишлаб чиқарувчи заводларди. Харидорлар эса «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятиning худудий

1 «РТХБ» — «Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси».

2 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли «Маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқориликвиди турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишини давом эттириш түргисида»ги қарори.

3 «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари «Ўзқимёсаноат» ДАК таркибида киради. Улар узларининг туманилардо ва туман филиаллари орқали ҳудуд бўйича ҳақиқий талабни урганади, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга (истеммолчиларга) минерал ўғитлар, шунингдек, ўсимликларни ҳимоя қилини учун муъжизлаган кимёвий воситаларнинг аниқ турларини етказиб бериш бўйича аризалар қабул қилини ва шартномаларга тузади; «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг аризалари асосида ҳар йили минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиниш кимёвий иситалрга көнгисидаги эҳтиёjlар қандай бўлиниши урганини аризалари ва бу ахборотни «Ўзқимёсаноат» ДАКга тақдим ғадди. Уз нийбатидда «Ўзқимёсаноат» ДАК мазкур ахборот асосида мавмабатлари ишлаб чиқарувчиларнига минерал ўғитларни ўсимликларни ҳимоя

бўлинмалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи барча турдаги хўжаликлар ҳамда маҳаллий хўжаликларга минерал ўғит сотиш билан шугулланувчи маҳсус ултурси савдо корхоналаридир.

Минерал ўғитларни биржа савдосига қўйганда улар учун бошлангич нариз бошқариладиган нарх даражасида белгиланади.

Минерал ўғит сотиб олиш масаласида фермер хўжаликлари «Қишлоқхўжаликкомпания» акциядорлик жамиятининг ҳудудий бўлинмалари ёки маҳаллий хўжаликлари аниқлар ўғит сотиш билан шугулланувчи маҳсус ултуржки савдо корхоналарига муарожаёт қылгани мақсадга мувофиқ.

**85 «N» фермер хўжалиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан, картошка, пиёз, карам, помидор ва қорамол гўшти етишириш билан шугулланади. 2009 йилда картошка ва пиёздан жуда мўл ҳосил олинди. Фермер хўжалиги етиширилган картошкага ва пиёзнинг бир қисмини бозорда сотди, қолган қисмини эса биржга орқали сотишни мўлжалламоқда. Кичик бизнес субъектлари томонидан етиширилган маҳсулотларни Республика товар хом-ашё биржаси (РТХБ) орқали сотиш тартиблари қандай? Фермер ёки дехқон хўжалиги 10-15 тонна картошка ёки пиёзни биржа савдоси орқали сотса бўладими?**

РТХБда ўрнатилган тартибга кўра, тадбиркорликнинг бошқа субъектлари билан бир қаторда фермер ва дехқон хўжаликлари барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (шу жумладан картошка ва пиёз) исталган ҳажмда (микдорда) [www.uzbex.com](http://www.uzbex.com) электрон савдо тизими орқали ички бозор учун сотувга кўйиши мумкин.

Фермер хўжалиги 10 тонна картошка ёки пиёзни сотиш учун мазкур маҳсулотни [Uzbex.com](http://Uzbex.com) сайтига кўйиши керак ва бунинг учун зарур барча рўйхатдан ўтказиш жараёнларини (сайтда регистрация қилиш) фермер хўжалигини ўзи амалга ошириши лозим. Муқобил тарзда эса, фермер хўжалиги бу ишни РТХБ савдо майдонининг брокерига топшириши мумкин. Агар фермер хўжалиги брокердан фидеаланадиган бўлса, у ҳолда брокер маҳсулотни (мазкур ҳолатда қартошка ва пиёзи) суратга олади ва РТХБ савдо тизимининг фотолистингига (суратлар салнифаси) жойлаштиради. Шунингдек, брокер мазкур тизими маҳсулот сотилишини синдирилон жойлаштиради. Эълонда маҳсулот нархи курсатилиши керак. Маҳсулот нархи фермер хўжалигини қониктирадиган микдорди белгиланади.

Электрон тизимига кўйилган товарни сониялар ичida 100 миндан ошага тарздорлар куради. Унаннинг аксарияти товарни сотиб олиш учун 1 сонг давоми олади.

**Uzbex.com савдо тизими** – кечуюн кундуз узлуксиз равишда барча ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар учун on-line режимида олди сотди келишунларини амалга ошириш учун имкон беради. Мазкур тизим фойдаланувчиси Узбекистоннинг исталган жойидан (ранон, шахар, посёлка) туриб олди сотди қилиши мумкин.

Uzbex.com товарларни жойлантириши бу товаринизни бир вақтнинг ўзида куриш ва унга баҳо таклиф этиш имкониятига эга 4 минги сотунивчиси та 100 минг мижози бўлган 300га дугона жойлаштириш дегани.

Андан соёнга Узбекистоннинг тарздорларини куради. Унаннинг аксарияти товарни сотиб олиш учун 1 сонг давоми олади.

таклиф қилинган нархдан баландроқ нархдаги таклифлар иншарн сурғымаса дүкцион 1 соат давом этади. Агар баландроқ нарх таклиф этилса, аукцион яна бир соатта чўзилади. Ҳар гал олдингисидан баландроқ нарх таклиф этилганда, аукцион бир соатта узайтирилаверади. Бу жараён барча таклиф этилган нархлардан баланд энг юқори нарх (бозор тили билан айтганда «бошқа нархларни синдирувчи нарх») ўрнатилгунга қадар давом этади.

Агар товар узоқ муддатли аукционга қўйилса, у ҳолда мазкур муддат (узоқ аукцион) давомида товар учун турли таклифлар тушаверади. Сотувчи эса аукцион учун белгиланган муддат охирида ўз маҳсулотини таклиф этилган энг максимал нархда сотади.

Лекин фермер хўжалиги товар учун пулни товар сотилиши билан ололмайди. Пулни товар харидорга етказиб берилгандан кейингина олиш мумкин.

Мазкур тизимнинг ўзига хослиги шундаки, бунда РТХБ товар учун тўлов амалга оширилишига ва товар харидорга етказиб берилишига юз фоиз кафолат беради.

**РТХБ** — Республика товар хом-ашё биржаси миллий ва ҳалқаро компанияларга республикада ишлаб чиқарилаётган қора ва рангли металллар, нефт маҳсулотлари, пахта толаси ва паҳтани қайта ишлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, қанд-шакар, ун, буғдой ва шу каби кўплаб юқори ликвидли товар активларига эга бўлиш учун бирдек имконият яратади. РТХБ Тошкент шаҳрида жойлашган. Унинг таркибига барча вилоятлар марказлари-даги 12ta филиал киради. Айни вақтда 1200 нафар брокер биржанинг аъзоси саналади.

РТХБ биржа савдоларининг ягона электрон тизимига уланган олис масофадаги савдо майдончаларига (савдо жойларига) эга. Савдо майдончаларининг Ягона электрон тизимга улагани мазкур майдончаларда ишлайдиган брокерларга савдога қўйилаётган маҳсулотнинг параметрлари ҳақида листинг аҳборотини тезкор тарзда олиш билан бир қаторда савдоларда иштирок этиш имкониятини ҳам беради. Айни вақтда республиканинг кўплаб туманлар марказларида 72ta олис масофадаги савдо майдончалари ташкил этилган. Бундан ташқари олис масофадаги савдо майдончалари МДҲ, Европа ва Осёning қатор мамлакатларида ҳам очилган.

Ички ва экспорт-импорт шартномалари бўйича олди-сотди келишувлари биржада аккредитация қилинган брокерлар орқали амалга оширилади. РТХБдаги олди-сотди келишувлари «Етказиб берилгандан кейинги тўлов» формуласи асосида амалга оширилади. Бунда СПОТ ва ФОРВАРД шартномалари савдо қилинади. Биржада фаолият кўрсатадиган институт — Ҳисоб-клиринг палатаси (ҲКП) олди-сотди келишуви иштирокчилари ўз зиммаларига олган мажбуриятларни сўзсиз ижро этишларини кафолатлаш имконини яратади. РТХБ «Етказиб берилгандан кейинги тўлов» режимида амалга оширилишини инобатга олган ҳолда, ҲКП тўловнинг аккредитив шаклидан фойдаланади. Биржадаги олди-сотди келишувлари бўйича ҳисоб-китоб тўловлар келишувнинг иштирокчи томонлари ўртасида бевосита эмас, балки ҲКП орқали амалга оширилади. ҲКП товарнинг сифати, мавжудлиги ва жўнатишга тайёрлиги тўғрисида кафолат олгандан сўнггина тўловни амалга оширади.

Бундан ташқари биржа қоидаларига кўра, олди-сотди келишуви иштирокчилари келишувдан мўлжалланган сумманинг 2 фоизгача бўлган миқдорда аванс тўловларини ҲКПда маҳсус очилган ҳисоб рақамларига пул кўчириш орқали ўтказиши керак. Агар иштирокчи томонларнинг бири амалга оширилган биржа келишуви бўйича ўз мажбуриятларини бузса, мазкур ҳисоб рақамидаги пуллар жарима санкцияларини бажариш сифатида ҲКП томонидан акцептсиз тартибда бир томоннинг ҳисоб рақамидан иккинчи томоннинг ҳисоб рақамига ўтказилиши мумкин.

**Харидорлар озиқ онқат дұненидән маҳсулот харид қилишганды бир муаммога төз төз дүч көлишады: сотиб олинган маҳсулот айниган ёки уларнинг қандайлир камчилиги (дефекти) бўлиши мумкин. Баъзан эса харидор маҳсулот ҳақида, унинг яроқлилик муддати тўгрисида ахборот билан танишмоқчи бўлса, айрим товарларда бундай маълумот ёки умуман кўрсатилмаган ёки нотўри кўрсатилган бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва уни сотувчи харидорга маҳсулот ҳақида қандай ахборотларни етказиб беришга мажбур?**

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи сотаётган товар (иш, хизмат) ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт. Товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

- товар (иш, хизмат) мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган нормативи хужжатнинг номи;
- товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан, ўзига коса, хусусиятлари рўйхати;
- баҳоси (тарифи) ва сотиб олиш шартлари;
- айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;
- ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари;
- товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;
- товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шунингдек бундай ишларни бажармаслини натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўгрисида и маълумотлар;
- ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олинва лицензия гувоҳномасининг номери;
- ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ҳамда улар истеъмолчидан давлат қўлишига ваколат берган, шунингдек, таъмиглашларини бажарадиган ва тознига вий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;
- товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари;
- сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўгрисида маълумот тақдим этилиши лозим.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай товар (иш, хизмат)нинг сотиши маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқарувчи органининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.<sup>1</sup>

Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганилиги:

- зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинганинига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказинган зағариятни қопланишини талаб қилишга ҳақлиидir;
- сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан кўзланган мақсадда фойдалана олмаси таъси сабаб бўлса, истеъмолчи тегишли маълумот оқилона қисқа (кўни билан учун кунинг муддатда берилишини талаб қилишга ҳақлиидir. Агар маълумот айтнишга тарбада берилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зағариятни қопланишини сабаб қилишга ҳақлиидir;

1 Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчилар ҳукукларини ҳимоя қилиш тўгрисида» оғизида 6-мойлдаси.

88

**«N» МЧЖ томонидан «study.uz» деб номланган CD ўқув қўлланмаси сотувга чиқарилди. Орадан бироз вақт ўтгач бошқа бир номаълум фирма ҳам худди шу ном билан ўқув қўлланмаси чиқарди. Бу қўлланма «N» МЧЖ томонидан чиқарилган CD сотувига салбий таъсир иурсатди. Товар номи (белгиси) бошқалар томонидан ноқонуний ҳолда ишлатилганда қайси органга мурожаат қилиш керак?**

Шапаб чиқарилаётган товар номи (белгиси)<sup>1</sup> бошқалар томонидан ноқонуний ишлатилишидан ҳимояланиш учун мазкур номга (белгига) патент олиш керак. Патент олиш учун Ўзбекистон Республикаси Патент идораси ёки патент вакилига ариза орқали мурожаат этиш керак. Товар номи ёки белгиси учун патент олингандан кейин, у Ўзбекистон Республикаси «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида»ги Қонунига кўра патент эгасининг мутлақ ҳукуки ҳимоясига ўтади. Патентланган ном ёки белги ноқонуний тарзда ишлатилса, бу масала суд орқали ҳал этилади. Бундан ташқари, агар номаълум фирма рақобатни чегаралаш мақсадида товар номи ёки белгисидан (мазкур ҳолатда «study.uz») атайлабдан фойдаланаётган бўлса, у ҳолда «N» МЧЖ Ўзбекистон Республикасининг монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига шикоят аризаси билан мурожаат қилиши мумкин. Шикоят аризасида қонунбузар фирманинг аниқ номи ва манзили кўрсатилиши керак.

### **ТОВАР БЕЛГИСИ УНИНГ ЭГАСИГА НИМА БЕРАДИ?**

Кўпчилик компаниялар ва тадбиркорлар брендни рўйхатдан ўтказиш қанчалик мухим эканини билса-да, бозорда рўйхатдан ўтмаган товар белгилар тез-тез учрайди. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш заруриятини тўла-тўқис англаб етиш учун унинг асосий афзалликларини санаб ўтамиш:

1. Товарга эгалик ҳукуки фақат сизда бўлади ва сиз товар белгисини бошқалар томонидан ишлатилишига йўл қўймаслик имкониятига эга бўласиз. Товар белгисига мутлақ ҳукуқ ҳақида гувоҳномани қўлга киритгандан сўнг, сизга тегишли бренд ва унга ўхшаш брендни ишлатаётган компанияларнинг ноқонуний ҳатти-ҳарақатлари туфайли сизга етган зиённи қоплашни талаб қилишингиз мумкин.

Товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш **товар белгисига доир мутлақ ҳукуқни бузиш** деб эътироф этилади.

Манба: Ўзбекистон Республикаси «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида»ги Қонунининг 26-моддаси.

1 «Белги» — шахснинг тақдим этиладиган товар ва хизматларини якка тартибда алоҳија ишлабтириш.

түтилгандын, сотувчи) оңдига көзүп хүжкөтпөриди наңыра

тутилган талабларни қўйишга ҳақиқидир.

Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) ҳақида иштеги ёки етарли даражада тұлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарапни қоплаши тўғрисидаги талаблари со тиб олинган товар (иш, хизмат)нинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи маҳсус билимга эга эмас деган тахминга асосланиб қараб чиқилади.

Иштеги реклама оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчи гана етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиси лозим.

## 87

### **Дўконда қўйидагича эълон осиб қўйилган: «Сотиб олинган маҳсулотлар қайтариб олинмайди ёки алмаштирилмайди». Бундай талаб қонунга зид эмасми? Қандай маҳсулотларни қайtариш мумкин эмас?**

Сотиб олинган маҳсулотлар қайтариб олинмайди ёки алмаштирилмайди, деган талаб қонунга зид. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига кўра, қайтариладиган маҳсулотларни шартли равишда икки тоифага ажратиш мумкин: нуқсонли маҳсулотлар ва нуқсонсиз маҳсулотлар. Барча нуқсонли маҳсулотларни белгиланган муддат ичida уларни сотган сotuvchiga қайtariш мумкин.<sup>1</sup> Сotuvchi deganда дўкон ёки бозордаги, ёки бошқа савдо муассасасининг sotuvchisi назарда тутиляпти.

Аммо, нуқсонсиз маҳсулотларнинг ҳаммасини ҳам қайtariб бўлмайди (23-сонли иловада бундай маҳсулотларнинг rўйхати келтирилган). Харидор нуқсонсиз маҳсулотни қўйидаги ҳолатда алмаштириши ёки қайtariши мумкин: agar маҳсулот ишлатилмаган бўлса, унинг товар кўриниши, истеъмол хусусиятлари, тамғаси (пломбаси), ёрлиги сақланган бўлса, шунингдек, товар кимдан сотиб олинганини тасдиқловчи далолатнома (квитанция, чек) бўлса.

Харидор нуқсонсиз ноозик-овқат товарини сотиб олган кундан бошлаб 10 кун ичida (agar sotuvchi томонидан бундан кўпроқ вақт айтилмаган бўлса) сотиб олинган жойда ёки sotuvchi томонидан белгиланган бошқа жойда худди шундай товарга (кatta-кичиклиги, шакли, габарити, кўриниши, ранги ёки комплектацияси фарқ қилиши мумкин) алмаштириши мумкин. Бир товарни бошқасига алмаштираётганда уларнинг нархи ўртасида фарқ керакли тарзда ҳисоб-китоб қилинади (масалан, янги олинаётган товар қайtariлаётган товардан қимматроқ бўлса, нарҳдаги фарқ харидор томонидан қопланади).

Агар sotuvchi алмаштириш учун керакли сифатдаги товарга эга бўлмаса, у ҳолда харидор sotuvchidan қайtariлаётган товарнинг пулини қоплаб беришини талаб қилиши мумкин.

Нуқсонсиз озиқ-овқат маҳсулотини уни сотиб олгандан кейин 24 соат ичida алмаштириш мумкин.

Товарни қайtariш ёки алмаштиришда истеъмолчи товарни айнан кимдан сотиб олганини исботлай олиши керак бўлади. Истеъмолчининг талабини кўриб чиқиша касса ёки товар чеки, кафолат муддати белгиланган товарлар учун эса зарур тар-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

**«N» МЧЖ томонидан «study.uz» деб номланган CD ўқув қўлланмаси сотовуга чиқарилди. Орадан бироз вақт ўтгач бошқа бир номи лум фирма ҳам худди шу ном билан ўқув қўлланмаси чиқарди. Бу қўлланма «N» МЧЖ томонидан чиқарилган CD сотовига салбий тълиси курсатди. Товар номи (белгиси) бошқалар томонидан ноқонуний ҳолд ишлатилганда қайси органга мурожаат қилиш керак?**

Ишлаб чиқарилаётган товар номи (белгиси)<sup>1</sup> бошқалар томонидан ноқонуний ишлатилишидан ҳимояланиш учун мазкур номга (белгига) патент олиш керак. Патент олиш учун Ўзбекистон Республикаси Патент идораси ёки патент вакилига ариза орқали мурожаат этиш керак. Товар номи ёки белгиси учун патент олингандан кейин, у Ўзбекистон Республикаси «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида»ги Қонунига кўра патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи ҳимоясига ўтади. Патентланган ном ёки белги ноқонуний тарзда ишлатилса, бу масала суд орқали ҳал этилади. Бундан ташқари, агар номаълум фирма рақобатни чегаралаш маъсдиди — вар номи ёки белгисидан (мазкур ҳолатда «study.uz») атайлабдан фойдаланишга бўлса, у холда «N» МЧЖ Ўзбекистон Республикасининг монополияидан чиқарнишга рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларини шикоят аризаси билан мурожаат қилиши мумкин. Шикоят аризасида қонунбузар фиманинг аниқ номи ва манзили кўрсатилиши керак.

### **ТОВАР БЕЛГИСИ УНИНГ ЭГАСИГА НИМА БЕРАДИ?**

Кўпчиллик компаниялар ва тадбиркорлар брендни рўйхатдан ўтказиш қаниғини музни эканини билса-да, бозорда рўйхатдан ўтмаган товар белгилар тез-тез учрайди. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш заруриятини тўла-тўқис англаб етиш учун унинг асосига афзалликларини санаб ўтамиш:

1. Товарга эгалик ҳуқуқи фақат сизда бўлади ва сиз товар белгисини бошқалар сотовига нидан ишлатилишига йўл қўймаслик имкониятига эга бўласиз. Товар белгисига мутиб ҳуқуқ ҳақида гувоҳномани қўлга киритгандан сўнг, сизга тегишли брекид ва унга ўзини брендни ишлататаётган компанияларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари туғанини сизга етган зиённи қоплашни талаб қилишингиз мумкин.

Товар белгисини ёки шу белги бинани белгилангандан товарни ружат берарнилашган тарзда тайёрлаш, қўллаш, оғизнириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ундан тарзда фуқаролик мумоносига қўришиш ёки уларни шу маъсаддидаганини ёхуд улар билан адаатириб юборади. Ган даражада айнан ухшаш булган бир хилдаги товарларни белгинаш **товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш** деб эътироф этилади.

Манба: Ўзбекистон Республикаси «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида»ги Қонунининг 26-моддаси.

1 «Белги» — шахснинг тақдим этиладиган товар ва хизматларини якка тартибида алоҳидасосида.

2. Ҳечқандай бөлшқа компания сиз адағында қыла олмайды ёки сиз ағатишили товар белгисини ишлатышиңизни таъкилай олмайды. Сиз катта молияттын тапоғоттарыннан олдини оласиз.
3. Рұйхатдан үтказилган товар белгиси — бу сиз учун реклама, сиз ағатишили товарни бозорда муваффакиятли ҳаракат қилишининг гарови. Товар белгиси учун түл сарфлаш — үз бизнесингиз учун сармоя ва бу сизга албатта самара келтиради.
4. Товар белгиси — бу компаниянинг номоддий активидир. У үз баҳосига эга ва компаниянинг қийматига қиймат құшади. Муваффакиятлы компаниянинг товар белгиси қиймати йил сайнан фақат ошиб бораверади.
5. Муваффакиятли товар белгиси — бу товар ва хизмат бозоридаги харидоргир товардир. Үни бошқаларга әгалік учун ёки фойдаланиш учун сотиш мүмкін. Қайд этиш жоизки, сұнгги вақтларда оммавийлашиб бораёттан франшизингдан товар белгисини рүйхатдан үтказған қолдагина фойдаланиш мүмкін.
6. Рүйхатдан үтказилган товар белгиси — бу компаниянинг муваффакиятли ва барқарор фаолиятидан далолатдир. Бу эса үз контрагентларынгиз олдида сизни янада ишончли ҳамкор сифатида намоён қиласы. Товар белгисини рүйхатдан үтказиш — бу үз маҳсулотингиз ва иш обрүйингизни ҳимоялаш демақдир.
7. Товар белгисини рүйхатдан үтказиш үз брендингизни самарали реклама қилишга имкон яратади. Барчага мәлумкі, агар реклама берувчи үз бренди давлат рүйхатидан үтказилгани тұғрисидеги гувохноманы тақдым этмаса аксарият оммавий ахборот воситалари бундай реклама берувчининг брендини реклама қилишдан бөш тортишади.
8. Товар белгисини рүйхатдан үтказиш орқали сиз рақобатчилар томонидан сизга тегишли товар белгисига үшаш домен номи Интернетде ишлатишини таъкилаш имканига ва UZ домейн худудида рүйхатдан үтиш учун устун ҳуқуқта зертталады.

Товар белгиси оммавий ва одамлар биладиган бўлиши кифоя эмас. Товар белгиси ҳуқуқий ҳимояланган бўлиши ҳам керак. Товар белгисини рүйхатдан үтказиш — бу бизнесни ишончли, хотиржам ва хавфсиз тарзда йўлга қўйиш кафолатидир.

89

### Ўзбекистон Республикаси фуқароси якка тартибдаги тадкор сифатида рўйхатдан ўтган ва патент асосида бир ўзи лайди. Мазкур шахс ўзига ишчи ёллаши мумкинми?

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, якка тартибдаги тадкорлик тадбиркорнинг ўзи томонидан унга мулкий ҳуқуқ бўйича тегишни бўлган (ёки унга эгалликка ёхуд ундан фойдаланишга рухсат берувчи бошқа турдуни мул ҳуқуқ бўйича) базасида амалга оширилади.<sup>1</sup> Якка тартибдаги тадбиркор боғигина ишга ёллаш ҳуқуқига эга эмас. Шунинг учун саволда назарда тутилган фуқаро тартибдаги тадбиркор ўзига ишчи ёллай олмайди. Одамларни ишга ёллаш кўну ёга бўлиш учун у юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтиши керак (масалан, ёки корхона таъсис этиши мумкин).

90

### Умумовқатланиш соҳасида фаолият юритувчи «N» МЧЖ тарофири мада кўп билан неча нафар ишчи ишлаши мумкинми?

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, умумовқатланиш соҳасида фаолият юритувчи микро фирмаларда ўртача йиллик ҳисобда 5 нафардан кўп бўлиш ишчи ишлаши мумкин.<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 200 11 октябрдаги 439-сонли «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишни бу корхона ва ташкилотларнинг классификациясини тасдиқлаш тўғриси иди» и юрик кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари саналган корхона ва ташкилотларнинг тафсил классификацияси, уларнинг фаолият кодлари ва ишчиларнини маънисиман кўрсатилган ҳолда белгилаб берилган. (24-сонли иловага қаранг).

91

### «N» хорижий корхонаси шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёр соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз ишига хорижий муҳандислини жалб қўймоқчи. Шу муҳандислардан бири Ўзбекистон қуду мөҳнат фаолиятини амалга ошириш бўйича мөҳнат лицензиясини ө

1 Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигинин кафолати» тарофири Қонунининг 6-моддаси, 2-қисми.

2 Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигинин кафолати» тарофири Қонунининг 5-моддаси.

**Лекин, у Ўзбекистон Республикасига «Т» туристик визаси билан келди. Маълум муддат ўтгандан кейин унинг Ўзбекистонда қолиш муддатини узайтиришга тўғри келди. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси унга «Е» меҳнат визасини расмийлаштиришдан воз кечди. ИИВ расмийлари нинг фикрига кўра: «Туристик виза асосида меҳнат визаси расмийлаштирилмаслиги сабабли, хорижий муҳандисга меҳнат визаси расмийлаштириш мумкин эмас. Меҳнат визаси олиш учун хорижий муҳандис Ўзбекистонни тарк этиши ва Ўзбекистоннинг хорижий давлатдаги дипломатик ваколатхонасига мурожаат қилиши керак». Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармасининг талаби тўғрими?**

Албатта, Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармасининг талаби тўғри. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси «Е» меҳнат визасини фақатгина Е, В-2 (ишли визаси — ишибилар-мон доиралар вакиллари учун) ва РV-1 (хусусий виза — Ўзбекистон фуқаролари таклифи билан келувчилар учун) визалари асосидагина узайтириши мумкин. Бундан ташқари визани узайтириш учун хорижий ишчини ёллаш ҳукуқини берувчи меҳнат лицензияларига (Ўзбекистон Республикасининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилади) бўлиши керак.<sup>1</sup> (25-сонли иловадаги намуналарга қаранг).

**92**

**«Н» МЧЖнинг таъсисчилари жамиятни тугатиш ҳақида қарор қабул қилишди. Корхона тугатилиши сабабли ишдан кетадиган ишчилар билан қандай ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш зарур бўлади?**

Корхона тугатилиши сабабли иш берувчи томонидан ишчи билан меҳнат шартномасининг тугатилиши Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, 2-қисмининг 1-бандида кўрсатилган. Меҳнат Кодексининг 102-моддасига кўра, иш берувчи ўз ходимини корхона тугатилиши сабабли меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида камида 2 ой аввал ёзма равишда огоҳлантириши (огоҳлантириш ҳужжатига ишчи кўйиб олиши керак) шарт.

Огоҳлантириш берилган муддат давомида ишчи ўзига бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида бир марта ишга чиқмаслик ҳукуқига эга бўлади. Ишга чиқмаган кунлари учун унга ойлик тўланади. Ишчи иш берувчи билан келишилган ҳолда икки ой (огоҳлантириш муддати) давомида ишламаслик ва шу муддат учун пуллик компенсация олишга ҳақли. Бундан ташқари, ишчига ишдан бўшаганда қонунга мувофиқ бериладиган пул (моддий ёрдам) ҳам тўланиши керак.

Меҳнат Кодексининг 67-моддасига кўра, ишчи корхона тугатилиши сабабли ишдан бўшатилганда унга қўпи билан икки ой учун ўртача ойлик, шунингдек, биринчи ойда моддий ёрдам ҳам тўланади. Агар ишчи иккинчи ойда ҳам ўзига иш топмаса ва буни меҳнат дафтарчasi орқали тасдиқласа, у ҳолда ишчига эски иш жойи иккинчи ой учун

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 108-сонни қарори билан тасдиқланган «Хорижий фуқароларининг ва фуқароликка эга бўлмаган шахсларининг Узбекистон Республикасига келишилари ва Ўзбекистон Республикасида котишлари тартиби».

Хам (оій тұтагандан кейин) үртаса ойник миқдоридә моддий ёрдам пули тұнайды. Ағар ишінің мекеме шартномасы тұтаптыңдан кейин 10 күн ічінде иш билан таъминлашырылады «иіш қидирудың» сифаттада рұйхатдан үткен бўлса, унинг ишсиззинини иш билан таъминлаш масалалари билан шугууланувчи маҳаллий орган тасдиқласа, у ~~хол~~да унинг эски ишхонаси ишчига үчинчи ой учун ҳам (агар үчинчи ойда ҳам иш төзимаган бўлса) үртаса ойлик миқдорига тенг моддий ёрдам пули тұлаши керак булады.

## НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

93

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 123-моддасига кўра, «Давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг қаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига (юқори турувчи мансабдор шахсига) шикоят қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади». Шикоят солиқ хизматининг юқори органлари билан бир вақтда судга ҳам йўлланиши мумкин.

Бирор бир қарор ёки ҳаракат, хусусан, олдиндан ҳисобланган солиқлар ёки бошқа тўловларни тўлаш юзасидан судга шикоят қилинганда суд тегишли қарор чиқариши керак бўлади. Қарор чиқмагунча мазкур тўловлар ёки пуллик жарималар тўланмайди.

«N» МЧЖ Давлат солиқ инспекциясининг қарори (солиқ тўловлари тўғрисида) юзасидан судга шикоят қилди. Шикоятга тегишли ҳужжатлар илова қилинди. Судга шикоят қилгани ҳақида «N» МЧЖ Давлат солиқ инспекциясини ҳам хабардор қилди.

Биринчи инстанция суди «N» МЧЖ солиқ тўлаши керак деган қарор чиқарди. Лекин «N» МЧЖ биринчи инстанция судининг мазкур қарорига юқори турувчи суд инстанциясига аппеляцион шикоят киритилди ва бу ҳақда давлат солиқ инспекциясига хабар берди. Аммо, давлат солиқ инспекцияси «N» МЧЖга хизмат кўрсатувчи банкка топшириқ жўнатиб, тўланиши керак бўлган суммани корхонанинг ҳисоб рақамидан ечиб олишни буюрди. Давлат солиқ инспекциясининг мазкур ҳөракати тўғрими?

Солиқ Кодексининг 123-моддаси солиқ тўловчи солиқ органининг қароридан норози бўлиб, судга шикоят қилиши назарда тутилган. Бундай ҳолатларда солиқ органи томонидан қабул қилинган қарор ижроси бу юзасидан шикоят бўйича суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб туриласди.

Саволда назарда тутилган масала бўйича биринчи инстанция суди қарор қабул қилган. Унга нисбатан аппеляция шикояти берилган. Шунинг учун мазкур ҳолатда Солиқ Кодексининг 123-моддаси қўлланилмайди. Бу баҳс Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодекси орқали ҳал этилади.

Хўжалик процессуал Кодексининг 146-моддасига кўра, хўжалик судининг қарори қарор қабул қилинган кундан бир ой мuddат ўтгандан кейин кучга киради. Шундан кейингина мазкур қарор ижро этилиши мумкин. Судда иштирок этаётган томонлар

кучга кирмаган суд қарори юзасидан мазкур қарор қабул қилинган күндан баштап бир ой ичида аппеляция шикояти берипши мумкин.<sup>1</sup>

Алар биринчи инстанция қарори аппеляция орқали бекор қилинмаса, у ҳолди маънуб қарор аппеляция инстанциясининг төгишли қарори қабул қилинган вақтдан беннилаб кучга киради. Шу сабабли «N» МЧЖ аппеляция шикояти топширган ва бу миса ин аппеляция инстанцияси томонидан ҳали кўриб чиқилмаган бир пайдо биринчидан инстанция судининг қарори кучга кирмаган саналади. Бундай ҳолатди Давлат солиқ инспекцияси биринчи инстанция судининг қарорини узбошимчалик билан амалга татбиқ этиши Хўжалик процессуал Кодексининг мельёрларига зиддидир.

ССП аъзолари Давлат солиқ инспекцияси қарорлари юзасидан судга шикояти қилиш, бекор қарори юзасидан аппеляция инстанциясига мурожаат этиш ишларини ССП орқали, давлат бози тўламасдан амалга ошириши мумкин.<sup>2</sup>

**«N» МЧЖ ва «B» МЧЖ ўртасида низо юзага келди. Мутахассислар мазкур низони хўжалик суди орқали ҳал этишини мислаҳот беришди. Аммо низолашувчи томонлар бозорда катта обрутга эга, шунинг учун улар юзага келган низо ҳақида бошқалар, хусусан, мижозлар хабар топишини хоҳлашмаяпти. Молиявий хўжалик низоларини ҳал этишининг бошқа йўллари (хўжалик судини аралаштирумасдан) кам борми ва уларнинг афзалликлари нимада?**

Албатта бор. Бундай ҳолатларда молиявий хўжалик низоларини ҳал этишини энг маъқул йўли ҳакамлик суди муҳокамаси механизмидан фойдаланишиди. Низоларни ҳакамлик суди орқали ҳал этиш қўйидаги афзалликларига оға:

- Низолар қисқа муддат ичида кўриб чиқлади;
- Ҳакамлик суди иштирокчилари (низолашаётган томонлар) судларни мустаҳкам ҳолда тайинлашади ва уларнинг иш тартибини ўзлари белгиланади;
- Низоларни кўриб чиқиш учун харажатлар камроқ бўлади;
- Низо ҳақидаги маълумотларнинг махфийлиги таъминланади;
- Ҳакамлик судлари томонидан қабул қилинган қарорларга мажбурори равишда бета рилади.

**Хўжалик судининг қарорига кўра, «N» хусусий корхонаси тўлиши керак бўлган қарз корхонанинг ҳисоб рақамидан ундирилди. Қонунда белгилangan тартибга биноан, бу пул қарор чиққандан бошлаб 5 кун ичида ундирилиши керак эди. Аммо жавобгар корхона туди ижро варақасини ўз вақтида (5 кун ичида) бажармади ви шу сабабли Хўжалик суди корхона раҳбари ва баш бухгалтерига Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиши тўғрисида»ги Қонуннинг 82-моддасига биноан жарима солди.**

**Хўжалик судининг мазкур қарори назорат тартибида бекор қилинди ва даъвони қониқтиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинди.**

1 Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексининг 156-ва 158-мөjdидашар

2 Ўзбекистон Республикаси «Санда саноат нашрати тўғрисида»ги Қонуннинг 15-сабаби

**си юзасидан ариза билан «N» хусусий корхона вакъулари кимга мурожаат қилиши керак: умумий юрисдикция (фуқаролик, жиноий) судигами ёки хўжалик судига?**

